

84(49p)
Д 22

ИККИ АЁЛГА БИР МАҲБУБ

Фредерик Дар

The book cover features a surreal illustration. In the center, a woman in a dark dress stands on a dark, silhouetted pedestal, reaching up towards a large, ethereal face that appears to be part of the sky. The face has long, flowing hair and a gentle expression. The background is a deep purple and blue twilight sky with a crescent moon in the upper right. A flock of small birds is visible in the lower right. The overall mood is dreamlike and romantic.

*Қалбда туғилган ҳар ният
ҳаётга кўчиши муқаррар*

84(4Ф2р)
Д 22

Фредерик Дар

ИККИ АЁЛГА БИР МАХБУБ



Nizomiy nomli
T D P U
kutubxonasi

у-8916/8



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

УЎК: 821.133.1-31

КБК: 84(4Фра)

Д – 22

Дар, Фредерик

Икки аёлга бир маҳбуб: детектив қисса / Фредерик
Дар. Таржимон: О.Фармон. – Тошкент: Янги аср авлоди,
2022. – 128 б.

ISBN 978-9943-20-920-6

Хар қандай ёлғон – ёмон! Аслида бу ҳаёт ёлғонлар билан ўралашиб, вақтни бой беришга жуда қисқалик қилади. Кичик ёлғон ҳам борган сари йириклашиб, соҳибини чохга чуқурроқ ботиради, бироқ ушбу ёлғон бошланишидан жуда улкан бўлса-чи? Бунинг оқибатлари инсонлар ҳаётини қай даражада заҳарлайди?

Фредерик Дарнинг кўлингиздаги мазкур асари ўқувчига инсон қалбида туғилган сўз, ният ҳаётга кўчиши муқаррарлигини эслатиб, бундан керакли хулосалар олишга, қалб уйимизни пок ва тоза тутишга ундайди!

УЎК: 821.133.1-31

КБК: 84(4Фра)

Таржимон:
Ориф ФАРМОН

ISBN 978-9943-20-920-6

© Фредерик Дар, «Икки аёлга бир маҳбуб». «Янги аср авлоди», 2022 йил.

Биринчи қисм

Биринчи боб

Мен кирғокда, шундоқкина сув ёнида тўхтадим ва унинг чироқлар нури қоплаган хира ойнасимон юзасига боқдим. Қалбимда ўзига тортаётган кўпчиликка таниш ҳис пайдо бўлди – ўзимни сўнгсиз тўлқинлар бағрига отсам. Истагимда ўзига хослик бор эди: бўйнимда чўяндай юк билан сувга отилсам.

Фақат яна бир ҳолат мавжуд эди: болалигимда бир куни катта, чуқур ҳавзада дўстларимни қойил қолдираман деб шўнғиб чўкиб кетишимга сал қолган.

Ўша чўкаётганимда қоплаган даҳшатни эсладим... Хаёлимдан ҳаммаси эски кинодаги кадрлардай липиллаб ўтди. Оғзимга сув тўлиб, бироз ўлим таъмини, бундан баттарроғи охири ўлимга кўнганимни ҳис этдим... Эслаш шунчалик ёқимсиз эдики, сувга тушишга иккиланиб қолдим.

* * *

Мен йигирма дақиқача ямлаб турган сигаретим қолдиғини сувга туфладим... У сувда чайқала бошлади... Йўқ, албатта, йўқ, фақат бугун эмас! Бу кадамни ташлашга иродам етмади.

Мени чорлаётган сувдан нари кетдим. Тун сокин ва ёқимли эди. Буғ кўтарилаётган дарё устидаги осмонда булутлар сузарди.

Портни тарк этиб, денгиз бўйидаги йўлга чиқдим. Унинг бир томонида дафна дарахтлари ўсган, иккинчи тарафида пляж бошланарди.

Чорасизликдан эзилганимча қўлларим чўнтакда ишончсиз қадам ташлаб борардим. Улкан дарахтлар остидаги нохуш юришимни ҳеч нарса, ҳеч қачон тўхтата олмайдиганга ўхшарди. Майли, йўлим бетиним денгиз шовқини каби абадий бўлсин.

Тўсатдан йўлни бир жуфт фара нури ёритди. Мен тор йўлда машинани ўтказиб юбориш учун дарахтлар остига чекиндим, аммо у шунчалик секин келардики, гўё дафн маросимидагидай. Хайдовчи адашиб қолган-у, ҳозир йўл сўрайди, деб ўйладим. Мен эса турган жойим ҳақида тасаввурга эга эмасдим.

Автомобиль ёнимда тўхтаб, эшиги очилди. Рулда аёл киши эди. Нозик атир хидини туйдим.

— Қаёққа кетяпсиз?

Овоз осойишта, бироқ совуқроқ эди. Савол додиратиб қўйди. Аёл юзимни кўриши керак эди, мен аҳмоқона туюлмаслиги учун жилмайдим.

— Сайр қиялпман. Кеча ойдин.

— Мен билан сайр қилишни хоҳлайсизми? — Катъий оҳанг мени хушёр торттирди. Ишонтириб айтаман, ҳеч қачон ўзимни бу қадар йўқотиб қўймагандим.

— Сиз билан? — ғўлдирадим мен. Унинг юзи оппоқлигини пайкадим. Бармоқлари асабий ҳолатда рулни урарди.

— Мен билан!

Шу пайтдаги туйғум унча кўркувга ўхшамасди. Бу қандайдир бошқа нарса эди... Шунда ҳам машинага ўтирдим ва эшикни ёпдим.

Машина катта, Американики эмасми, салони қасрдагидай шинам эди. Мен аёлга назар ташламоқчи бўлдим, аммо унинг боши шойи рўмол билан ўралганди. Барибир, унинг гўзаллигини сездим. У енгсиз оқ кўйлакда эди.

Машина секин жойидан жилди. Қаёкка кетяп-миз, деб сўрашимга сал қолди, лекин бунда кимга ўхшашлигимни ўйлаб, жим туришни лозим топдим ва воқеанинг давомини кутдим.

Машина йўлда, гўё қайиқ сувда сузаётгандай юриб борарди. Бир неча дақиқа сўз қотмай кетдик. Бироқ аёлнинг қаёкка бораётганимизни жуда яхши билиши кўриниб турарди. Йўл охирига етгач, машина секинлади ва аёл уни ниҳоятда тор ҳамда қоронғи кўчага бурди. Бу, эҳтимол, ҳозир ҳеч кимса йўқ шахсий уйга олиб борувчи йўлак эди. Нотаниш аёл машинани энг қоронғи жойда тўхтатди, кейин менга ўгирилди. Мен унинг юзини кўриш учун ҳар нарсасига тайёр эдим, лекин пешана ва ёноқларини рўмол тўсиб турмаганда ҳам бунинг иложи йўқ эди: атроф шунчалик қоп-қоронғи эдики, худди гордагидай.

Машинада деярли ўлик сукунат ҳукм сурарди, фақат мен нималигини тушунмаган қандайдир паст товуш эшитиларди. Нималигини тушунганимда эса аёл кўйлагининг барча олд тугмаларини ечиб бўлган эди...

Ниҳоят, у мендан нима кутганини англаб етдим. Хайрат ва кўрқувим йўқолди...

...Биринчи у ўзига келди... Қаддини кўтариб тер босган эгнига кўйлагини кийди ва машина тез орқага юрди.

Катта йўлга чиққач, аёл тушишимни буюрди.

Мен қулоқларимга ишонмадим.

– Қанақасига?

– Туш, ифлос ярамас! Тез!

– Йўқ, беҳазил, шунақа қилиб ажрашишимизни истайсизми?

Мен, ахир, ҳозиргина кучлилигимни кўрсатдим ва ўз позициямни беришни хоҳламасдим.

Шу пайт қандайдир шиқирлаш эшитилди. Афтидан, у орқа ўриндикдан нимадир олди. Бу нимадир эса тўппонча эди. Фира-ширада тўппончанинг перламутрли дастаси ялтиради.

– Тушинг!

– Хўп, агар шундай бўлса... – шивирладим мен ва эшикни очдим.

– Аммо пастга тушиш ўрнига кескин бурилиб унинг тўппончали қўлига урдим. Револьвер орқа ўриндикқа учиб тушди. Мен унинг иягидан тутдим. Нотаниш аёлнинг кўзлари қоронғиликда кутургандай йилтиллади.

– Эшит, гўзалим, балки сен жазавадордирсан? Жазавангга тупурдим, хафа бўлишим ҳам аҳмоқлик... Аммо муомаланг менга ёқмаяпти, тушундингми?

Кейин эса тўсатдан ғазабим шартта босилди. Уни қўйиб юбориб, пастга тушдим. Оёғим билан эшикни ёпдим. Машина олдинга интилди, шунда тўсатдан миямга машина рақамини ёзиб олиш фикри келди. Бахтимга у эсда осон қоладиган 98 ТО 6 рақами эди.

Илиқ қумга ўтириб, узоқда қирмизи из қолдириб кетаётган машина чироқларини кузатдим.

* * *

Эртасига барвақт уйғондим ва дарров ҳаммасини тушимда кўрмадиммикин, деб ўйладим. Фақат тушдан тушунарсиз хотира қолади, бу эса... Финғиллаб хиргойи қилганча душда ювиндим. Нима ҳам дердим, саргузаштим ҳаётга қизиқишимни қайтарганди.

Ҳатто ҳисоб-китоб кўтариб кираверишда кутиб турувчи меҳмонхона хўжайинининг совуқ турки ҳам кайфиятимни туширолмади. Мана, уч кун-

Машина секин жойидан жилди. Қаёкка кетяп-миз, деб сўрашимга сал қолди, лекин бунда кимга ўхшашлигимни ўйлаб, жим туришни лозим топдим ва воқеанинг давомини кутдим.

Машина йўлда, гўё қайиқ сувда сузаётгандай юриб борарди. Бир неча дақиқа сўз қотмай кетдик. Бироқ аёлнинг қаёкка бораётганимизни жуда яхши билиши кўриниб турарди. Йўл охирига етгач, машина секинлади ва аёл уни ниҳоятда тор ҳамда қоронғи кўчага бурди. Бу, эҳтимол, ҳозир ҳеч кимса йўқ шахсий уйга олиб боровчи йўлак эди. Нотаниш аёл машинани энг қоронғи жойда тўхтатди, кейин менга ўғирилди. Мен унинг юзини кўриш учун ҳар нарсасига тайёр эдим, лекин пешана ва ёноқларини рўмол тўсиб турмаганда ҳам бунинг иложи йўқ эди: атроф шунчалик қоп-қоронғи эдики, худди гордагидай.

Машинада деярли ўлик сукунат ҳукм сурарди, фақат мен нималигини тушунмаган қандайдир паст товуш эшитиларди. Нималигини тушунганимда эса аёл кўйлагининг барча олд тугмаларини ечиб бўлган эди...

Ниҳоят, у мендан нима кутганини англаб етдим. Ҳайрат ва кўркувим йўқолди...

...Биринчи у ўзига келди... Қаддини кўтариб тер босган эгнига кўйлагини кийди ва машина тез орқага юрди.

Катта йўлга чикқач, аёл тушишимни буюрди.

Мен кулоқларимга ишонмадим.

– Қанақасига?

– Туш, ифлос ярамас! Тез!

– Йўқ, беҳазил, шунақа қилиб ажрашишимизни истайсизми?

Мен, ахир, ҳозиргина кучлилигимни кўрсатдим ва ўз позициямни беришни хоҳламасдим.

Шу пайт қандайдир шиқирлаш эшитилди. Афтидан, у орқа ўриндикдан нимадир олди. Бу нимадир эса тўппонча эди. Гира-ширада тўппончанинг перламутрли дастаси ялтиради.

– Тушинг!

– Хўп, агар шундай бўлса... – шивирладим мен ва эшикни очдим.

– Аммо пастга тушиш ўрнига кескин бурилиб унинг тўппончали қўлига урдим. Револьвер орқа ўриндиққа учиб тушди. Мен унинг иягидан тутдим. Нотаниш аёлнинг кўзлари қоронғиликда қутургандай йилтиллади.

– Эшит, гўзалим, балки сен жавадордирсан? Жазавангга тупурдим, хафа бўлишим ҳам аҳмоқлик... Аммо муомаланг менга ёқмаяпти, тушундингми?

Кейин эса тўсатдан ғазабим шартта босилди. Уни қўйиб юбориб, пастга тушдим. Оёғим билан эшикни ёпдим. Машина олдинга интилди, шунда тўсатдан миямга машина рақамини ёзиб олиш фикри келди. Бахтимга у эсда осон қоладиган 98 ТО 6 рақами эди.

Илиқ қумга ўтириб, узоқда қирмизи из қолдириб кетаётган машина чироқларини кузатдим.

* * *

Эртасига барвақт уйғондим ва дарров ҳаммасини тушимда кўрмадиммикин, деб ўйладим. Фақат тушдан тушунарсиз хотира қолади, бу эса... Гингиллаб хиргойи қилганча душда ювиндим. Нима ҳам дердим, саргузаштим ҳаётга қизиқишимни қайтарганди.

Ҳатто ҳисоб-китоб кўтариб кираверишда кутиб турувчи меҳмонхона хўжайинининг совуқ турқи ҳам кайфиятимни туширолмади. Мана, уч кун-

дан бери бу ёқимтой ҳисоб қоғозини силтаганча мени йўлда тўхтатади. Уч кундан бери қаторасига ҳеч келмаётган пул узатилиши ҳақидаги воқеани тўқийман.

Охир-оқибат, у казинодан ютказган мижозига биринчи марта дуч келаётгани йўқ-ку! Ҳаётга файласуфона қарай олмасанг, Ложувард қирғоғига меҳмонхона курма эди!

Бир кучоқ одатдаги ваъдаларни қалаштириб унинг ваъзаларидан қутулдим ва полиция комиссариатига йўл олдим. Денгиз аввалгидан мовийроқ туюлди, хавони ёввойи гулларнинг хушбўй ҳиди тугган эди.

Афтидан, полиция комиссариатида бекорчиликдан азобланиб ўтиришганди. Кир босган тўсиқ ортида фақат иккита инспектор футбол ҳақида вақлашарди.

Мен уларнинг эътиборини тортиш учун бекорга йўталардим. Улар мен билан шуғуллангунларича яна анча вақт ўтди. Ниҳоят, қора соч, ияги тўртбурчак ёшроғи «Ҳар қандай масала бўлмасин ҳал бўлмайди», дегандек қиёфада ёнимга келди.

– Нима истайсиз?

Бунга жавобан полициячи энг гулгун табассушимни олди.

– Мен «Юрбэн ва Сена» суғурта компаниясининг вакилиман.

– Нима бўпти?

– Гап шундаки, мижозларимдан бири...

– Мен овозимни пасайтириб атайин ҳурмат оҳангига ўтдим:

– Битта муҳим сиёсий арбоб, ҳм, мени тушунаётгандирсиз...

– У, албатта, балони ҳам тушунмади, лекин ҳар ҳолда қизиқиб қолди.

– Ҳалиги, мижозларимдан бирининг машинаси рухсат этилган тўхташ жойида турганда орқасидан уриб пачоқ қилган.

– Бу қанақа халқ ўзи! – тўнғиллади полициячи.

– Кўрдингизми, мана! Битта гувоҳ урилган машина номерини ёзиб олибди. Фақат у номерни тўғри эслаб қолганлигига шубҳаланяпти. Шунинг учун мен ортиқча шовқин солмай аниқламоқчи эдим...

Мен, ҳатто кўзимни қисиб кўйдим.

– Бу ерда нозик иш кўриш керак. Бизнинг ишимизда бу ҳам халақит бермайди ахир, тўғрими?

Бу билан уни ўз томонимга оғдирмоқчи эдим.

– Хўш, сизга нима керак ўзи?

– Агар иложи бўлса, 98 ТО 6 рақамли машина эгасининг манзилини берсангиз...

У ўйланиб қолди.

– 6 – бу денгиз бўйи Альпларида... Шошилманг, Ницци префектурасидаги автомобиллар техпаспортлари бўлимига қўнғироқ қиламан ҳозир.

– Олийжаноб экансиз, жаноб инспектор.

Иккинчи боб

Қидириб борганим маълум бирор услубга эга бўлмаган улкан бой хонадон эди. Уй гуллар қоплаган тепалик устига қараб ўрмалаётгандай қилиб қурилганди.

Томининг четлари қандайдир хитойча, ҳовлининг жойлашувида испанча услуб бор, ҳаммаси биргаликда улуввор ҳамда орсиз кўринарди. Лимон, пальма ва кактусларга тўла боғ тўғри йўлга тушиб келарди.

Қўнғироқ занжирини тортишдан аввал бу хусусий мулкни узоқ кўздан кечирдим ва виждонан

тан олсам, соғ-омон жўнаб қолмоқчи бўлсам, худди ортимда ёвуз куч тебраниб туради-да, олдинга итаради.

Қўнғироқ овози, гўё даранглашдай эшитилди.

Уй орқасидан қари хизматкор аёл чикди. У аллея бўйлаб юрди. У яқинроқ келгани сайин ташрифим ёкмаганлиги аниқроқ намоён бўла бошлади. Бу ерда эшикни очиш учун ҳақиқий сайрга чиқишга тўғри келар эди.

Хизматкор панжаранинг нариги томонида ишонкирамай тўхтади. Панжара симлари соясида юзи зебраникидай йўл-йўлга айланди. Кампир паканагина, озгин, кўзлари кичкина, илонникига ўхшар эди.

– Сизга нима керак?

Нима кераклигини унинг ўзи айта олса яхшироқ бўлар эди.

– Мен жаноб Лекен билан кўришмоқчи эдим...

Унинг оғзи четларида дарров иккита чуқур ажин пайдо бўлди.

– Ҳеч қанақа жаноб Лекен йўқ...

Бошланиши зўрми?

– Унда Лекен хоним...

Менинг доводираётган қиёфам охир-оқибат, салгина хайрихоҳлик уйғотди, шекилли.

– Бу ерда фақат баришња Лекенлар яшайдилар.

– О, ажойиб! Мен ҳақимда хабар беролмайсизми?

– Қанақа иш бўйича?

– Шахсий!

Бошқа нима деб жавоб бера олардим?

Ҳа, бундай уйга кириш осон бўлмаса керак. Кампир бир қарорга келолмай турарди.

– Балки мен жуда эрта келгандирман?

У жавоб ўрнига эшикни очди. Мен кирдим. Дарахтларда бутун бошли қушлар тўдаси ғужғон ўйнар эди. Ҳатто, гаплашиб бўлмас эди.

Хизматкор менга қаттиқ тикилди ва эшикни ёпди. Афтидан, мовийранг костюмим, оқ кўйлак ва сидирға галстугим хурмат уйғотди. Ҳа, албатта, жиддий кўринишим ҳам. У бинога олиб борадиган аллея бўйлаб юра бошлади. Биз оппоқ зиналардан тепага чиқиб, бахмал қопланган вестибюлда пайдо бўлдик.

– Исмингиз нима? – тўнғиллади кампир.

– Виктор Менда...

Унинг кулранг башарасида сўнгги шубҳа акс этди. Кампир менга кутиб туришимни ишораси қилиб, чироқлар порлаган қандайдир катта хонага кириб кетди. У ёқдаги шивир-шивирларни эшитиб турдим... Мен секингина ички ҳовлидаги кутиш хонаси томонга юрдим. Яшил плита қопланган фаввора ёнида йигирмалардан ошмаган малла сочли ажойиб маҳликони кўрдим. У ногиронлар аравачасида ўтирар, оёқлари оқ айиқ териси билан ёпилганди. Ниҳоятда оппоқ юзини фавворадаги сувдан ҳам яшилроқ кўзлари яшнатиб турар эди. Узун, деярли оққа мойил сочлари юзини ёруғлик гардишидай ўраганди... У қутурган қушлар зарбидан тебранаётган лимон шоҳига қараб ўтирарди.

– Марҳамат, буёққа келинг!

Хизматкорнинг кескин қичқириғидан ҳатто сесканиб кетдим. Қизга маҳлиё бўлиб турарканман, уни бутунлай унутибман. Кампир катта хонага бошлаб кирди, меҳмонхона ниҳоятда улкан бўлиб, кўплаб ёрқин рангли креслолар қўйилганди. Унинг бир томон девори ойнадан тикланган эди.

Ёзув столида ёш аёл ўтирарди. У алланималарни ёзар эди. Кўринишидан унга ўттиз ёшлар бериш мумкин, аммо жиддий нигоҳи ва қатъиятли юзига қараб каттароқ деб ўйласа ҳам бўлаверарди. У оч бинафша рангли кўйлакда эди, одатда, азадор

аёллар шундай кийинади. Ҳеч қандай пардоз қилмаганди.

Йўқ, ўтган кеча мени илинтирган қиз бу бўлиши мумкин эмас.

Кулранг кўзларнинг ўткир нигоҳи ўзимга ишончининг охириги қолдиқлари билан ҳам хайрлашишга мажбур этди.

– Мадемуазель...

Мени сўроққа тутар, деб умид қилгандим, лекин у ҳеч қандай яхшиликдан дарак бермайдиган нохуш қизиқувчанлик билан бокқанча жим турар эди.

– Менинг ташрифим сизни хайрон қолдиргандир? – гўлдирадим мен.

Аммо у ҳамон сабр билан кутар эди. О, Худойим, нима, у соқовми?

– Мен...баъзи бир маълумотларни олгани келгандим. Сизнинг 98 ТЮ 6 номерли автомобилингиз борми?

Ниҳоят, унинг овозини эшитдим. Паст, ичдан чиқувчи ва сал ғамгин товуш.

– Сиз кимсиз?

– Кечирасиз... Менинг исмим Виктор Менда...

Табиийки, исмим унга ҳеч нарсани англатмас эди.

– Жаноб Менда, нега менинг машинам билан шуғулланяпсиз?

У саволимга бевосита тасдиқ жавобини берган эди.

Мен ичкари ҳовлида кимирламай ўтирган чўлоққа назар солдим.

Албатта, у ўша тунги аёл эмасди.

Мен нигоҳимни суҳбатдошимга қаратдим.

– Бугун тунда сизнинг машинангиз мени уриб кетди, хоним...

– Мадемуазель!

Бу жангга чақирикдай янгради. Лаблари мас-хараомуз ишшайишдан кийшайди. Мен ҳақимда қандай ўйлаётганини тушундим. Эҳтимол, у мени бироз пул ундиргани келган, деб ўйлади ва энди химояга ўтганди.

– Бугун тундами?

– Ҳа.

– Бу ерда нимадир тўғри келмаяпти. Машина уч кундан бери гараждан чикмади.

– Сизники Америка машинасими, ахир? – сўрадим мен, чунки юрагимга шубҳа оралай бошлади.

Битта рақамга адашишим мумкин-ку. Тун қоронғи эди, масалан, саккизга лой ёпишса, бемалол олтига айланиши мумкин.

– Американики.

– Демак, мен адашмабман, гап айнан сизнинг машинангиз устида боряпти. У мени пляж бўйлаб кетган йўлда урди... Шикаст еган жойим йўқ...

– Худога шукр, – ҳақоратомуз деди у.

– Аммо, албатта, сиз костюмнгиз бўлганини айтасиз?

Бир неча лаҳза менга бу ҳақоратомуз оҳанг танишдай туюлди. Йўқ, барибир бўлиши мумкин эмас. Қаршимда босиқ аёл ўтирар, унинг тунлари бундай саёҳатлар уюштиришига ишоналмасдим.

– Йўқ, мадемуазель... Костюмимга ҳам шикаст етмади... Мен шунчаки машинани бошқарган аёлни кўрмоқчи эдим... фақат сиз эдингиз, деб ўйлай олмайман... Умуман, безовта қилганим учун кечиринг.

Мен таъзим қилиб, кетиш учун бурилдим.

Аммо иккита зина тушмасимдан унинг овози эшитилди.

– Илтимос, жаноб Менда...

Мен ўгирилдим. У қўлларини кўкрагига чалкаштирганча холл ўртасида турарди.

– Эшитаман.

– Бир дақиқага мумкинми?

Ёнига келдим. У қайта меҳмонхонага бошлади ва юшоқ креслони кўрсатди.

– Ўтиринг!

Ўзи қаршимга ўтирди ва оёқларини мен тиззаларини кўролмайдиган қилиб чалиштирди.

– Хеч нарсага тушунмаяпман, – деди секин.

– Бу ерда касал синглим билан ёлғиз яшайман... яна кекса хизматкор ҳам бор, ўзингиз кўрган. Уни-си ҳам, буниси ҳам, албатта, машина ҳайдашни билмайди. Ўзимга келсак, ишончим комилки, бу кеча машинани олмадим. Умуман, кечкурунлари ҳеч қаёққа бормаيمان.

У ҳақиқатдан ҳам, ҳаяжонга тушганга ўхшарди. Мен бош силкидим.

– Демак, кимдир машинангиздан фойдаланган.

– Мен эшитган бўлардим.

– Шарт эмас. Пайқашимча, гараж эшиги кўчага қараган, устига-устак машина мотори паст овоз чиқаради.

У елкасини салгина силтади.

– Аммо...

– Нима?

– Гараж калити...

– У ерда темир жалюзлар бор. Кўпинча шағал туфайли улар ерга зич ёпишмайди. Сиз ҳар доим ҳам текширавермайсиз-ку ахир.

– Тўғри, текширмайман.

– Калитни прибор тахтаси устида қолдирасизми?

– Ҳа...

– Унда ишонаверинг: қўшнилариңгиздан кимдир машинангизда ойдинли тун сайрига чиқади.

– Кулоқ эшитмаган нарса.

Мени эса бу унчалик ҳайрон қолдирмади. Тунги хотинга нисбатан ҳар нарсани тахмин қилиш мумкин.

– Сиз нима деб ўйлайсиз, балки полицияга мурожаат қилсаммикин?

– Ҳозир машинангиз гараждалигига ишонасизми?

– Ҳозиргина у ерда бўлдим. Юкхонасидан улбул олмоқчи эдим.

– Хўп, бундан кейин калитни ўзингиз билан олиб келинг, гараж яхшилаб беркитилганини текширинг. Полициячилар шунақанги майда иш учун уларни безовта қилганингизни тушунмайди.

Мен турмоқчи бўлдим. Аммо шу лаҳзада холлдан секин тикиллаш эшитилди. Ўша томонга бошимни буриб, ногиронлар аравачасидаги қиз биз томонга келаётганини кўрдим. Яқинроқдан қараганда у янада гўзал эди.

Қиз кўзларимга тикилди. Мен қизариб кетаётганимни сездим. У бирорта шимол афсонасининг қаҳрамони каби эди. Юзи ва сочининг оппоқлиги унга ғайритабиий тус берарди.

Опаси бизни таништира бошлади:

– Ева, бу жаноб Менда.

Кейин менга бурилди:

– Бу Ева, синглим...

Бемор менинг келишим боисини тушунтиришимизни кутарди. Опаси нима воқеа юз берганини айтди. Бу ғалати ҳодиса малласоч қизни заррача хаяжонлантирмаётганга ўхшар эди.

У эпчил ҳаракат билан аравачасини мен томон бурди.

– Менда, – деди у. – Сиз Виктор Менда эмасмисиз?

Опаси мендан кўра кўпроқ лол қолгандай туюлди.

– Нима? Сен, Ева, бу жанобни танийсанми?

– Ҳа исмини биламан... Ўтган йили радиода эшиттириш олиб борардингиз-ку?

– Олиб борардим, тўғри. Сиз эшитармидингиз?

– Ҳа, ҳар доим. Эсингдами, Элен, кечкурунлари «Ҳаммангизга хайрли кеч», деган эшиттириш бўларди.

– Сиз ўшамисиз? – хитоб қилди Элен.

У биринчи марта жилмайди ва мен ҳатто бу табассум чехрасини нақадар ўзгартириб юборганига ажабландим. Биласизми, баъзан намгарчиликда айланиб юрасан-да, атрофингдаги нарсаларга эътибор бермайсан. Кейин эса қуёш чиқади-ю, ҳаммаси жонланади, бамисоли куйлаб, қўшиқ айтиб юборади...

Ҳозир у ҳам шунга ўхшар эди. У тўсатдан ёш, чиройли, жўшқин кўринди...

– Ҳа, ўша мен эдим. Аммо, умуман, тингловчилардан бирортаси мени эслайди, деб ўйламовдим.

– Овозингиз ҳаяжонга солар даражада ажойиб, – деди Ева Лекен, – уни осонгина унутолмайсан.

– Нимага ҳозир радиода чиқмаяпсиз? Ўша пайтда эшиттиришингиз яхши эди!

– Бу савол радиокомитетдагиларга берилса яхши бўларди. Уларга эшиттиришимдаги интимлик ёқмаганми, дастурдан чиқариб ташлашган.

– Ачинарли, – деди Элен.

– Ҳеч кимга менчалик ачинарли бўлмаса керак, – дедим мен истеҳзоли.

– Ҳозир нима билан шуғулланаяпсиз?

Мен бош ва кўрсаткич бармоқларимни доира қилиб бирлаштирдим.

– Ҳеч нарса. Париждан чарчадим, у ерда қўлимдан келган ҳамма ишни қилдим, ҳеч бало чиқмади, Ложувард кирғоқда бахтимни синагани келдим. Менга «Монте-Карло радио»сида битта жой бор деб шипшитишганди. Лекин иш юришмади. Кейин

эса казино билан яккама-якка курашда омадсизлик таъқиб қила бошлади. Мана шу курагимни ерга теккизди. Шунақа.

Ўрнимдан турдим. Негадир уларнинг ёнида ўтира олмаётгандим.

– Хайрлашишга рухсат этинглар...

– Қаерга борасиз?

– Хеч қаерга.

Ева опасига қаради.

– Биласанми, Элен, мен нимани ўйлаяпман?

Опаси алланима тўғрисида хаёлга ботган эди, шекилли. Хира нигоҳини беморга тикди.

– Жаноб Менда менинг поэмамни магнитофонга ёзишга розилик билдирса, қандай ажойиб бўларди-я! Тўғрими?

– Албатта, жоним.

Малласоч тўсатдан тараддудланди.

– Сизга қийин бўлмас, а? – менга мурожаат қилди у. – Овозингиз шунчалик юракка етиб борадики, менинг бечора шеърларим ҳам сал-пал яхшироқ таъсирга эга бўлар. Биз билан тушлик қилишга қоласизми?

«Тушлик» менинг бўш қорним учун сеҳрли сўз эди. Кечадан бери оғзимга урвоқ ҳам солмаганман, ҳозир эса қовурилган картошка гарнирли бифштекс учун ҳар нарсага тайёр эдим. Лекин, барибир, эски одоб ҳисси устунлик қилди ва эътирозга мажбур этди:

– Биласизми, мен, умуман, ифодали ўқишни билмайман...


Ева ажойиб малла сочларини силкиди.

– Мен ёзган шеърларни айнан ифодали ўқиш шарт эмас...

Унинг ҳамма ўзига бўйсунишини истайдиган инжиқ эканлиги очиқ-ойдин эди.

Мен ҳам бошқалар каби иш қилдим.

У-8916



Учинчи боб

Кечга яқин ички ҳовлида бекаларим билан ўтирар ва чекар эдим. Кундузи магнитофонга Ева поэма деб атаган тўртта шеърини ёздим. Улар шол креслосига михланган йигирма ёшли гўзал қизнинг аччиқ фарёдига ўхшарди. Шеърлар мени маҳзун аҳволга туширди. Уларда шундай аччиқ алам бор эдики, ҳатто қуёш ғамгиндай туюларди.

Ўзини ўраб турган бойликларга карамай, ҳашаматли уйдаги ҳаёти қувончсиз эди, чамамда. Бу ерда ўтказган бир неча соат ичида гарчи аёллардан ҳеч қайсиниси дил ёрмаган бўлса-да, аҳволни тушуниб олдим. Ева полиомиелитдан сўнг шолга чалинган ва опаси умрини унга бағишларди. Аммо беморлар ўта худбин бўладилар. Ева ўзидан кечгани учун опасидан хафа эди. Унга бу қадар фидойиликни қабул қилиш осон эмасди.

Мен кўзларимни юмдим. Кутаётган келажагимни негадир ўйлагим келмас эди. Яхшиси, кечаётган ғалати кунлардан роҳатланиш керак.

Бу ердаги ҳамма нарсга ажойиб: атрофда сурурли сокинлик, кафелли ҳовузда сув шилдираши, ялтироқ япроқлар орасида ўйноқлаётган қушлар чуғури, айниқса, икки қизнинг мавжудлиги...

Ярим ёпиқ ковокларим орасида уларни кузатар эдим. Элен нимаси биландир грек ҳайкалини эслатарди. Унда идеал мукамаллик бор. Элен боғдаги креслода типпа-тик ўтирар, қандайдир ички овозга қулоқ солаётгандай эди. Унинг эътибор билан диққатини жамлаши менга ёқарди. Рассом бўлма-сам-да, Эленнинг юз ифодасини полотнода акс эттиришни хоҳлардим. Ева эса тиззасидаги айиқ терисини титкилар эди. Шундай қуёш тифида айиқ териси! У нима учун, сира тушунмас эдим... Эҳти-

мол, Еванинг оёқлари иссиқ ва совуқни сезмайдиган бўлиб қолгандир, аммо, барибир, эски одати нимага керак? Таннозликми? Ёки ўзи билан ўзининг курашими?

Қизнинг бебахтлиги шу боисдан ҳам янада дахшатли кўринардик, у ғаройиб ҳаёт кечириб учун яратилганди. У бениҳоя гўзаллигидан ташқари ўта ақлли эди. Қувватсиз танаси қандайдир ижирғаниш уйғотса-да, ажойиб қомати беихтиёр нигоҳимни тортарди...

– Нималарни орзу қияпсиз, жаноб Менда? – тўсатдан сўради у.

Мен сигаретимни креслонинг қўл суянчигига ўрнатилган кулдонга босдим.

Орзу қилаётганим йўқ, булутлар устида сузаяман...

Элен ҳушига келди, кўзларида хавфда қолган мавжудот ёрдам сўраётгандаги каби жўшқин ифода пайдо бўлди.

– Бир неча ой ичида биринчи бор ҳақиқий бахтиёрман, дея қўшимча қилдим.

Гапим самимий чиқди ва улар ишондилар.

– Бундай кунлар кўпроқ бўлиши сизга боғлиқ, – деди Элен.

– Раҳмат, сиз жуда олийжанобсиз...

– Биз сизга миннатдорчилик билдиришимиз керак, тўғрими, Ева?

Бемор жавоб бермади. У нимадандир ташвишга тушгандек эди.

Орага жимлик чўкди, кейин Ева бармоқларини шақирлатди.

– Нимага то иш топгунингизча шу ерда яшамасиз?

Бу таклифдан нафасим тикилди.

– Нима, сиз ростдан ҳам шундай деб ўйлайсизми?

– Мана, икки соатдан бери факат шу ҳақда ўйлайман!

– Бу ерда ким сифатида яшайман?

– Дўст сифатида. Ахир, дўстларингиз йўқ-ку, қачондир бошлаш керак, тўғрими, Элен?

Уларнинг суҳбати ғалати кечарди: биттасидан бирор нимани сўрасанг, у иккинчисидан маъқуллашни сўрар эди. Эҳтимол, бирга яшаб, ўзини бир-бирига бағишлаши туфайли турли чехрали яхлит мавжудотга айланиб кетгандир. Қизлар шу қадар яхлит эдиларки, унисига мурожаат қиларканман, беихтиёр бунисига қарар эдим.

– Албатта, жоним...

Мен бош чайқадим.

– Бунинг иложи йўқ... маде...

Аммо Ева қутуриб муштчаси билан аравачаси филдирагига урди.

– Оҳ, Худо ҳақки, мени бошқа мадемуазель деманг! Исмин Ева, сизники – Виктор, опамники – Элен... Шунақа, энди нима учун иложи йўқлигини тушунтиринг! Сиз ёқимтой ёш йигитсиз, биз учун уйимизда яна кимдир бўлиши керак... Амелиянинг ҳар кунги ўша-ўша тунд башараси жонимга тегди!

– Эшит, Ева...

Қиз елкаларини силтади.

– Нимани ўйлаётган бўлсам, шуни гапиряпман. Ҳаётим шусиз ҳам унча қувончли эмас, тўғрими? Нахотки, пайқамаяпсан? Мен олтин қафасдаги оёқсиз қушчаман... Уйдан безор бўлдим... Бу ердаги ҳамма нарсани ўрганиб чиқдим... анави фавворани ҳам... У тўғри асабимга тегяпти...

– Тинчлан, Ева...

Элен яна жиддий оҳангда гапирди ва тағин пухта уй бекасига айланди.

Бемор бир неча марта филдирагига урди ва аравача турган жойида айланди. У шу тарика бизга орқа ўгирмоқчи эди.

— Жаноб Менда, — яна гапга тушди у, — бир чақасиз қолдингизми?

— Ева! — қичқирди синглисининг сўровидан гангиган Элен.

— Мутлақо бир чақасиз! — чинқирди қиз. — Агар бу ерда қолмасангиз, эртага овқатланадиган жойингиз бўлмайди... Ўйланг, шундай эмасми?

Нима қилишим керак бўлса, шуни қилдим. Ўрнимдан турдим. Эленга қараганимча хулоса ясадим:

— Ажойиб тушлик учун раҳмат...

Кейин инглиз лордларидай мағрур ташқарига йўл олдим.

Бу — муносабатларнинг узил-кесил бузилиши эди. Баришња Лекенлар билан танишувимиз шундай тугаган эди. Ева томонидан қилинган ҳақорат жуда жиддий эдики, Элен ҳатто кечирим сўрашга ҳам ботинмади. Аммо шу ерда ҳам мени тасодиқ кутиб турган экан. У ўта кулгили тарзда намоён бўлди.

Фаввора қирғоғидан аравачани айланиб ўтарканман, оёғим қувурни ёпувчи тош кўтариладиган халқага илиниб қолди. Мувозанатимни тикламоқчи бўлдим, лекин иккинчи оёғим ҳовузнинг силлиқланган чеккасида сирғаниб сувга шалопплаб қуладим.

Меҳмонларингизни хурсанд қилмоқчи бўлсангиз, бирор пайт шундай томошани кўрсатинг. Кремли торт ирғитишдан кам бўлмаган беқиёс самара беради.

Опа-сингиллар кўзларидан ёш чикқунча кулдилар. Мен шалаббо, ўзимдан ҳам, улардан ҳам газабланганча ўрнимдан турдим. Анави икки бекорчига шу қадар тарсаки туширгим келардики, ҳатто қўлларим қалтирарди.

Аммо, биласизми, инсондаги барча қилиқлар орасида энг юқумлиси кулгидир. Ҳазабим тўсатдан хахолашга алмашди. Ҳаётимда бунчалик мириқиб кулмагандим... Ҳатто оёқларимни сувга ботириб икки букилганча ховуз четига ўтириб олишимга тўғри келди.

Дастлаб Элен жиддий тус олди. Ховуздан чиқишимга ёрдамлашиш учун қўлини чўзди. Шимим баданимга ёпишганча тошлар устида турганимда ҳам кулгили кўринардим.

– Кийимингизни алмаштиришингиз керак, – деди Элен, – юринг... Сизга ҳозир чўмилиш халати бераман-да, Амелияни буюмларингизни олиб келиш учун меҳмонхонага юбораман. Қаерда тўхтадингиз?

– «Мовий тўлкинлар»да.

Унинг ортидан иккинчи қаватдаги ваннахонага чиқдим. Ҳўл костюмимни ечарканман, унинг хизматкорига топшириқ бераётганини эшитдим. Шунда тўланмаган меҳмонхона ҳақи эсимга тушди. Хўжайин тўловсиз ҳеч қачон буюмларимни бермайди. Уятдан ўлар ҳолатда ванна эшигини қия очдим.

– Мадемуазель Лекен!

У ётоқхона остонасида туради.

– Ҳа?

Елкалари тор, оқ пеньюарда яна кулгили кўринган бўлсам керак. Халат жуда калта эди, кимононинг енглари эса зўрға тирсагимга етарди.

– Хизматчингизни овора қилишга ҳожат йўқ... Ҳеч бўлмаса, кўчадан ўтиб оладиган қилиб сал-пал дазмоллаб юборса, бас эди.

Элен бош чайқади.

– Ўйламанг ҳам! Уларнинг ҳаммаси ҳўл. Ҳатто икки кунда ҳам қуримайди.

– Майли... Мен ...

У яна эътироз билдирмоқчи эди-ю, тўсатдан ҳаммасини тушунди. Мен қандай қизариб кетаётганимни сездим. Уят бўёғи юзимни куйдира бошлади.

Элен ўгирилиб, хизматкорини чақирди.

– Амелия!

Кампир панжара ортидан қув башарасини чиқарди.

– Эшитаман, мадемуазель.

– Жаноб Менда вақтинча бу ерга жойлашади. Боринг-да, меҳмонхона ҳақини тўлаб таксида буюмларини олиб келинг.

Амелия ажабланганидан нақ беҳуш йиқилаёзди.

– Бу ерга, – ғинғиллади у.

Аммо дарров ўзини қўлга олиб, жавоб берди:

– Яхши, мадемуазель.

– Евани бундай қувончдан махрум қилмассиз ахир! – менга мурожаат қилди Элен.

У жилмаймоқчи бўлди, лекин табассуми эрталаб-кидан бошқача чиқди.

Ҳозиргиси кўпроқ ишшайишга ўхшарди.

Агар аҳмоқона аҳволга тушиб қолмаганимда, уларнинг таклифига асло кўнмасдим. Бироқ ҳозирча бунақанги алпозда эканман, хаёлимда бир фикр айланарди: тузукроқ кийим топгунча қаергадир яшириниш.

– Хўп, бу ҳақда кейин гаплашамиз, – хўрсинди у.

У мармар қопланган зинага чиқадиған эшик томон юрди.

– Юринг, сизга хонангизни кўрсатаман.

– Менинг хонамни!

– Ҳа, ана, сизга саргузашт.

Тўртинчи боб

Хар холда ўша тун аёло даражада ухладим... Эрталаб боғдан келаётган аллақандай шовкин уй-ротди. Каравотдан ирғиб туриб, деразадан мўраладим. У бинонинг орқа тарафидаги бокқа қараганди. Боғда ҳалқа ва арқонли турник бор эди.

Ажабланганимдан нақ оғзим очилиб қолди. Элен, сарвқомат Элен гимнастика машқларининг тўлик комплексини бекаму кўст бажарарди.

У мовийранг калта иштонда, йўл-йўл оқ, мовий майкаси кўкрагига ёпишиб турибди.

Уни яқинроқдан кўролсам қани эди!

Мен тез ювиниб, кийиндим. Кўп вақтим казинода ўтган бўлишига қарамай, бир неча кун ичида қаттиқ қорайгандим ва баданим оқиш костюмидан яққол ажралиб турарди.

* * *

Уйда худди черковдагидай сокинлик ҳукм сурадди. Мен писмайиб зинадан тушдим. Холлни янги қайнатилган қахванинг хушбўйи тутиб кетганди.

Соат етти бўляпти. Кўп йиллар ичида илк бор бундай эрта туришим. Ички ховлидан чопиб ўтиб, уйнинг нариги томонидан чиқдим. У ерда кийикўтлардан нилуфар тусга кирган дўнглик бошланган жойда спорт билан шуғулланиш учун қумлоқ майдонча барпо этилганди.

Ҳалқа ҳамон Эленнинг оғирлигидан ғижирлар эди. Бу товуш қуш сайроғини эслатарди. Менга фақат унинг елкаси кўринарди.

Эрталабки биринчи сигаретни тутатдим ва катта тошга ўтирдим. Ҳақиқий спортчи. Бунақанги машқларни фақат стадионларда кўрмасанг...

Мана, у оёқларини юкорига кўтариб, қўлларида тортилди, халқаларни икки томонга кенг ёйди ва пастга ўкдай учди. Боши пастга тушгачгина мени кўрди. Хавода ўмбалоқ ошди-да, дархол ерга сак-ради. Эленнинг юзи зўриқишдан қизарган, кўкси тез-тез кўтарилиб-тушарди.

– Зўр, аёло машқ!

У алланима демоқчи бўлди-ю, нафаси етмади.

– Ҳар куни эрталаб шуғулланасизми?

У тасдиқ маъносида бош силкиди.

– Тўғри қиласиз: қоматни сақлаб туришда факат шу ёрдам беради.

Сигаретимни отиб юбордим. Ҳар доим биринчи сигаретнинг ярмини чекаман. Ҳа, бундай томошадан кейин ўзимга келишим қийин эди. Бекамнинг узун оёқлари, хипча бели, майка маҳкам ёпишган қоматига қараб туриб баданимдан иситма ўтаётганини ҳис этдим.

– Бадантарбия билан шуғулланиш учун ҳар куни тонгда турасизми?

– Ҳа... Синглим туфайли. У машқларимни кўришини истамайман.

Мен лақмалик қилдим: «Нимага?» деб сўрадим.

Аммо дархол бундай спорт аламзада ногиронни қанчалик яралашини тушундим.

– Ҳа-ҳа, албатта.

Назаримда у, кеча мен чўмилиш ҳалатида типирчилаётган пайтимдагига ўхшаб тезроқ кийиниб олишни хоҳлаётган эди. Унга бундай енгил кийимдалигида қарашларини ёқтирмайди, шекилли.

– Айтинг-чи, Элен, сизга битта ноўрин савол берсам майлими?

– Марҳамат.

– Неча ёшдасиз?

У кафтининг орқа томони билан терлаган пешанасини артди. Кейин эса чап оёғидаги кедининг ипи ечилиб кетди, деган қарорга келди ва кўри-нишидан тугуни жойидага ўхшаса-да, боғлаш учун эгилди. Аммо бу ҳаракати менга қарамай жавоб беришга имкон яратди:

– Ўттиз икки.

– Сўраганимга хафа бўлмадингизми?

– Сира ҳам.

– Унда иккинчи савол мумкинми?

У жилмайди.

– Нега мумкин бўлмасин?

– Умуман, Элен, ўттиз иккида турмушга чиқмаган қиз қариқиз ҳисобланади. Сиз эса ундай кўринмайсиз. Нимага?

Жуда чуқурлашиб кетганимни пайқадим. Унинг ранги оқарди. Нигоҳида совуқ учқун йилтиллади.

– Шунчаки соғлом турмуш тарзига амал қиламан. Гимнастика билан шуғулланаман, ўзингиз кўрдингиз...

Мен унинг хафа бўлганини сездим. Бағримга босиб, юпатишни истардим.

– Кечиринг, мен ҳақиқий аҳмоқман. Сиз ҳатто фақат яхшигина эмас, Элен, сиз ҳақиқий гўзалсиз!

У ранжиди.

– Хушомадни кўргани кўзим йўқ. Феълимга тўғри келмайди.

У қочиб кетди, мен эса спорт майдончаси ёнида турганимча қолдим. Тўсатдан қаёқдандир кулги овози эшитилди ва иккинчи қаватдаги деразалардан бирида Еванинг юзи кўринди. Афтидан, у Элен билан суҳбатимизнинг бирор сўзини ҳам қолдирмай эшитган эди. Евага қўл силкидим, лекин у жавоб бермай, дераза ортида ғойиб бўлди.

* * *

Холлнинг орқа томонига ногиронлар аравачасини иккинчи қаватга кўтаришни осонлаштириш учун кўтаргич қурилма ўрнатилганди.

У одатдаги лифтга қараганда кўпроқ ресторанларда овқатни залга узатувчи мосламага ўхшар эди. Қурилманинг эшиги ўрнида қадимги трамвайларники каби занжир осилиб турар эди.

Холлга кирганимда Ева ҳам кўтаргичда ўша ёққа тушаётган экан. Ҳар доим унга қараганда ачинсанг ҳам аравачасини бошқараётгандаги ишончли ҳаракатларидан завқланмай бўлмасди. Еванинг ҳаракатлари одамлар одатда қандай юрса, шундай енгил эди. Гўё аравача гавдасининг бир қисмига айланган.

Ўша эрталаб у ёқалари очиқ шотланд кўйлаги кийганди. Остидан ич кийими кўришиб турарди.

Жилмайишга уринганча қаршисига юрдим.

– Яхши ухладингизми, Ева?

У захарханда қилди:

– Ҳазиллашяпсиз, шекилли? Кўп йиллардан бери ёмон ухлайман.

– Сизнинг ёшингизда-я?

– Ёш, ўзингиз тушунасиз, унинг уйқусизликка алоқаси йўқ.

– Шеърларни ҳам тунда ёзасизми?

– Ҳа.

– Эҳ, мана, нима учун поэмаларингиз ғамгин чиқаркан! Горизонтал кечувчи фикрлардан ёмони йўқ.

У очиқ нигоҳини менга тикди.

– Вертикал фикрларга ҳам жон деб рози бўлардим. Фақат, Виктор, бунинг сира иложи йўқ.

Нима деб жавоб беришим мумкин? Бундай касалликда аччиқ ўйларга эрк беришга ҳақли.

– Нимагадир менинг ёшим нечадалигини сўрама-
япсиз, – деди у секингина.

Мен қизариб кетдим.

– Чунки шундоқ ҳам билиб олиш мумкин, ўн
саккиз, шундайми?

– Адашдингиз: йигирма!

– Нима фарқи бор?

– Сиз неччига кирдингиз?

У менга андишасизларча хайрат билан қараб
турарди.

– Сиз нафақат келишган, – деди у ниҳоят, мен
Эленга айтган гапимга таклидан, – сиз ундан ҳам
яхшироқсиз.

Охири менинг жаҳлим чикди.

– Қизиқ нима учун мени бу ерда яшашга таклиф
килдингиз? Устимдан масхаралаш учунми?

– Йўқ, шунчаки сизни кузатмоқчи эдим.

Амелия кўринди. Хизматкорнинг менга тоқати
йўқ, унинг кичкина тугмача кўзлари нафратини
яширмас эди.

– Нонушта тайёр...

Мен ошхонага кирдим. Ёнимда Еванинг арава-
часи ғилдираб борарди. Бизни Элен кутиб турар-
ди. Шорт ўрнига кишлоқча юбка, майка ўрнига оқ
блузка кийганди. Элен худди ёш қизга ўхшар эди.

Аччиқ қаҳвани ичиб бўлиб, стулимни орқага
сурдим:

– Хўш, масала халга ўхшайди: сизларни тарк
этишимга тўғри келади.

Икковлари ўкинчдан қотиб қолдилар.

– Мана, бошланяпти, – хўрсинди Ева.

Мен туриб хонага йўнала бошладим: жойимда
ўтиролмас эдим.

– Бу ерда бўлишимнинг ноқулайлигини такрор-
лашга ҳожат йўқ. Феълим бўйича ҳам аёллар қа-

рамоғида яшай олмайман, менинг таъбимга тўғри келмайди!

– Шу сўзлар билан ҳаммасини барбод қилиш мумкинми – шивирлади Элен.

– О, Художон, сал-пал ўйлаб кўринглар! Сизларга мутлақо бегона одамман, дастурхонингиздан овқат еяпман, томингиз остида ухляяпман, чўнтагимда бир тийин йўқ ва қандай пул топишни зиғирча тасаввур қилолмайман. Сизнингча, буларнинг ҳаммаси ақлга сиғадими?

Ева менга расмга қараётгандай бокди. Фақат яхшироқ кўриш учун қўлини пешонасига соябон қилмади.

– Унинг жаҳли чиққанини севаман, – хўрсинди у.

– Ажойиб-а, тўғрими Элен?

– Жим бўл! – кичкирди Элен.

Уни ҳеч қачон ҳозиргидай ҳаяжонланганини кўрмагандим. Ёноқлари лоларанг тус олди. Ўтли нигоҳларида худди олтинсимон учқунлар чакнади.

– Менга қаранг, Виктор, ханузгача ким билан иш кўраётганингизни тушунмаганингиз ғоятда ачинарли. Шунча пулимиз борлигига қарамай, биз иккита бебахт қизлармиз. Аллақандай турмада яшаяпмиз...

– Ким айбдор? – эътироз билдирдим мен. – Нимага ҳаммадан ажралдингиз? Одамларнинг дўстлари бўлади!

– Биздан ташқари ҳамманинг... Фақат билганингизда эди... Шундай ҳолатлар бўладики... Отамиз гушанишин одам эди. У, албатта, кўп бахтсизликларни кўрди... Онам мени дунёга келтириши билан ўлган. Отам то уйлангунча ўн йил унинг азасини тутди. Иккинчи хотини қизи тенги эди. У билан Ева туғилгунча яшади... кейин хаёли бошқа эркак билан қочиб кетди. Ундан сўнг отам буёққа кўчиб келди. У бамисоли касал хайвон эди. У

– Нимагадир менинг ёшим нечадалигини сўрама-
япсиз, – деди у секингина.

Мен кизариб кетдим.

– Чунки шундоқ ҳам билиб олиш мумкин, ўн
саккиз, шундайми?

– Адашдингиз: йигирма!

– Нима фарқи бор?

– Сиз неччига кирдингиз?

У менга андишасизларча хайрат билан қараб
турарди.

– Сиз нафақат келишган, – деди у ниҳоят, мен
Эленга айтган гапимга тақлидан, – сиз ундан ҳам
яхшироқсиз.

Охири менинг жаҳлим чикди.

– Қизиқ нима учун мени бу ерда яшашга таклиф
килдингиз? Устимдан масхаралаш учунми?

– Йўқ, шунчаки сизни кузатмоқчи эдим.

Амелия кўринди. Хизматкорнинг менга тоқати
йўқ, унинг кичкина тугмача кўзлари нафратини
яширмас эди.

– Нонушта тайёр...

Мен ошхонага кирдим. Ёнимда Еванинг арава-
часи гилдираб борарди. Бизни Элен кутиб турар-
ди. Шорт ўрнига кишлокча юбка, майка ўрнига оқ
блузка кийганди. Элен худди ёш кизга ўхшар эди.

Аччиқ қаҳвани ичиб бўлиб, стулимни орқага
сурдим:

– Хўш, масала ҳалга ўхшайди: сизларни тарк
этишимга тўғри келади.

Икковлари ўкинчдан қотиб қолдилар.

– Мана, бошланяпти, – хўрсинди Ева.

Мен туриб хонага йўнала бошладим: жойимда
ўтиролмас эдим.

– Бу ерда бўлишимнинг ноқулайлигини такрор-
лашга ҳожат йўқ. Феълим бўйича ҳам аёллар қа-

рамоғида яшай олмайман, менинг таъбимга тўғри келмайди!

– Шу сўзлар билан ҳаммасини барбод қилиш мумкинми – шивирлади Элен.

– О, Художон, сал-пал ўйлаб кўринглар! Сизларга мутлақо бегона одамман, дастурхонингиздан овқат еяпман, томингиз остида ухляяпман, чўнтагимда бир тийин йўқ ва қандай пул топишни зигирча тасаввур қилолмайман. Сизнингча, буларнинг ҳаммаси ақлга сиғадими?

Ева менга расмга қараётгандай боқди. Фақат яхшироқ кўриш учун қўлини пешонасига соябон килмади.

– Унинг жаҳли чиққанини севаман, – хўрсинди у.

– Ажойиб-а, тўғрими Элен?

– Жим бўл! – қичқирди Элен.

Уни ҳеч қачон ҳозиргидай ҳаяжонланганини кўрмагандим. Ёноқлари лоларанг тус олди. Ўтли нигоҳларида худди олтинсимон учқунлар чакнади.

– Менга қаранг, Виктор, ҳанузгача ким билан иш кўраётганингизни тушунмаганингиз ғоятда ачинарли. Шунча пулимиз борлигига қарамай, биз иккита бебахт қизлармиз. Аллақандай турмада яшаяпмиз...

– Ким айбдор? – эътироз билдирдим мен. – Нимага ҳаммадан ажралдингиз? Одамларнинг дўстлари бўлади!

– Биздан ташқари ҳамманинг... Фақат билганингизда эди... Шундай ҳолатлар бўладики... Отамиз гўшанишин одам эди. У, албатта, кўп бахтсизликларни кўрди... Онам мени дунёга келтириши билан ўлган. Отам то уйлангунча ўн йил унинг азасини тутди. Иккинчи хотини қизи тенги эди. У билан Ева туғилгунча яшади... кейин хаёли бошқа эркак билан қочиб кетди. Ундан сўнг отам буёққа кўчиб келди. У бамисоли касал ҳайвон эди. У

бизни ташки дунёдан тубсиз жар ажратиб туриши учун ҳамма ишни қилди.

Элен жимиди. Қизарган ёноқларидан ёш оқар эди. У, ҳатто ёшларини сезмасди ҳам.

Мен тушундимки, улар бошқа: сершовкин, жўшқин, ажойиб ҳаётни билмайдилар. Мослаша олмаганлар... Шунинг учун менга маҳкам ёпишишган. Улар учун бошқа ҳаёт мenden иборат.

– Кейин Еванинг касаллиги яна ташвиш кўшди, – деди Элен.

– Мен бўлмаганимда бахтингни синаб кўришинг мумкин эди, шивирлади бемор.

– Биласанми, мен бу ҳақда жуда тез-тез ўйлайман. Менинг аравам бўйнингда тошдай осилиб турибди... Кўнглинг бўш бўлмаганда эди, ўзингни қурбон қилишга айнан ўша ундаяпти.

Унинг сўзларида шундай алам бор эдики!

Мен ҳатто уларнинг ғамларидан бирданига ҳолсизланиб ўтириб қолдим.

– Менга қаранглар...

Улар жим бўлишди.

– Майли, яна бир неча кун қоламан... Фақат бир шарт билан, қандайдир иш топишим керак.

– Раҳмат, – шивирлади Элен.

– Иш, иш, – жавради Ева, – бу жуда осон, мен сизни ишга оламан.

– Боғбонликками? – сўрадим мен.

– Йўқ, котибликка... Биргаликда китоб ёзамиз... Сизга қанча ҳақ тўлаш керак?

Элен яна азобланди. Аммо ҳар доим силтаб туролмайди-ку, шунинг учун ғамли нигоҳини бошқа томонга олди.

– Бой бўлсангиз ҳам, Ева, кучингиз етмайди...

– Майли, мен кетдим, кечкурун учрашамиз.

Бошқа ортиқча гапирмай ошхонадан чиқдим.

* * *

Яна жонланган кўчада юриш, денгизни, олакурроқ оломонни кўриш ёкимли эди. Уйда мени нимадир кишанлаб турарди. Бу аҳволга узоқ чидай олмаслигим, шунчаки асабим дош беролмаслигини тушунардим.

Чўнтагим бўш эди, лекин бу мени қўрқитмасди. Баришния Лекенлар ўзларини сўлитгандилар, менинг ҳаётим эса умидларга тўла. Ҳатто ўша кеч нима учун ўзимни ўлдирмоқчи бўлганим галати.

Куйдиргудай иссиқ тор кўчалар бўйлаб пляж томон кетдим. Ҳаво дим, осмон эса оппоқ кўринарди. Мен қоялар орасидан пана жой топиб, қўлларимни бошим тагига қўйиб чўзилдим. Денгиз баджаҳл шовқини билан аллаласин...

Тушда очлик ўзидан хабар берди. Янги бошпанамга қайтмоқликни ҳам ўйладим, бироқ оддий эркаклик гурури йўл қўймас эди. Юзага келган аҳвол ҳақида ўйлай бошладим. Иш топиш тўғрисида гапирганимда, аниқ бирор реал режадан кўра кўпроқ истагимни ифодалагандим. Фақат бу ерда қанақанги иш тўғри келишини тушунолмасдим, ҳар хил эътирозларимни бир четга ташлаб, официантлик ёки сув велосипедларини ижарага бериш билан шуғуллансаммикин?

Унча-мунча маълумотим бор, ҳатто инглизча талақлай оламан. Фақат инжиқлик қилиб пойтахтдан бекор кетганман. Парижда ҳар ким «уя» топа олади. Ҳаракат қилиш керак, холос. Бу курорт жойда эса...

* * *

Тўсатдан бошимни кўтардим. Пляж ёқалаб ўтган йўлда катта Америка машинаси тўхтади ва кулок пардасини йиртгудай сигнал чалди. Қуёш кўзга тушар эди, қўлимни пешонамга соябон қилиб, рулда

ўтирган Эленни кўрдим. У билан гаплашиш, яна яккама-якка кўришиш имконида кувониб ўрнимдан турдим.

У мовий полотно костюм кийган эди. Шундай ярашгандики! Кўзлари кувончли.

– Шу ердасиз деб ўйлагандим, – деди у секин.

– Эҳ, мана, қандай!

– Пулсиз эркак денгиз бўйидан бошқа қаерга хам борарди?

– Мантиқан тўғри, мисс Шерлок Холмс.

Бекор юрганимда кўриб довдиратиб қўйгани ёқимсиз эди. Энди иш қидириш ҳақида қанча таъкидлама...

– Биласизми, – тўнғилладим мен, – тўғрисини айтганда, тушқунликдаман.

Бирданига ўша тун машинадаги жазавали аёл шу эмасмикан, деб ўйладим... Унинг рулда ўтирганини кўрганимда, ҳатто эгим жимирлаб кетди.

– Нима учун менга аччиқланиб қараяпсиз? – хайрон бўлди Элен.

– Бир нарса ҳақида ўйлаб қолдим.

– Қизиқ, нима ҳақида?

Худди унинг фикрини илғамокчидай кўзига тик қарадим.

– Машинадаги ўша аёл сиз эмасмидингиз, деб ўйлаяпман.

– Сизни уриб кетганми?

– Ҳа, Элен, ўша мени... уриб кетган.

Ўзидаги бирор мушаги қилт этмади. Кўзлари ойдин ва ғамгинлигича қолди.

– Қандай қайсарсиз-а... Сизга айтдим-ку кечқурунлари ҳеч қаёққа бормайман, деб. Кейин, умуман, мени одамни уриб юборса, қочиб кетади, деб ўйламаётгандирсиз? Мен ҳақимда фикрингиз «яхши» экан, Виктор...

– Кечирасиз... Шунчаки тасаввурим ўйноқлаб кетди. Қаёққа бордингиз?

– Сизни қидирдим.

– Мени!

Мен лол қолгандим.

– Ҳа, сизни!

– Нима бўлди?

Жавоб ўрнига у машинадан тушди. Оёқларидаги товонсиз туфли ҳам мовий эди. Элен қумда бир неча кадам юриб, тошга ўтирди.

– Шундай ҳодиса юз бердики, синглим ҳақиқий депрессияга тушди. Синглимда бу ҳол тез-тез содир бўларди, аммо бунақанги кучлисини кўрмагандим. Сизнинг пайдо бўлишингиз таъсир қилган, шекилли. У ҳаяжонда.

– Ҳаяжонда?

Элен тасдиқ маъносида бош ирғади.

– Мана, кўрдингизми, чиқиб кетишим керак эди. Мен унинг ёнида бўлишим фақат зарар етказди.

– Виктор, наҳотки, тушунмаяпсиз, у сизни севиб қолган.

Мен бирданига ижирғаниб кетдим, ҳатто томоғимга бир нарса тикилди. Гўё гап қандайдир яқин қариндош билан алоқа тўғрисида бораётгандай эди...

– Ҳўш, унда узок ўйлаб ўтирмаса ҳам бўлади. Тўртинчи тезликда йўқолиб қолишга ҳаракат қиламан.

У менга нафратли назар ташлади.

– Унчалик раҳмдил эмас экансиз, жаноб Менда!

– Баъзан раҳмдиллик қилиб бўлмайди, мадему-азель Лекен.

Элен бир дақиқа ўйланиб турди, кейин эса жиламайишга уринди.

– Ҳар ҳолда танишувимиз ғалати бўлди-да, — шивирлади у.

Остонамиздан ўтганингиздан бери бир-биримизга ҳақоратсиз ўнга сўз айтолмаймиз.

– Ҳақиқатан негадир фақат чап оёқдан бошлан-
япти...

Ноқулай жимлик чўкди. Фақат чирилдоқлар чириллар эди. Элен кимирламай ўтирарди. Унинг зодагонларча ўзини тутишини завқланиб томоша қилардим. У кўп аёлларда етишмайдиган назокат тимсоли эди: юқори табақа вакиласи.

– Демак, ғойиб бўласиз? – узок жимликдан кейин сўради у.

– Шундай қилиш керак. Синглингиз, йигирма ёшдалигига қарамай, ҳали бутунлай қизалоқ... Бундай хиссиётларни рағбатлантирмаслик керак... Ундаги сиз айтган севги болаларча инжиқликдан бошқа нарса эмас. У менга қизик китобга қарагандай меҳр қўйган.

– Сиз уни билмайсиз. Энди жуда кеч, Виктор.

Мен бир сиқим қум олдим. Иссиқ қум букик бармоқларим орасидан оқиб туша бошлади.

– Унинг севгиси мана бунга ўхшайди, Элен...

Бармоқларимни ёздим.

Кафтимда бир нечта майда тош қолди. Шунда Элен ғалати ҳаракат қилди: қўлини қўлимга қўйди. Қум қўлларимизга ёпишди. Юрагим шунчалик катталашиб кетдики, қўқсимга сиғмай қолди: у бутун вужудимни тўлдирди.

Унинг кўзларига қарамоқчи бўлдим, аммо ёрқин нигоҳи тебранаётган уфққа тикилган эди.

– Элен!

– Нима?

– Мен Ева сабаблигина кетмоқчи эмасман...

– А-а...

– Сиз туфайли...

У хўрсинди.

Элен ҳануз жим эди, кейин кўлини меникидан олди, шохчадан қуш учиб кетгандай бўлди.

– Биласизми, Элен?

– Билмайман.

– Йўқ, жуда яхши биласиз.

– Хўп биламан, дейлик, нима бўпти?

Атайин мени баттарроқ гангитмоқчими?

– Ҳеч нарсa, Элен... Агар авантюрист бўлганимда, балки бу ўйинга ўйнардим. Аммо кўриб турибсиз ҳалол одамман. Ҳаётда тузукрок яшашга виждонимнинг тозалиги, уddaбуронлик етишмаслиги ҳалақит беради, нима демокчилигимни тушунаётгандирсиз?

– Хулосаси қанақа?

– Хулоса шуки, ҳеч қайсимизга аввалги аҳволда қолишдан маъни йўқ. Ҳар ҳолда, мен бундай қилмайман.

У ўрнидан турди...

– Билганингизни қилинг, Виктор... Фақат менга икки кун муҳлат беринг-да, бор кучингиз билан Еванинг кўнглини қолдиришга урининг. Орзуманд кўнглига хомхаёллар ораламасин. Ўт ўсмаслиги учун кукун сепиладиган ҳолатлар ҳам бўлади. Кетдикми?

Унинг ортидан юрдим. Машинага ўтирганимизда эсимга тагин ўша унутилмас кеча тушди. Йўқ, Элен матроснинг портдаги қизига ўхшамас эди.

Умуман, ўша аёл Элен эмасди.

Бешинчи боб

Ева бизни эшик олдида кутарди. У оқ айиқ терисини ёпиб, олтинранг сочларини офтобда ялтира-тиб аравачасида ўтирар, гўё портрет чиздираётган каби ҳолатга кирганди.

У машинадан тушаётганимни кўриб, шартта бурилди-да, уйга кириб кетди. Биз лифт иккинчи каватда тўхтаган пайтда холлга кириб бордик.

Мен Эленга қарадим.

– Қанақа ўйин ўйнаяпти у?

– Уни тушуниб бўлармиди? Аввал ташвишга тушди, энди ҳаммаси жойидалигини кўриб, ўзини хафа бўлганга оляпти. Эрталабгача хўмрайишиб юрсак керак.

– Буни ҳали кўрамиз. Хонаси қаерда?

– Лифтдан чапдаги биринчи эшик.

Мен хомхаёлни тарқатувчи ролини ўйнашга қатъий қарор қилганча зинадан тепага қараб отилдим. Ҳозир қизгинадаги севишга истак инжикликларини тортиб оламан!

Эшикни муштларим билан дўмбира қилдим.

У жавоб бермади. Эшикни очмоқчи эдим, лекин зулфин солинган экан.

– Ева, дарҳол очинг!

Мен таҳдидона жим турдим.

– Агар ҳозироқ очмасангиз, огоҳлантириб қўяй, бутунлай кетаман! Опангизни ортимдан қувдиришга ҳожат ҳам қолмайди!

Ниҳоят, у журъат қилди. Эшикнинг тагида зулфини ушлаб ўтирган, шекилли, чунки ўша заҳоти очди.

Мен қизнинг нафис қирмизи хонасига кирдим.

У ерни атирнинг нозик ифори тутган эди... Деворлар оч қирмизи рангга бўялган. Гулқоғозлар ҳам қирмизи бўлиб, шокилали гиламлардаги расмлар билан тугалланарди. Мебели Карл Ўнинчи услубида, уларнинг устида қизғиш ва оқ опалдан ишланган гулдонлар.

– Сизга нима керак?

– Гаплашиб оламиз.

Мен у ёмон бўлиб қолмаса эди, деб кўрқардим — ранги бутунлай оқариб кетганди. Хаяжондан нозик лаблари ҳам оппоқ тус олганди. Гўёки сирли кўрқув ҳукмронлигида ҳаёти тўхтаган.

Мен эшикни ёпдим ва эҳтиётдан зулфини суриб кўйдим. Унинг аравачаси деворга тақалган эди. Биринчи қилган ишим айиқ терисини тортиб олиб, узок бурчакка иргитдим.

— Узок Шимолда яшаяпман, деб ўйлайсизми?

Унинг оёқларига қарашга журъат этолмадим. Қарашим керак экан. Оёқлари буришиб-тиришиб кетган, деб ўйлардим, йўқ, ундай эмас эди: тўпиклари бинойидай, болдирлари бошқа кизларникига ўхшаб бўлиқ, чиройли.

— Қандай уят! — минғирлади у. — Ўзингизни тутишингизни қаранг!

— Мен айнан сизнинг ўзингизни тутишингиз тўғрисида гаплашиш учун келдим, азизим!

Дастлабки ғазабим сўнганди, энди ўзимни қахрланишга мажбурлашга тўғри келарди.

— Ростданми?

— Мени дўст деб танладингизми, дўстларча иш кўраман, бор ҳақиқатни айтаман!

Хаяжондан уни ҳатто ҳиқичоқ тутиб қолди.

Кейин бирор аччиқ гаи билан жавоб бермоқчи бўлди-ю, аммо уддалай олмади.

— Ева, бойлигингиз ҳамма ҳуқуқни беради, деб ҳисоблайсизми, аслида эса сизга ғамхўрлик қилаётганлар фақат мажбуриятлар остида қолган! Ҳақиқатнинг кўзига тик қараш ўрнига, ахволингиз яхши бўлмаса-да, энг осон йўлдан бориб жаҳолатни танлабсиз.

— Сиз нимани истардингиз? Кўринишим ачинарли бўлишиними? Мени гадойлардай чорраҳага ўтказиб қўйишиними?

– Жим бўлинг! Тушунишга ҳаракат қилинг: агар юрадиган одамларга ҳасад қилсангиз, мажруҳлигингиз сезилмайдиган бўлиб қолмайди!

– Ўзингиз ўйлаб топдингизми?

Унинг инжиқлиги газабимни кўзиди ва ёноғига тарсаки тортдим. Ҳеч қачон бундай қила оламан, деб ҳисобламаган бўлсам-да, биринчи марта аёл кишига қўл кўтардим.

Уни катталарни қуюшқондан чиқаришни ёктирадиган разил киз сифатида урдим. Аммо қўлим кўрғошиндай оғирлашиб осилиб қолди. Аблахларча иш қилдим. Унга қарашга журъат этолмай, пайпаслаб зулфинни кидира бошладим. Кўз олдимни туман қоплади.

– Виктор! – кичкирди у.

Ўгирилдим. Унинг ўнг ёноғи қизариб кетганди. Ева жилмаяр, кўзлари яна фаввора суви каби яшил тус олган эди.

У қўли билан имлади.

– Буёққа келинг!

Мен бордим. Ева ҳозир менга ёпишиб юмдалай бошлайди, деб ўйладим. Тирноқлари теримга ботишини ҳис этдим. Аммо бошимдан ушлаб, лабларимни куч билан ўзиникига яқинлаштирди...

У, ниҳоят, қўйиб юборганда, ҳатто бошим айлашиб кетди. Қонаётган лабимга рўмолча босдим.

– Айёрона ўйланган, – вайсадим мен ва унга қахрли боқдим.

Ўша пайтда унинг ўлимини тилаган бўлсам ҳам керак. Еванинг кўзлари ярим юмуқ, лекин бошини аравача суянчиғига ташлаганча зимдан ҳар бир ҳаракатимни кузатарди.

– Сиз, Виктор, менинг юзимга урдингиз, демак, рисоладаги одамдай муомала қилдингиз. Сизнинг принципингиз бўйича шундай бўлиб чиқадики?

Нима ҳам дердим, унда бир неча лахза бўлса-да, ўзимни нормал қиздай тутганим учун кечиринг.

Лабимнинг қони тўхтади. Эшикни очдим.

– Кетдик, пастга тушамиз...

У эътироз билдирмади. Қизни олдинга ўтказдим.

Столда Ева кайфияти чоғ эди ва бетиним сайради. Ўзини худди мастдай тутарди: кичкирар, қўлларини силтар, тўсатдан бесабаб хахоларди... Афтидан, ўпиш уни бутунлай ақлдан оздирган эди. Энди ҳеч қанакасига кетишим мумкин эмасди: у Эленга ҳаммасини айтиб берган бўларди, мен эса тепадаги воқеани Элен билмаслиги учун ҳар нарасага тайёр эдим. Хаётда шундай воқеалар содир бўладики, кейин хотирангдан бутунлай ўчириб ташлашни хоҳлайсан. Мана, мен ҳам Ева билан бўлган дақиқадан жон деб воз кечардим.

Кечки овқатдан кейин салқин окшом хавосидан нафас олиш учун ҳовлига чикдик. Ева тўсатдан тундлашиб, санамдай ўтириб қолди, ҳозир жазава-си қўзийдиганга ўхшар эди. Элен уйқуга ётишни таклиф қилди. Биз севинч билан Еванинг жодугарларча нигоҳидан қутулиш имкониятига ёпишдик.

* * *

Албатта, сира уйқум келмади. Умуман, мен кам ухлайман, кеч ётаман. Эшиттиришим дастурнинг энг охирида эди ва у мени ҳақиқий бедорга айлан-тирганди. Энди осойишта турмушга қайта мослашиш қийин эди.

Евадан олган детективни ўқимоқчи бўлдим, бироқ ҳар саҳифа охирида бутун мазмунини қолдириб кетгандай туюлаверди. Шунда дераза ёнида сигарет чекмоқчи бўлдим. Ой нури худди кинода-гига ўхшарди. Пляжнинг каеридандир мусика садо-

си эшитиларди. У ерда раксга тушишяпти, шекилли. Ўзим раксни ёктирмайман, аммо шу пайт ракс майдончаси ёнида пайдо бўлиб, текис айланаётган жуфтликларни томоша қилгим келиб кетди.

Хона дим эди, белимгача ечиндим... Ўта эҳтиёткорлик билан ёғоч зинадан биринчи каватга тушдим. Хоналаримиз бўйлаб тарқаганимиздан бери бир неча соат ўтганди. Эшик тиркишларидан заррача нур кўринмас эди. Пол гижирлаб кетмаслигига ҳаракат қилиб, холлга кирдим, кейин ҳовлига чиқдим. Тўлин ой у ерни катта квадрат шаклида окиш рангга чулғаган эди. Сукунатда отилиб тушаётган сув овози эшитилар ва у тунги дим ҳавога салқинлик бағишлар эди.

Мен биргина пижамада, ялангоёқ ҳовли ва тепалик ўртасига ўрнатилган тўсикдан ошиб ўтдим. Тошчўп буталари оёқларимни оғритиб тирнар, аммо мен эътибор бермай сертикан қоя бўйлаб гилам устида бораётгандай чопиб кетдим. Тепаликка чикқач, оркамга ўгирилдим ва қилмишимдан пушаймон емадим. Менинг кузатув нуқтам уйкудаги бино ва боғ устида эди, ёнида уйга олиб борувчи қарағайли аллея кўриниб турарди... Сал пастроқда бошқа виллалар, ундан нарида бўёғи ўчган кишлок уйларининг томлари, олисда эса чирок шуълалари жилваланаётган улкан денгиз... Бу ерда мусиқа яхшироқ эшитилар эди. У бир уфқ ортига ўтгандай йўқолиб қолар, бир ўкираётган карнайлар ва аккардеонлар овози сифатида яна пайдо бўлар эди.

Тагин кеча янги дўстларим даврасида ўтирганимдаги каби ўта бахтиёрлик туйғуси қайтди. Ева Ўртаер денгизи тунги юлдузлари остида ўзининг захарли ўпичлари билан фақат ноаниқ хотира қолдирганди, холос. У мени бошқа қийнамас эди.

Ширин хушбўйига тўйинган ҳаводан иложи борица чуқур симирам. Бу маст қилувчи, сахий тунни бутунлай ўзимга сингдириб юборгим келарди.

Кейин ҳовлида алланима қимирлаганга ўхшади.

Бирор дайди мушук киргандир-да, деб ўйлаб тургандим, аммо яхшилаб қараб, девор тагидан писиб ой ёруғидан қочиб кимдир келаётганини пайқадим.

Мен кўпчилик эркаклардан ботирроқ эмасман, фақат ўртачасини олганда эркаклар кўрқоқ эмас. Мен икки букилиб, дайди сезмаслиги учун уйга яқинроқ бўлишга ҳаракат қилиб тепаликдан думаладим. Ҳовлига етгач, унинг қаердалигини билиш учун тўсиқ орқасига қарадим. Аммо ҳеч кимни кўрмадим. Балки уйга киргандир? Бемалол кириши мумкин, эшикни очик қолдиргандим-ку, ахир.

Бироқ кўрқув туфайли ўткирлашган туйғум номаълум шарпа ҳамон ташқаридалигини айтар эди.

Тун тўсатдан ғаройиб даражада сокин бўлиб қолди. Мусиқа тинган ва фақат денгизнинг шовуллашию бақаларнинг мунгли вақиллаши эшитиларди.

Ҳовлини айланиб чиқдим... ва бинонинг олд қисмига бориб қолдим.

У ер соя эди... шарпа уйга киришга уриниш ўрнига ниҳоятда эҳтиёткорлигидан овоз чиқмаслиги учун аллеяни четлаб ўтиб ғойиб бўлганди. Шарпа аёлники экани аниқ эди. Мен ичимда ҳал қилувчи югуришга шайландим. Чунки аёл мени кўриши билан қочиб қолади, орамиз эса анчагина, қўлдан чиқариш мумкин.

Мен ундан бошқача йўл тутдим: аллея бўйлаб юрдим, оёқяланг эдим-да. Мана сўнгги бор чуқур нафас олиб, олдинга ташландим!

Оёқларимнинг цемент плитада шипиллаши уни ўгирилишга мажбур этди. Мен қотиб қолдим: у

Элен эди. Бутун дармоним куриди, мен кескин тўхтадим – ҳатто, мушакларим осилиб қолганди. Аммо Элен қочмади, мени кутди. Гандираклаганча у томон юрдим, ёнига етганимда кулаётганини кўрдим. Эленнинг эғнида оғир кенг юбка ва баланд ёқали жемпер бор эди.

– Мени қанчалик кўрқитдингиз-а! – хўрсинди у.

– Қаёққа кетаётгандингиз? – хирқирадим мен. Гапим шундай қўпол чикдики, ҳатто ўзим ҳам чўчиб тушдим. Қўлларим қалтирарди.

– Сайр қилдим...

– Мен кечқурунлари ҳеч қаёққа бормайсиз, деб ўйлабман.

– Рост, лекин бугун кечқурун сира ухлай олмадим.

– Хўш, демак, гараждан машинани олиб, пляжда ошиқ кидиришга қарор қилдингиз?

Онт ичаман, ҳатто қоронғида ҳам унинг ёноқлари қандай туртиб чиққани кўриниб турарди. Кўзлари чакнара эди.

– Нима, Виктор, ақлдан оздингизми?

– Эҳтимол! Сиздай қизнинг аслида оддий фоҳишалигини кўргандан кейин ақлдан озиш аниқ!

Шунда у қарз: кичкинасига урган шапалоқни қайтарди. Эленнинг қўли шундай тез келдики, чап беришга улгуролмадим. Чап юзимни олов куйдираётганга ўхшади. Шунда мен тинчландим.

– Мени ҳақорат қилиш қаердан миянгизга келди? – сўради у осойишта, ўзининг бир текис оҳангида. – Нега мени ошиқ кидиради, деган қарорга келдингиз? Қандай қилиб, миянгизга шунақа фикр келиши мумкин? Қандай қилиб, буни юзимга айтишга журъат этдингиз?

Мен чуқур хўрсиндим. Тошчўп хиди энди бундан бир дақиқа аввалгидай хушбўй туюлмас эди. Фикрларим чалкашиб кетди...

– Эшитинг. Элен, мен сизни алдадим. Мени машинангиз уриб кетди, дедим...

– Мен ҳам шундай ўйлагандим...

Хайрон бўлдим:

– Нимага?

Чунки Виктор, мен жуда батартиб одамман, ҳар доим гаражни калит билан қулфлайман ва тунлари ҳеч ким машинамга яқинлашмаслигига тўла ишонаман.

Гапи шунчалик қатъий эдики, қаттиқ янглишганимни тушундим. Ўша тунги жинни бу киз бўлганда эди, аксинча, мени машинасини кимдир олганига ишонтиришга уринарди, Элен эса мутлақо рад қиляпти.

– Гапимни тугаттирмадингиз, Элен.

Шу дақиқада иккинчи қаватда чироқ ёнганини кўрдик.

– Еванинг хонаси, – шивирлади Элен.

– Фақат гапимизни эшитмаса бўлди...

Айнан ёруғ жойда турганимизни кўрган Элен мени қарағайзорга судради.

Дарахтлар соясига ўтгач, эски қарағай гуддалари сочилган қумга ўтирдик ва иккинчи қават деразасидаги ёруғликка узок тикилиб қолдик. Ниҳоят, у ўчди ва биргаликда бизни чулғабан хавфсираш ҳам йўқолди.

– Хўш, нима деётгандингиз? – сўради Элен.

– Ҳа-ҳа... Шундай қилиб, ўша машҳур тунда, шунча қулфларга қарамай, машинангиз барибир гараждан чиққан. Фақат у... у мени уриб юборгани йўқ. Элен... Ўшанда бутунлай бошқа воқеа содир бўлди.

– Бошқа?

Худойим, ҳақиқатни айтиш қанчалик қийин эди! Унинг менга қаратилган ёрқин нигоҳи фикримни охиригача айтишга имкон бермас эди.

– Сизга нима бўлди, Виктор?

– Мен айланиб юрувдим. Машина ёнимда тўхтади... ичкарида аёл бор эди, сизга айтувдим, юзини кўриш қийин эди... У мени машинага таклиф қилди... тушунасизми?

У индамай турарди. Элен бошини эгди ва қандайдир нотабий равишда сўради:

– Сиз эса ўтирдингиз?

Мен жим қолдим.

– Ўтирдим.

Мен у бўлган воқеани майда-чуйдасигача сўраб айтиб беришга мажбур қиладим, деб кўрққандим, аммо Элен бунинг ўрнига юзини қўллари билан ёпди. Унинг йиғлаётганини сездим.

Қўлимни пешонасига қўйиб, юзини ўзимга қаратдим.

– Элен.

– Шунинг учун ҳам буёкка келдингиз, тўғрими? Уни учратмоқчи бўлдингиз?

– Ҳа, Элен, фақат у нормал ҳаётда қандай эканлигини билиш учун топмоқчи эдим. Жинни деб ўйлагандим. Ҳозир ҳам шу фикрдаман...

– Агар ўша аёл мен бўлганимда нима қилардингиз?

– Билмадим... жанжал кўтарардим, сўкардим...

– Демак, ҳозир сизнингча...

Унинг жаҳли чиқмади, фақат қаттиқ ҳаяжонда эди.

– Ўзингизни ўрнимга қўйиб кўринг. Элен... Уйдан бикиниб чиқиб, гараж томон чопганингизни кўрганимда...

– Ҳа-ҳа, албатта...

– Умуман, очиқчасига гаплашишга ўтдикми, мен ўйладимки, икковимиз машинада кетаётиб...

– Шунинг учун ухлолмадингизми? Оркамдан кузатдингиз?

– Э, йўқ, Худойим-ей! Шунчаки сизга ўхшаб ухлолмадим.

Манави ажойиб кеча ўзига чорлади.

Осмонга қарадим. Шох-шаббалар орасидан Ван Гогни сеҳрлаган фалак кўзга ташланарди.

Элен ҳам осмонга боқди. Унинг елкасига қўлимни қўйиб, ўзимга тортдим. Ёноғи кўкрагимга текканда у сесканиб кетди ва орқага ташланди.

– Элен... сизга шуни айтмоқчи эдимки...

– Йўқ, жим бўлинг...

– Элен, сизни севиб қолганга ўхшайман... ҳозиргина, сизни ўша аёл деб ўйлаганимда нақ хушимдан кетаёздим...

У қарағайнинг қаттиқ танасига суянди. Юзи кўринмас эди. Унинг қаршисига бориб, қўлларимни елкасига қўйдим. Элен қаршилиқ кўрсатмади. Мен фақат унинг титраётганини сездим.

– Элен, сизга уйланмоқчиман...

Мен у томон энгашдим. Лабларим қоронғида уникини топди...

Олтинчи боб

Мен қўлларимни бошим остида чалкаштирганча яна юлдузли осмонга қараб ётар эдим. Элен бошини қорнимга қўйган, титроқ қўллари сезиларди.

– Мана, энди тунги ҳаётим бўйича бошқа шубҳаланмайсан, – дея хўрсинди.

– Йўқ, Элен...

Унинг сочларини силарканман, такрорладим:

– Йўқ, Элен, энди у сен эмаслигини биламан...

Бир-биримизга тикилганча, яхлитлигимиздан севгидан кўра кўпроқ роҳатланиб қанча ётдик, эслолмайман.

– Элен...

– Нима?

– Мени севасанми?

Ҳозиргидай ҳолатда шундай савол берган эр-какнинг ишончи комил бўлсинки, ўнта ҳолатдан тўққизтасида «Севмасам, рози бўлармидим?» қаби-лида жавоб олади.

Элен фақат «Ҳа» деб жавоб берди. Аммо шун-дай оҳангда айтди-ки!

Қарағайзор орасидан поезд йўли ўтар эди. Элен икковимиз чўмилган жозибани бузиб, поезд та-раклади.

– Қайтиш вақтимиз бўлди, шекилли? – сўрадим мен.

– Рост, қайтганимиз яхши...

Ўрнимиздан турарканмиз, уни яна ўпдим. Элен-нинг кийимиғимизни кўриб, кумга беланган эди. Элен ўзини ортга тортди.

– Кетдик...

У қўлимдан ушлаб йўл бошлади. Уй томон қа-раб юрдик. Енгил денгиз шабадаси эсар, у тепалик ёнбағридаги қандайдир сойларни тебратарди.

Уйга киришдан аввал уни тўхтатдим.

Боқимандаликни касбга айлантириб олганлар қа-ердан пайдо бўляпти?

– Элен, сенга бир нарсa демоқчиман.

– Мен ҳам, Виктор.

– Унда гапир!

– Йўқ, олдин сен...

– Элен, ҳеч қачон бугунгидай бахтиёр бўлмаган-дим. Мана, энди сен...

– Мен ҳам худди шуни айтмоқчи эдим...

Ичкарига кирдик. Холл қоронғи эди. Элен пай-пасланиб ёққични буради. Икковимиз хайратдан қотиб қолдик: зина тагида аравачасида Ева кимир-ламай ўтирарди. У бизга шундай қарадики, қилми-

шимизнинг бирорта тафсилоти ҳам назаридан четда қолмаганини тушундим: кўкрагимга ёпишган қарағай игначалари, опасининг ғижим кийими, қумга беланган сочи... Ева севгидан яшнаган юзларимизга боқиб турарди...

Элен унинг кўзига дадил қаради. Ева биринчи бўлиб кўзларини олиб қочди.

* * *

Кейин эса аравагани сал секинлаштирди-да, тўсатдан ғилдиракни қутургансимон айлантириб, кўтаргичга кирди ва арқонни тортди. Биз унинг оҳиста кўтарилаётгани, совуқ кўзларини гоҳ менга, гоҳ Эленга тикаётганига қараб турардик, сўнгра фақат мажолсиз оёқларигина кўринди ва ниҳоят, бутунлай ғойиб бўлди.

Элен пешонасини ушлади:

– Қандай дахшат, – шивирлади у.

Менинг ўзим ҳам, тўғриси айтсам, унчалик хурсанд эмасдим. Агар кундузги ўпишишлар содир бўлмаганда ҳам жиноятимиз устида тутиб олиши фақат нохушликка сабаб бўларди, аммо Элен билан қилган аҳдимиздан кейин ҳақиқий ночор аҳвол юзага келган эди.

– Нима қиламиз? – хўрсинди Элен.

– Кетдик, ухлаймиз, эртага кўрамиз...

– Биласанми...

– Нима?

– Виктор, мен кўрқяпман.

– Нимадан кўрқасан?

– У бирор аҳмоқлик қилиб қўйишидан. У шундай кизиққонки... Мен... энг ёмон нарсадан кўрқаман!

– Бекорга эзилма, йиғлаб-йиғлаб ухлаб қолади. Эрталаб эса тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

– Нимани тушунтирамиз?

– Нимани бўларди, бир-биримизни севишимизни!
– Ева ҳали ҳам бунга шубҳа қилади, деб ўйлайсанми?

– Йўқ, албатта. Мен айтмоқчи эдимки, бунинг мутлақо табиий ҳол эканини тушунтирамиз. Сен бир эркакни севиб қолдинг ва синглинг кўникишга мажбур.

Элен бутунлай ўзини йўқотиб қўйганга ўхшар эди. Уни юпатишга кўлимдан келганча уриндим, аммо овозим ёмон мусиқачи кўлидаги чолғуникидай қалбаки эди.

– Хеч қачон кўнишни истамайди.

– Бемаъни гапни гапирма!

Эленнинг ажойиблигидан нақ ақлдан озар даражада эдим.

– Виктор...

Унга дадиллаштирувчи нигоҳ ташладим.

– Виктор, сен, албатта, унинг ёнига киришинг керак. Кўлингдан келади, деб ўйлаётган экансан, ўзинг тушунтир.

– Эртага...

– Эртага жуда кеч бўлиши мумкин. Уни севаман. Ҳамма нарсага...

– Қандай нарсага?

– Ҳар нарсага. Факат ўч олса бас. Агар уни кўришни истамасанг, ўзим бораман.

Хеч қачон айнан шунга йўл қўймаслик керак эди.

– Бўпти. Бор, ёт. У билан гаплашаман.

* * *

Еванинг аравачаси шундай ясалган эдики, бемор анча енгиллик билан ҳаракатлана оларди. Орқа суянчиғи пастга тушар, тутқичидан тортса, ўтиргичи каравот баравар кўтарилар ва шу тариқа у ўрнига

думалаши мумкин эди. Ева аравачага бировнинг ёрдамисиз ўзи қайта ўтирар эди.

Мен кирганимда Ева ўрнида ётганди, ёнида турган бўш аравача кўрқинчли кўринарди. У бирор-тамин ёнига киришимизни кутган, шекилли, эшик зулфинини суриб қўймаган эди.

Мени кўриб юзини қувончли буриштириб букчайди:

– Ёнимга ким ташриф буюрди! – хитоб қилди у. – Бизнинг хонадон эркаги!

Шаъма тўғри нишонга тегди ва мен фақат ночор фикриндим.

– Ўзингизни жинниликка солманг.

У мен томон бармоғини ўқталди.

– Ярмаркада томоша кўрсатишингиз керак, жаноб Менда.

Бундай бақувват гавда билан полвонга ўхшайсиз, занжирларни узасиз...

Мен ишшайдим.

– Фақат бир нарсани: уйдаги тинчликни бузишгагина ярасангиз ҳам.

Мен стулни каравот ёнига қўйиб ўтирдим.

– Рашк қияпсанми, қизалоқ?

У жазавали хахолади.

– Мен рашк қияпман? Сизними? Менга қаранг, ўзингизни буюк ҳисоблайдиган восвос феълингиз йўқми?

– Ева, опангизни севаман.

Гапим уни ўчириб қўйди. Ева мени ғазабланиб тортиша бошлайди, деб ўйлаганди, шекилли, аммо қакшатқич ҳақиқат заҳарли киноясига нуқта қўйди.

– Энди уйланиб бир этак бола кўрасизлар, – деди у ачитиб, лекин овозида зўрға тутиб турган йиғи отилишга тайёр эди.

– Ева... Уйланишим мумкин, фақат ахволимни яхшилаб олганимдан кейин.

– Ёлғон...

– Рост. Нима ҳам қила олардик. Атайин қилганим йўқ. У ҳам мени севади, ахир.

– Унда тарихларингиз узок давом этаркан.

– Кесатифингизни қўйинг. Яхшиси, йиғлаганингиз дурустмиди...

– А?

– Ҳа-ха, йиғлашингиз керакка ўхшайди.

Ева худди рухсат беришимни кутиб тургандай, дарров юзини ёстиққа буркаб, ҳикиллаганча йиғлашга тушди. Мен эрталабки кутилмаган жазава такрорланмаслиги учун ҳар эҳтимолга қарши ара-лашмай бир четда ўтирардим.

Умуман, унинг йиғлаб тинишини кутар эдим. Кўз ёши – яхши малҳам.

Нихоят, Ева юпанди. Аммо энди қизарган кўзларидан уяляпти, шекилли, менга юзини кўрсатмасликка ҳаракат қиларди.

– Майли, Ева, сиз билан яна гаплашиш мумкинми?

У бош ирғади.

– Менга қаранг, сизга...

– «Муносабатим яхши», шунақами? – қичкирди у. – Бўлинг, ҳаммасини гапиринг!

– Йўқ. Ева, мендаги шунчаки яхши муносабат эмас, ундан бошқачароқ. Боғланиб қолишми, билмадим. Элен билан ажралишингизни истамайман... Ҳеч қачон, эшитяпсизми? Уйда қулай шароит яратишга ҳаракат қиламан. Қанча нарсаларни ўйлаб топишимизни ўзингиз кўрасиз.

У менга ажабланиб қаради.

– Эсингиздами, ҳалиги... ўша аҳмоқликдан аввал нима деганим...

Унинг лаблари сал кулимсирашдан кийшайди.

– Биласизми, Виктор?

– Нимани?

– Мен ўша аҳмоқликни Эленга айтиб беришим мумкин-ку.

Мени кўркита бошлашини бошиданоқ пайқагандим.

Рангим оқариб кетаётганини хис этдим, аммо ўзимни гап қандайдир арзимас нарса устида кетаётгандай, осойишта тутишга ҳаракат қилдим.

– Шундай бўлди дейлик, – қувноқ жавоб бердим мен, лекин овозим жуда бўғиқ чиқди.

– Биласизми, у нима қилади?

– Диккат-эйтиборим сизда!

– Эшикни кўрсатиб қўяди, ашқол-дашқолларингизни йиғиштиришга мажбур бўласиз...

Дарҳол бирор чора кўриш кераклиги, аксинча тузатиб бўлмас кориҳол юз беришини тушундим. Жуда жиддий нимадир қилиш, ҳатто қалтис ишга кўл уриш зарур.

Йўлакка чиқадиған эшик ёнига бориб чақирдим:

– Элен! Бир дақиқага бу ёққа келоласизми? Ева сиз билан гаплашмоқчи...

Ўгирилиб Еванинг буришган юзи ва ўйноқлаётган кўзларини кўрдим-у, бу гал ғалаба қилганимни тушундим.

Элен оқиш-мовий ҳалатда келди. Кўриниши гуноҳкорона эди. У остонада тўхтаб, синглисига шундай кўрқув билан боқдики, ҳатто унга раҳмим келиб кетди.

– Эшитаман, жоним.

Ева томоғини кирди.

– Виктор ҳаммасини айтиб берди.

– Аҳ, шунақами?

– Икковларинг бир-бирингизни севасизлар, тез орада уйланмоқчи, шекилли... Ҳалиги, у иш топган заҳоти.

Бундан Элен учун ҳайратда эди. У менга ажабланиб қаради ва мен маъқуллаб кўз қисдим.

Ева адёл четини ғижимлар эди. Тўзғиган сочлари елкасига тушиб турарди.

– Шунинг англадимки, мени ҳам ўзларинг билан бирга яшашга қолдирасизлар, – деди у.

Элен каравот ёнига борди.

– Албатта, жонгинам.

– Демак, Виктор тезроқ иш топиши керак. Кейин ҳаммаси жуда яхши бўлади, тўғрими?

Элен бош ирғади. Шунда Ева ҳўнграб юборди. У шунчалик қаттиқ йиғладики, мен ҳатто кўрқиб кетдим. Ева ўтирган каравот титрар эди. Унинг нафаси тикила бошлади. Аммо Элен бундай дақиқада нима қилишни биларди. У ваннахонага югурди ва сув олиб, жигарранг шишачадан ўн томчи дори томизди. Дорини синглисига ичирди. Кейин эса оналарча унинг устини ёпди.

– Ухла, шириним, эртага ҳаммасини гаплашамиз.

Биз кетишдан аввал бироз ўтирдик. Хўрсиниш овози бир текис нафас олишга алмашингач, хонадан чиқдик. Енгил кийинганимга қарамай, жиққа терга ботгандим.

– Раҳмат, – шивирлади Элен. – Даҳшатли бўлди, тўғрими?

Мен елка қисдим.

– Унчалик кўрқинчли эмас, Элен.

Иккинчи қисм

Еттинчи боб

Бир неча кун нисбатан осойишта ўтди. Ўша бўронли тундан сўнг булутсиз ҳаёт бошланди. Элен билан ўзимизни келин-куёвдай тутардик, айтмоқчи-манки, кибор жамиятдан чиққан эзгу орзули жуфтлардай. Яна бир-биримизни сизлашга ўтдик ва ўпиш ҳақида ўйлашни унутдик. Ева янги вазифасини завқ-шавқ билан қабул қилди ва турмуш қуришимиз тўғрисида бетиним жаврарди. Ҳатто бизни шоширарди, сал ўпкасини босиб қўйишимга тўғри келди.

– Менга қаранг, Ева, – дедим мен, – сиз аниқ биласизки, ҳозирча бу ҳақда гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Гапираётиб кизариб кетдим, чунки бундай бахтли ҳаёт туфайли унчалик тиришиб иш ахтармас эдим.

Элен эса умуман гапирмасди. Учовимизнинг ора-мизда у энг кўп асабийлашарди. Бир куни кечкурун ҳаммамиз ҳовлида ўтирардик, Амелия қаҳва келтирди. Бу заҳарли хотиннинг мени кўргани кўзи йўқ, чунки уйдаги одатларни бузган эдим. Устига-устак, мени саргузашт ишқибози деб шубҳаланарди. Бир томондан, балки у ҳақдир.

Хизматкор кетиши билан Ева мен томон отилди:

– Эшитинг, Вик!

Энди у мени Вик деб атар, мен эса уни Ева деб чақирардим.

Иш қидириб кийналиб юргандан кўра, дўкон очмайсизми?

Афтимни буриштирдим.

– Фаройиб ғоя-ку!

– Ҳа, пулингиз йўқлигини биламан, лекин нима фарқи бор?

Биз Элен билан ўзимизнинг... Сиз... сиз эса ундан фойда чиқарасиз, зўр бўлади!

Элен ҳам қувонди.

– Виктор, Ева ҳақ, энг яхши йўли шу.

– Сизлар ҳар доим яшашимга садақа пул бериб юрасизларми?

– Садақа деганингиз нимаси? Бу одатдаги иш таклифи. Агар савдога маблағ сарфлашни хоҳласак, бошқарувчи керак бўлар эди. Умуман, сиз нотинч бўлмаслигингиз учун дўконни номингизга расмийлаштирамиз, фойдани эса бўлишиб оламиз. Элен, нима деб ўйлайсан, шундай ишни йўлга қўя оламизми?

– Бўлмасам-чи! Эртага нотариусга телефон қиламан.

Аммо шу пайт мен гапга аралашдим.

– Эй, секироқ!

– Ҳўш, яна нима? – сўради Ева.

– Арзимаган бир нарсани унутдинглар.

– Қанақа нарса?

– Мен тижорат бўйича ҳеч балони тушунмайман. Қўлимдан келадиган ягона иш шубҳали алламбалолар билан қоғозни қоралаш эди. Ундан ташқари, тўғриси айтсам, савдогарлик ҳунарини унча ҳуш кўрмайман.

– Савдо ҳар хил бўлади, – эътироз билдирди Элен. – Сизни вино сотиладиган дўкон ёки баколея, очинг, деб қистамаяпмиз-ку.

– Унда нима қилишим керак?

– Мен биламан! – қичқирди Ева.

Унинг ёноқлари ҳаяжондан қизариб кетди, янги ғоя шунчалик қамраб олганди.

– Нима?

– Виктор, сизга Америка дисклари сотиладиган бўлими бор стилли дўкон тўғри келади, бу ерда кўнгилочар муассасалар қанча, пластинкалар қандай сотилишини тасаввур қиласизми?!

Нима ҳам дердим, ёмон фикр эмас.

– Яна расмлар билан савдо қилинадиган кичкина зал бўлади. Ҳаммаси яхши йўлга қўйилса, иш юришиб кетади, фақат чиройли расмларни танлаш керак... Ўзингизнинг каталогингизни чиқарасиз. Умуман, турли олифталар учун артистлар клубига ўхшаш жой бўлади, улар бу ерда – Марселдан Ментонгача лиқ тўла!

Еванинг илҳоми менга ҳам юқди.

– Қизиқ, бу арзимас нарсга қанчага тушаркан?

– Азизим, биз боймиз-ку, ахир, тўғрими?

Эленнинг юзи жиддий тус олди. У жавоб беришдан аввал яхшилаб ўйлади:

– Ҳар ҳолда бундай лойиҳани бемалол муҳокама қилишга арзирли бойлигимиз бор.

Биз дарҳол ишга киришдик. Тезда уй ҳар хил эскиз, лойиҳа, қораламалар билан тўлди. Амелия ҳар куни бир неча марта гоҳ нотариус, гоҳ улгуржи савдогар, гоҳ архитекторни кутиб олиш учун дарвозага югурарди.

Мен пластинка чиқарувчи машҳур фирмалар билан ёзишмалар олиб борардим. Бу ишда фамилиям ҳам ёрдам берди. Қилаётган ишим одамларга табиийдек туюлди, чунки собиқ радио хизматчиси пластинкалар билан шуғулланса, нима бўлибди, собиқ спортчилар қаҳвахона очяпти-ку.

Кейинги ҳафтада Элен билан турли саноксиз биноларни кўриб чиқдик, лекин уларнинг ҳаммаси

биз ўйлагандай кенг эмасди. Ниҳоят, бетиним кидирувлардан кейин жуда камёб жой: Канн шаҳарчасининг коқ марказида эски гаражни топдик.

Дўкон биринчи қаватга жойлашади. Иккинчи қаватда галерея бўлади.

Олди-сотдини тезда расмийлаштирдик. Нишседаги газета редакцияларга бордим ҳамда маҳаллий радио оркали мурожаат қилдим. Ложувард кирғоққа дастлаб келганимда ўйлаганимдай у ерларга иш қидириб кирсам борми, албатта, дарҳол эшикни кўрсатишган бўларди. Энди эса мени каттагина ишбилармон деб ўйлаб, ҳеч ким сўзимни қайтармас эди. Таклифимни қизиқарли ҳисоблардилар.

Мен баобрў кишилар билан танишдим. Қисқасини айтганда, ажойиб саргузаштларим бошланди. Гўё бошқатдан ҳаётга қайтдим. Агар Лекенларни учратмаганимда дайди бўлиб юардим. Эленга муҳаббатим устига жуда катта миннатдорчилигим ҳам қўшилди. Евага келсак, ўзини мардонавор тутар ва севгисидан воз кечган эди. Бундай фидойилик, ниҳоят, кўнглимни юмшатиб юборди ва энди ўша муносабатларимни аниқлаштирган тунда ваъда берганимдай, чиндан ҳам унга боғланиб қолганимни ҳис қила бошладим.

Омадимга кўникиб, тез орада мазасини тушуниб қолдим, ниҳоят, дунёда тақа-тақ эшикларни очишда бойлик алмаштириб бўлмас калит эканини ҳис қилдим. Бундай кучга эга бўлиш қанчалик ёқимли! Уларнинг уйига бориб қолишим қанчалик омад келтирди! Албатта, бу бойликлар менга асло тегишли эмаслигини тушунардим, лекин улардан фойдаланишим мумкин-ку.

Ҳар куни эрталаб соат олтида туриб Эленнинг ёнига, спорт майдончасига югурардим ва бир-бири-

миздан ўзишга тиришиб, гимнастика машқларини бажарардик.

Чарчагач, душга кирардик, кейин Амелия нонушта тайёрлаган ҳовлига чиқар эдик. Бу куннинг энг яхши пайти эди. Биз кунлик ҳаракат дастурини ишлаб чиқар эдик. Элен фаолиятимизнинг тижорат, Ева эса артистлик томони билан шуғулланарди. Ева ёнига каталоглар тўпини қўйиб олиб, пластинка танлар ва улар номини изоҳлари билан қалин дафтарга кўчирарди. Мен эрталабдан иш қандай кетаётганини кўздан кечириш учун жўнардим. Тушдан сўнг уйда иш бўйича шерикларни қабул қилар, мунозаралар олиб борардим.

Ўша куни эрталаб, душдан чиққач, Еванинг одатдаги жойида йўқлигини кўриб ниҳоятда ажабландик.

Амелияни чақирдик, аммо у эрталабдан бери қизни кўрмаганини айтди.

– Элен, қаҳва қуйгунингизча, бориб биламан...

Тепага кўтарилиб, эшикни тақиллатдим ва жавоб кутмай ичкарига кирдим.

У одатда бундай пайтда уйғоқ бўлишига қарамай, ҳозир қаттиқ ухлаб ётар эди. Касалланиб қолмадимикин деган хавотирда қаравоти ёнига бордим.

Нафас олиши бир текис эди. Қўлимни пешанасига қўйдим: иссиғи йўқ эди. Эҳтимол, кеча уйқусизлик билан узоқ курашгандир-у, ниҳоят, тонгда уйқу элитгандир.

Энди секингина чиқиб кетмоқчи эдим, шўрликнинг оёғи қаравотдан осилиб тушганини пайқадим. Уйғонганда оёғини кўтариб ололмаслигидан қўрқдим ва эҳтиётлик билан оёғини адёл тагига торта бошладим. Шунда тўсатдан бир нарсани кўриб, музлаб қолдим: Еванинг тўпиғига лой ёпишган эди.

Бу шундай кутилмаган мўъжиза каби эдики, қоқилган қозикдай қотдим. Кейин эса лойни кўчириб олиб, кафтимда эзғиладим. Ха, у ҳақиқатан лой эди!

Албатта, аҳмоқлик дерсиз, лекин мен ҳайратда эдим. Кўп йиллар мобайнида мажруҳ бўлган оёқлар қандай қилиб ерга тушиши мумкин? Юришни билмаган шўрлик оёқлар?

Калламга Еванинг оёқ кийимини кидириш фикри келди. У одатда қалин мўйна шиппак кияр эди. Шиппак шундоққина каравот ёнида турарди. Уларни текшириб, юмшоқ таглиги тозалигига ишонч ҳосил қилдим.

Ўйлаб ўйимга етолмай, Эленнинг ёнига тушдим.

У эски мактаб кўшиғини куйлаганча бутербродга ёғ суларди. Қора бахмал билан боғлаган сочлари қуёшда ялтирарди. Элен бахтиёр эди ва бундан яшнаб кетганди.

– Хўш, нима? – сўради у.

Мен ўтирдим.

– Қотиб ухляпти, уйғотмай кўяколдим.

– Тўғри қилибсиз.

Индамай нонушта қилдик, лекин туришга чоғланарканмиз, Эленнинг кўлига туртдим. У ўша заҳоти кўркинч билан лифт томон ўтирилди.

– Айтинг-чи, Элен, Ева нимадан шол бўлган?

– Полиомиелитдан. Ўн уч ёшида.

– Даволашга ҳаракат қилган бўлсаларингиз керак?

– Ҳамма дори-дармонни қилиб кўрдик! Уч ой Гаршеда ётди, кейин дадам Стокгольмдаги мутахассисга олиб борди. Мана, натижасини ўзингиз кўриб турибсиз...

Унинг гаплари мени қийнаётган шубҳани таркатди.

– Шўрлик қиз...

Мен Эленни коридор ичкарисидаги синглизининг ваннаси билан ёнма-ён жойлашган хонасига кузатдим. У менинг кетмаётганимдан хайрон бўлди.

– Яна бирор нима демокчимисиз, Виктор?

Ичкарига кириб, оёғим билан юриш жонимга текканди. Ахир, Элен билан шундай дақиқаларни бошдан кечирдикки, осон унутиб бўлмас эди.

– Элен, қачон турмуш қурамиз? Дўкон туфайли фақат расмлар, пластинка, безаш ҳақида гаплашамиз, асосий мақсад тўғрисида миқ этмаймиз.

У каравот четига ўтирди.

– Шошилиб нима қилдик, Виктор? Иккита ишни бир вақтда бажариш мумкин эмас.

– Сиз ҳақсиз, албатта... Аммо...

– Нима аммо?

– Турмуш қуриш ҳақида гаплашмасак ҳам, лоақал севгимиз тўғрисида мумкиндир?

Унинг ёнига ўтирдим. У худди жўшиб кетишимдан кўрққандай беихтиёр сал нари сурилди. Хатти-ҳаракати мени хафа қилди ва унга ишончсизлик билан боқдим.

– Мени севмайсанми?

У эътироз билдириш ўрнига бармоғини лабига босди:

– Виктор, бунақа бақирманг!

Мен чиндан ҳам бақиргандим.

Жуда қаттиқ ранжидим. Илгари сезмаган номаълум касаллик ичингга ўрнашиб олиб, аввал жонингни, кейин баданингни емирганда шундай туйғу пайдо бўлади.

– Сен мени севмайсан! Шунчаки ўшанда бўшанглик қилгансан, энди афсусланияпсан, шунақа!

У жилмайди.

– Бундай дема, азизим. Мен ҳам иложи борича тезроқ бирга бўлишимизни истайман.

– Ростанми?

Шунда унинг ўзи мени қаттиқ қучоқлаб олди, буни сира кутмагандим...

* * *

Бугун Американинг катта машинасини мен ҳайдашим керак эди. Бундай машинани бошқариш, айниқса, кичик машинага кўниккан бўлсанг осон эмас.

Эрталаб бенуксон мовий костюмимда аллея бўйлаб гаражга бордим. Эленнинг гапидан кўнглим кўтарилган, хурсанд эдим, ҳуштак чалганимча ёруғ осмон остидаги ҳаракатсиз денгизга боқиб завқланардим. Аммо тўсатдан оёғим тагида аллақандай қаттиқ нарсани сездим. Энгашиб ердан тугилган қирмизи ипак лентани олдим. У жуда кичкина, ўн сантиметрдан катта бўлмаган қирмизи бантик эди. Танидим: Еваники. У кечқурунлари сочини боғларди. Сочларини иккита катта кокил қилиб ўрар ва ҳар бирини лента билан боғлаб кўярди.

Энг ажабланарлиси, айнан бемор аравачасида ҳеч қачон келмаган жойда ётарди, чунки гаражга олиб борадиган аллея ниҳоятда тор эди.

Мен бантикни кўлимда айлантирганча узоқ туриб қолдим, кейин эса ўйлаб ўйимга етолмай чўнтагимга солдим. Ҳа, яхшилаб фикрлаб кўриш керак эди.

«Сен учун ниҳоятда савол кўп. Вик бола, дедим ўзимга. Умуман, агар шундай давом этаверса, хаёлотинг сен билан аччиқ ҳазил қилиши мумкин».

Қисқасини айтганда, аҳмоқона хаёлларни қувиб, гараждан машинани олиб чикдим.

Машинани кўчага қўйиб, гаражни ёпиш учун қайтдим. Яна машина ёнига борганимда таққа тўх-

таб котиб қолдим: шиналар ва кузов остида лой кўзга ташланарди.

Ахир кеча боғбонга машинани ювишни буюргандим ва ўшандан бери уни ҳеч ким ҳайдамаган эди-ку.

Саккизинчи боб

Ўша куни ишларим шунчалик кўп эдики, ҳаммасини паққос унутдим. Фақат тушлик қилиш учун уйга қайтгач, каталогларни кавлаштираётган Евани кўрганимдан кейингина шубҳаларим янги куч билан бош кўтарди.

У ёлғиз ўтирарди. Чиройли дастхати билан дафтар қаторларини тўлдираркан, кириб борганимда менга қаради.

Мен ёноғини чимчиладим.

– Салом, олтинранг асалари!

– Салом, Вик!

– Элен йўқми?

– Гўштли пирог пишириши кераклигини миясига михлаб олибди, энди ошхонада тер тўкяпти.

Сизга қандай яхши бека эканлигини кўрсатмоқчи, шекилли.

Мен кўзларимни пирпиратдим. Унинг гап оҳанги безовта қилди, қизда тагин зарда ва жаҳл пайдо бўлган эди. Яна ҳақоратланган бегуноҳ ўйинини ўйнашга қарор қилдимикин? Мен ўзимни ҳеч нарсани пайқамаётгандай тутдим.

– Вой, роса уйқучи экансиз! Бугун эрталаб нимага нонуштага тушмаганингизни билмоқчи бўлиб, ёнингизга кирдим, сиз фаришталардай ухлаб ётган экансиз.

Ева бош чайқади.

– Кеча тезроқ ухлашим учун Элендан уйқу дори сўрагандим, у кўпайтириб юборган, шекилли. Ҳа-нузгача бошим гувуллаяпти. Сира ёқмаяпти...

Мен пиджагимни креслолардан бирининг суян-чиғига қўйиб, айнан бу ерга биринчи куним бошим билан йиқилган жойга ўтирдим.

– Нима учун менга бундай қараяпсиз? – сўради Ева.

Чимирилган қошлари бурни устида туташди. Қизнинг кўриниши ҳорғин ва норози эди.

– Битта савол берсам майлими?

– Яхшиси, керак эмас.

– Савол керак эмасми?

– Савол берсам майлими, деб сўраганни ёқтирмайман, қандайдир дабдабали чиқади, қандай жавоб қайтаришни ҳам билмайман.

– Жуда оддий: тўғриси айтинг. Мен сўрамоқчи эдимки, касал бўлганингиздан бери юришга ҳаракат қилиб кўрдингизми?

– Шу холосми?

– Ҳа.

У елкасини сал силкитди.

– Ҳа, тасаввур қилинг, баъзан ҳаёлимга синаб кўриш фикри келган.

– Хўш, қалай, эпладингизми?

– Сира ҳам! Бутун вужудим бўшашган, кум тўла қопдай! Ўзингиз кўряпсиз-ку, Вик!

– Агар яна бир марта синасак, нима бўлади?

– Нимага?

Еванинг юзи қаҳрли, жирканч тус олди. Кўзларида нима бўлганда ҳам бебахт аламзада ҳолатида қолиш ва буни ҳаммага кўрсатиш қарори яққол ифодаланди.

– Ева, мен шифокор эмасман...

– Накадар афсусланарли!

– Ўзингизни жинниликка солманг. Шунчаки мен тиббиётга бутунлай бошқача ёндошаман, мураккаб ечим қидирмайман. Мен ўйладимки, бас, оёқ борми, ундан фойдаланишни билиш керак.

– Бу ўта эски фикргина эмас, ҳатто ниҳоятда аҳмокона...

– Ишончим комилки, ундай эмас.

– Менинг ўрнимда бўлганингизда эди... О!

– Ҳеч бўлмаса, икки дақиқагина, мен сиз ўйлагандай баджаҳл эмасман.

– Менга унақа туюлаётгани йўқ!

У ишшайди. Ишшайишини ҳар нарсага йўйиш мумкин эди.

– Менга қаранг, Ева...

– Яна нима?

– Ўзингиз айтдингиз: мен кучлиман.

– Жуда соз, ҳўш, нима бўлибди?

– Келинг, сизга ёрдам берай. Оёқларингизни босиб кўринг, балки...

– Ҳеч нарса чиқмайди. Оёқларим ҳақиқий эмас. Вик. Улар шунчаки... безак.

– Келинг, қайсарлик қилманг, яхшиси синаб кўрамиз... Қани, илтимос...

У ҳамон журъат қилолмас эди. Мен бошқа қис-тамадим. Ниҳоят, Еванинг ўзи бош ирғади.

– Ҳўп майли. Агар шунчалик хохлаётган бўлсангиз...

– Уни кучоқлаб аравачадан тушира бошладим.

– Вазифам қийин бўлиб чиқди. Оёқлари ерда тик туриши учун қизни тўғри ушлашим керак эди.

– Бундай оғир юкни кўтаролмай йиқилмаслигим учун икки букилиб, ниҳоят, зарур ҳолатга келтирдим.

– Тайёرمىсиз?

– Фаввора сувига икковимизнинг аксимиз тушган эди.

Аксимиз ғоятда нотавон кўринарди. Еванинг оёқлари ерда, аммо ҳеч қандай мувозанат йўқ эди. Гўёки қўлимда мум кўғирчокни ушлаб тургандай эдим.

– Ҳаракат қилсангиз-чи, Худойим-ей, бир-бир босиб кўринг!

Менинг жаҳлим чиқди.

Қаршимдаги оёқлари бемажол мўрт гавдани кўришга токатим қолмади ва чорасизлигимга қандайдир қаҳр аралашиб кетди.

– Эпполмайман...

– Яна уриниб кўринг!

– Эпполмайман. Вик... Тушунасизми, худди умуман оёқларим йўқдай. Умуман. Сонимдан буёғини сира хис қилмаяпман.

У йиғлаб юборди. Мендан шовуллаб тер қуйиларди.

Тўсатдан қулоқларимга Эленнинг кичкириғи урилди.

– Вой, Худо! Нима қияпсиз?!

Еванинг елкаси оша ҳовлига чиқиладиган эшик ёнида қўлларини кўкрагида чалкаштириб турган севгилимни кўрдим. У ниҳоятда норози қиёфада эди.

Мен беморни қайта аравачага ўтқаздим. Чунки унинг юра олмаслигини аниқ билдим. Менинг ҳаракатим эса ҳақиқий ҳақорат эди. Эленнинг нигоҳидан буни дарҳол пайқадим.

– Бу қанақаси, Виктор?.. – деди у фақат.

Аммо бу сўзларда қаттиқ таъна бор эди.

– Мени кечир, Ева... Мен... мен ҳақиқий аҳмоқларча иш тутдим. Сиз учун қайғураман, яхшироқ бўлармикан, деб ўйловдим.

Ева қўллари билан юзини беркитди, шу тариқа кўз ёшига эрк бериши мумкин эди. Креслодан пиджагимни олиб, Эленга кетдик ишорасини қилдим.

У бироз туриб қолди, лекин ортимдан юрди. Меҳмонхонага кирдик. Шиша девор ортидан кизнинг қандай йиғлаётгани кўриниб турарди. Агар ўзимни уролганимда эди, жон деб дўппослардим.

– Бекорга овора бўлишнинг нима кераги бор эди, Виктор?

Мен бошимни эгдим.

– Шунчаки миямга бир фикр ўрнашиб қолди. Синглингизнинг юра олишига ишончим комил эди.

– Аммо эрталаб сизга айтдим-ку, ахир...

Индамаслик ўйинини ўйнашга бошқа кучим етмади ва кашфиётларим: Еванинг тўпиғи ҳамда автомобиль филдирагидаги лой, гараж ёнидан топилган бантик ҳақида гапириб бердим.

– Буларнинг бари сизни безовта қилмаяптими?

– Тўхтанг, Виктор, шошмайлик. Ҳар бир ғаройиботнинг изоҳи топилиши керак.

– Агар изоҳи бўлса, у ғаройибот эмас.

– Хўш, машина бўйича ҳаммаси тушунарли: боғбонимиз дангаса, бошқа маҳаллий одамларга ўхшаб. Еванинг бантиги бўлса, деразадан тушиб кетган, кечаси шамол турди. У учуриб сиз топган жойга олиб борган...

– Хўп, шундай ҳам дейлик. Аммо оёғидаги лой-чи?

– Унинг ҳам бирор сабаби бордир.

– Тушунтиринг, қулоғим сизда.

– Ева Амелияга ёрдам беришни ёқтиради. Кеча, агар эсласангиз, кечки овқатда ширин илдиз бор эди. Бу сабзавот ҳар доим шунақанги ифлос бўладики! Ана ўшандаги лой – Еванинг оёғига тушган. Ева ҳеч нарсани сезмайди, пайқамай қолган...

Унинг далиллари мени иккилантириб қўйди.

– Эҳтимол, сиз ҳақдирсиз, азизим.

– Сиз нима деб ўйладингиз, Виктор? Ева яширинча юради, яна кечалари машина ҳайдайди, дебми?

Мен гарангсиб жилмайдим.

– Дўстим, – давом этди Элен, – ахир бу жисмонан мумкин эмаску! Ўзингиз ишондингиз, қиз эса азобланыпти.

– Ха, бахтга қарши. Менинг аҳмоқона сеансимдан ранжимас, деган умиддаман.

– Ранжиш нимаси? Аччиқ аламда у, ўзининг аҳволидан уялади. Умуман, жисмоний нуқсонини гапирганни ёқтирмайди...

– Хўп, унда гапирмаймиз, тўғрими, Элен?

Тўққизинчи боб

Ўша тун деярли ётмадим, асаб торларим узилар даражада таранг эди. Сезгирлик билан уйдаги сокинликка қулоқ тутардим. Жимжитлик, албатта, нисбий эди, чунки бунақа катта уйларда ҳар доим қандайдир тушунарсиз овозлар эшитилиб туради: гоҳ дарахт ғичирлайди, гоҳ бирор тунуканинг шамолда тарақлаши, баъзан тўсатдан кимнинг бамисоли арвоҳдай хўрсиниши... Ухлай олмаган пайтингда ана шундай шовкинлар асабингга тегади...

Деразадан қия очиқ эшикка юз марта бориб келдим, доим пастда қаердадир эшик ғичирлаб, коридорда кимнингдир қадам товуши эшитилаётгандай туюлаверарди... Лекин ҳар гал адашган бўлиб чиқардим. Амелия паровоздай хуррак отиб ётар эди.

Фақат тонгга яқин ухлаб қолиб, эрталаб но-нуштага кечикдим.

* * *

Орадан яна бир неча кун ўтди. Мен шундай банд эдимки, хаяжонларимни тагин унутдим. «Ажойиботлар сандиғи» дўкони мавжуд нарсага айланди, шаклга эга бўлгач эса ўз ҳаёти билан яшай бошлады. У айнан биз орзу қилгандай эди. Мен ўта замонавий, шов-шувли, ғоятда шинам муассаса барпо қилишимга ишонардим.

У бизга арзимаган пул: ўн саккиз миллионга тушди, лекин жойининг қулайлиги ва менинг раҳбарлигим туфайли (охиригача ўзимни унга бағишламоқчи эдим) хазинага айланарди.

Учовимиз ҳам қаттиқ хаяжонда эдик. Неча марта таклиф қилишимга қарамай, Ева боришдан бош тортди ва мен унинг ўзи ўйлаб топган иши қандай кетаётганини кўрсатиш учун ишхонамизни тез-тез сурагга олар эдим.

У билимдонларча фотографияда кўрган нуқсонларни танқид қиларди. Кейин қизнинг кўрсатмасига биноан ишчилардан кўп нарсани қайта тиклашни сўрардим.

* * *

Бир куни ухлаб ётарканман, ғалати туш кўрдим. Деразадаги тўр парда шамолда тебранарди. Кейин у одам шаклига кирди. Шаклдан қўл, оёқ ва ажабланарли даражада Еваникига ўхшаш бош ўсиб чикди.

Мен чўчиб уйғондим. Пешанамни тер қоплаганди. Шу пайт мени кимдир чақираётганини тушундим. Қалтироқ қўлим билан электр ёққични бурадим.

Каравот ёнида ранги мурданикидай оқарган Элен турарди.

– Нима бўлди? – кичқирдим мен.

Бунақа мум рангли юз ҳақикий фалокатдан дарак берарди-да, ахир.

Худди ҳозир беҳуш йиқиладиганга ўхшар эди. Элен ўрнига йиқилди.

– Ева...

Нимагадир синглиси жонига қасд қилган, деб ўйладим. Бу фикрдан кўксига мушт еган одамдай ўтириб қолдим.

– Касал бўлиб қолдими?

– Йўқ, ғойиб бўлибди...

Мен адёлни суриб ташладим.

– Нима деб валдираяпсан, Элен? Ғойиб бўлган... Ҳазилми бу?

– Йўқ-йўқ! Онт ичаман...

– Ўзингиз ишонч ҳосил қилишингиз мумкин.

Мен беморнинг хонаси томон отилдим. Ростан ҳам у ерда ҳеч ким йўқ эди. Ўрни йиғилган, аравачаси бўш, айиқ териси полда ётарди... Мен додираб қолдим. Қўрқинчли, мудҳиш манзара! Ногиронлар аравачаси, айникса, даҳшатли кўринарди.

Ортимдан кирган Эленга қарадим.

– Ақлга сиғмайди...

– Ақлга сиғмайди!

– Қандай билиб қолдингиз?

Саволим худди бирор нарсани ўзгартирадигандай у жим ўйга чўмди.

– Мен кейинги йилларда жуда сезгир ухлайман. Доим Ева чақираётгандай туюлаверади. Дастлаб чақирарди ҳам, баъзан бир тунда уч-тўрт марталаб. Ҳозир унақа эмас, ўзини эплашга ўрганди, лекин барибир унга ёрдамим керак, деган туйғу онгимга сингиб кетган. Тушундингизми?

– Албатта, тушундим...

– Хозир эса тўсатдан негадир уйғониб кетдим. Негалигини айтолмайман. Балки шовқиндандир, балки ички овоз уйғотгандир. Дарров ўрнимдан турмадим, лекин кайфиятим ёқимсиз бўлгани учун ухлай олмадим. Шунда туришга қарор қилдим. Хабар олишга кирдим...

Эленнинг овози қандайдир бегонаникидай эшитилди. У ичкаридан, эгасининг иштирокисиз чиқаётганга ўхшар эди.

– Бирор нарса ичинг, жоним, аҳволингиз жуда ёмон.

Унинг тунги кўйлақда эканини пайқадим.

– Кийиниб олинг.

Элен беихтиёр бош ирғади ва халат кийиш учун ётоқхонасига кирди. Пастга тушдим. Биринчи қаватдаги хоналарнинг ҳаммаси бўш эди, ховлида ҳам ҳеч ким йўқ.

Ховлига чикиладиган эшик беркитилмаганди.

Зинада Элен кўринди. У оғир қадам ташлаганча ҳар зинада тўхтаб-тўхтаб пастга туша бошлади. Мен меҳмонхонадаги барга чопиб кирдим ва стаканни тўлдириб спиртли ичимлик қўйдим. Кучли ичимликни кўргани кўзи бўлмаса-да, Элен бирор сўз демай уни ичди. Рангсиз ёноклар сал қизарди.

– Ўтиринг, Элен, ҳаммасини аниқлаб олишимиз керак.

У бўйинсунган кучукчадай эди. Иродаси бутунлай тарк этганди.

– Мен ўшанда адашмабман. Синглингиз юра олади.

– Бу мумкин эмас, Виктор... Мумкин эмас!

– Ҳар қандай шифокор тасдиқлайди...

Шундай экан, у ҳолда ўғирликми?.. Ўйлаб гапиринг, Элен! Биз Америкада эмасмиз. Агар биз, ҳатто

ўша томонда яшаганимизда ҳам, бизнинг Евани ўғирлаш кимнингдир миясига келади деб ўйламайман.

Коньяк ва менинг ишончли овозим уни тинчландирди. Элен асосли далилларимга қулоқ солиб, ўзини қўлга олди.

– Виктор, мана, неча ҳафтадирки, уни биласиз. Сиз, ҳатто унга юришни ўрганишига мажбурлаб кўрдингиз. Сиз яхши биласизки, у яхши юрмайди, оёғини тўғри босолмайди!

– Элен, ҳар кунги ҳақиқий воқелик қанчалик ёрқин бўлмасин, ақлимизни ўғирлаб қўймаслиги керак. Ева ўзининг аравачасида ўтирибди, юра олмаслигига бизни ишонтирмоқчи. Лекин нима учун? Бор-йўғи вазият ва мантиқли далил исботлар унинг томонида бўлгани учунми?

– Бу ерда нимадир бошқача бўлиши керак, Виктор.

– Нима? Менга лоақал тахминга ўхшаган ниманидир айтиб кўринг, мен сизни эшитаман.

– Билмадим...

– Мана кўрдингизми!

– Лекин мен аниқ биламанки, Ева юра олмайди. Бу борада менинг зиғирчаям шубҳам йўқ. Аммо ўзингиз ўйлаб кўринг, агар у дафъатан юришни ўрганиб олган бўлса, унинг буни яширишидан қандай маъно бор, ўзини ногирон қилиб кўрсатмоқчими? Бу унинг билдириши мумкин бўлмаган сиримикан?

Тўсатдан миямга бошқа фикр келиб қолди. Мен бармоқларимни шиқиллатдим.

– Назаримда, мен фаҳмладим, Элен...

Унинг кўзлари ҳатто қоронғиликда ярқираб кетди. Назаримда, ҳозир уларда ўзимнинг аксимни кўришим мумкиндек туюлди.

– Элен сиз яқинда шаклланиб улгурмаган онг ҳақида гапиргандингиз...

– Хўш?

– Фараз қилинг, Евадаги пишиб етилмаган онг унинг касаллигидан кўра кучлироқ. Фараз қилингки, у тушида юришга эҳтиёж сезади ва бу айнан пишиб етилмаган онг тўлқини унга бу кучни бердими!

Элен бошини чайқади. Лекин ҳар ҳолда мен унинг шубҳаларини тараддудга солиб қўйгандим.

– Ҳа-а, сизнингча, – деди у. – Бу ҳаммаси уйдирма эмасмикин?

– Майли, тўқимадир, аммо тамомила ҳақиқатга яқин.

Элен ўрнидан турди.

– Уни топиш керак, Виктор, ўйласам кўриб кетяпман. Ҳатто агар у юраётган бўлса ҳам. Ундай бўлса, жойини қандай аниқлаб олаётган экан, у ахир ҳеч қачон уйни тарк этмаганди...

– Ҳеч қачон? Мен эса сизга такрор айтяпман, у уйдан чиқади!

Мен тўсатдан асабий аёл билан автомобилдаги тунги саргузаштимни эсладим... Эй меҳрибон Тангрим, қандай қилиб бунинг ҳаммасини таққослаб бўларкин?

– Мен биламан, сизнинг нима ҳақида ўйлаётганингизни, – шивирлади Элен, менга синчиклаб қараркан.

– Яхшиси сиз билмаганингиз яхши эди, Элен. Дунёда шундай нарсалар борки, улардан кўзинг қорайиб кетади...

– Биз нима қиламиз?

– Кийинамиз-у, уни излагани борамиз. Сиз унинг атрофини қидириб кўрасиз, мен эса гаражга бораман, кейин эса иложи борича айланиб чиқаман.

– Яхши. Мен Амелияни уйғотишим керакми?

– Ҳозирча шартмас. Унинг мотам қўшиғидан биз енгиллашиб қолмаймиз.

* * *

— Тезда шимимни ва свитеримни кийдим-да, ховлига чиқдим.

Тун ниҳоятда қоронғи бўлиб, момақалдиروق яқинлашмоқда эди. Ойни булут қоплаб олган, ҳаво эса ниҳоятда рутубатли эди.

Мен гаражга югурдим.

Автомобиль жойида турарди. Мен енгил тортиб нафас олдим. Кейин дарвозага яқинлашдим-да, негадир уларнинг қулфланмаганини кўрдим.

Мен нишабликка томон телбалардек елардим...

Қаердан излашни билмасдим... Оддийгина шу эмас, шунақа вақтда, зулматда излаш шундай яна қаердалиги номаълум йигирма ёшли, мантиқ бўйича юришни билмайдиган қизни?..

Дарахтлар оралаб югурарканман, мен тинимсиз ўша тунги маккорликни ўйлардим...

* * *

Мен энди дарвоза ташқарисига югуриб чиққандим ва деярли бир соатдан буён яқин атрофдаги кўчалар ва йўлларда югуриб, қичқирардим:

Ева!.. Ева!.. Ева!..

Ҳар гал бирор қорани кўришим, лоақал қанақадир шовкин эшитиб қолсам ҳам қичқирардим.

Тушкун, куч-қувват кетган ҳолда уйга қайтдим.

Ҳамма дераза ойналардан ёруғлик порлаб турарди.

Холлга кирарканман, Эленни чақирдим, лекин жавоб эшитилмади. Наҳотки у ҳануз синглисини излаётган бўлса?

Мен иккинчи қаватга кўтарилдим-да, дарҳол Еванинг хонасига мўраладим ва ҳатто кутилмаган ҳолатдан сўкиниб юбордим.

Ева кравотда ётар, чуқур уйқуга кетганди.

Икки сакраб унинг ёнига етиб бордим, адёлни юлиб олдим ва оёқларига қарадим. Оёқлари шудрингдан ҳали ҳўл эди.

– Ева! – дея қичқирдим мен.

Лекин у ҳатто қимир этмади.

Мен унинг елкасини силкита бошладим.

– Ева, майнавозчилик қилишни тўхтатинг! У нимадир деб минғирлади, кейин базўр кўзини очди.

Гўё, у мени кўрмаётгандек эди. Ҳар ҳолда, у мени танимади.

– Ева, эшитинг! - қичқирдим мен.

Ҳеч қандай ўзгариш йўқ эди. Ваннахонага югурдим. Совуқ сувга сочикни ҳўллаб, уни базўр қизнинг юзига босдим. Ниҳоят, у кўзини очди.

– Ева, сиз мени эшитяпсизми?

– Ҳа-да, Вик...

– Биласизми нималар бўлганини? У қошларини чимирди.

– Шошманг... нимадир менинг бошимда зирқираб оғрияпти... Мен қишлоқ бўйлаб сайр қилиб юрганимни туш кўрдим...

– Тушингга кирди?

– Ҳа...Жуда совкотдим. Ўзимни ёмон сездим. Жуда ёмон бўлди... у аксирди.

– Сизга жуда совуқ бўлди, қаранг-а шамоллабсиз? – заҳархандали сўрадим мен.

– Бу нимаси, Вик?

– Мен эса мен аҳмоқ ҳисоблайдиган ҳар доим одамлар билан шундай гаплашаман. Бу яна қанча давом этади Ева?

– Нима?

– Ева, сиз юра оласиз... Бугун тунда сиз турдингиз. Ажойиб! Мен, мана, иккинчи марта сизни жиноят жойида тутиб оляпман... Яқиндагина мен

сизнинг опангиз билан шу хонага киргандик, сизни бу хонада кўрмадик. Кўрмадик, Ева!

У оғзини очиб қолди, кўзлари эса кўркувдан катталашиб кетганди.

– Нима деяпсиз, Вик?!

– Бу ҳақиқат! Сиз хонада йўқ эдингиз ва сизнинг қайсики, усиз гуёки кўзгала олмайдиган ара-вачангиз бу ерда бўш турарди. Биз телбалардек, сизни ҳамма ердан кидириб юрибмиз, уй атрофида изғиб. Бизнинг бошларимиз ҳар хил тахминлардан ёрилиб кетай деди, сиз эса астагина, сездирмайгина кириб олдингиз бу ёққа!

Қиз шундай қаттиқ кичкирдик, ич-ичим музлаб кетди:

– Ёлғончи! Сиз ярамас ёлғончи! Сиз мени ақлдан озган сифатида кўрсатмоқчи бўляпсиз, мен биламан! Бу ерда Элен иккинги хонанинг ичидан беркитиб олишни ва бойлигимизни ўмаришни истайсиз!

Мен кулоқларимни қўлларим билан беркитиб олдим.

– Демак, у ҳолда мен ҳам, Элен ҳам – ақлдан озган. У сизга мен нимани айтган бўлсам ўша гапларни такрорлаши мумкин. Ахир сизнинг йўқлигингизни биринчи бўлиб у пайқади ва мени огоҳлантирди!

Охирги далил-исбот уни синдирди.

– Буни у... пайқади...

У кўзларини юмди. Унинг юзлари шундай бўз-ранг тусга кирдики, бунақасини бир марта ўша куни ўпишганда кўргандим.

– Вик, мен қўркиб кетяпман... Бу Элен...

– Нима – Элен?

– Элен, мени ақлдан озганга чиқармоқчи, Вик... У афтидан менга ухлатадиган дориларни тикиштирган, шунинг учун мен ҳатто уйғона олмадим. Ке-

йин эса мени уйдан зўрлаб олиб чиқди. Ҳа, ҳа... Менинг тушимда шундай туйғу бор эди, гўё кимдир мени орқасида опичиб келаётгандай.

Айни пайтда у худди гипноз таъсирида турган эди.

— Ева! — кичкирдим мен. — Мен опангизга бундай айблов қўйишни тақиқлайман.

У бироз қаддини кўтарди, худди ўрнидан туришни хоҳлаётгандек... Ҳаракат шундай кескин эдики, сал бўлмаса каравотдан йиқилиб тушай деди.

Шу онда мен орқамда кимдир турганлигини ва бурилганлигини ҳис қилдим.

Остонада Элен турарди. Эгнидаги халати парча-парча бўлиб йиртилган, оёқларини тиканлар тирнаган, сочига қарағай игналари илашганди...

У қўлини юрагига босди, аммо фақат нафаси тикилганидан эмас, яна Еванинг айбловини эшитганидан ҳам шундай килди, айблов ниҳоятда қаттиқ ботган эди.

Элен Евага узоқ тикилиб қолди. Ева бошини эгди. Кейин Элен ғойиб бўлди ва мен хонаси эшигининг ёпилганини эшитдим.

— Ева, — бўғилиб шивирладим мен. — Наҳотки, сиз ҳақиқатан ҳам, шундай деб ўйлайсизми?

У бош чайқади.

— Вой, билмайман энди билмайман. Вик. Балки мен ростдан ҳам бироз телбадирман...

— Мен фақат битта нарсани биламан!

Қиз қошларини чимирди ва тўсатдан қилган шўхлиги учун жазо кутаётган эркатой кизчага ўхшаб қолди.

— Юролишингизни биламан! Яна шуни биламанки, сиз мен учратган фоҳишалар орасида энг ифлосисиз.

— О! — дея хитоб қилди у.

Сўнгра лабларини чўччайтирди, кўзларини олайтириб яраланган ҳайвон тусини олди.

Аммо энди бу комедия менга таъсир этолмади, жуда кеч бўлган эди... Мен ўзимни тутолмадим.

Адёлини отиб юбордим. У ҳамон кўзларини пир-пиратар, давомини кутар эди.

– Юра оласиз! – бақирдим мен. – Юра оласиз! Кани, қандай юришингизни кўрсатинг-чи, ярамас қиз!

У қўрқувдан хунуклашиб кетди, бужмайган афти беғубор кўринишини йўқотди.

– Бўл, бўл, тур, мадемуазель Лекен!

Ҳар қандай меъёрни унутиб уни қучоқладим ва каравотдан олиб тушдим. Кейин олдинга итардим.

Нима бўлишини кутиб юрагим шунақанги урар-дики, худди кафасидан чиқиб кетишга тайёр.

Ева кум тўла қопдай полга йиқилди, боши ара-вача ғилдирагига урилди, қичқирганча ўтиришга ҳаракат қилиб гиламда ётиб қолди, типирчилади. Лекин ҳеч нарса чикмади.

Уни кўтардим. Оёкка қўйиб турғаздим-да, қўйиб юбордим. У яна йиқилди.

Шунда мен тўсатдан тинчландим. Уни оҳиста кўтариб каравотга олиб бордим.

– Ева, агар тасодифан адашган бўлсам, бу дақиқа учун ҳаётда ўзимни кечиролмайман, – дедим ва чиқиб кетдим.

Учинчи боб

Эленнинг ёнига кирдим. Уни кўзида ёш билан учратаман деб ўйлагандим, лекин Элен осойишта эди. Мен ҳатто ажабландим. У оёқларини чалишти-риб, муштини иягига тираганча юмшоқ креслода ўтирарди.

Ўзимни каравотга ташладим ва Эленга қарадим. Ҳамма нарса ортга ўтди. Фақат унинг гўзаллиги қолди.

Хатто, йиртиқ халатда ва оёқлари тилинган бўлса-да, барибир худди маликалардай кўринар эди.

– Хўш, қалай? – шивирладим. – Нима дейсиз?

Элен жавобан ғамгин кулимсиради.

– Биласизми. Виктор... бир одам билан узок йиллар ҳамнафас яшайсан. Умрингни унга қараб белгилайсан. Энг яхши йилларингни унга бағишлайсан. Кейин эса ажойиб кунларнинг бирида у сендан фидойиликларинг учун миннатдор бўлиш у ёқда турсин, хатто сени кўргани кўзи йўқлигини пайқаб қоласан!

Бу осойишта айтилган алам мени ич-ичимдан хафа қилди.

– Элен...

– Йўқ, Виктор, қўйинг... Қўйинг... У жаҳлда айтиб юборди-да... Чунки қилмишини пайқаб қолдик, у шошилинич нимадир ўйлаб топиши керак эди...

– Шу сабабли айтдики, унда юрак йўқ. Виктор, шунинг учун айтдики, мендан нафратланади. Ҳар доим билганман: сизни тортиб олганим учун мени кечирмайди.

Мен довдираб қолдим.

– Шошманг, ҳар ҳолда уни иккиюзламачи деганимда ҳаққа ўхшайман. Ева, балки ўзида кечаётган жараёнга жавоб беролмас. Ёки...

– Нима «ёки»?

– Ёки ўта талантли артист...

Элен хўрсинди.

– Қандай аниқлайсан? Эртами, кечми ҳаммаси равшан бўлади.

– Сиз уйқу дори деб бераётган нарса нима ўзи?

– Даволовчи шифокоримиз ёзиб берган дори.

– Кучли таъсир қиладими?

– Микдориға боғлиқ... Қаттиқ асабийлашаётганини кўрсам, ўн томчи бераман... У ухлатишдан кўра кўпроқ тинчлантиради. Агар, албатта, микдори ошиб кетмаса.

– Кеча ҳам ичганмиди?

– Йўқ. Худди шунинг учун ҳам у ёлғон гапиряпти, деяпман. Тушунасишми, Виктор, у чин дилдан гапиролмайди, кеча ҳеч нарса бермаганимни жуда яхши билади-да, ахир!

– Бўпти, ётиб ухланг. Элен. Эртага аниқлаштиришга ҳаракат қиламиз...

– Энди мен учун ҳаммаси шундоқ ҳам равшан. Илгари бунга ишонишни истамасдим, аммо ўзи мажбур қилди.

– Шифокор билан маслаҳатлашиш керак бўлади.

– Фақат уни чақиришдан аввал ўзингиз олди-га бориб бўлиб ўтган воқеани тушунтиришингизни хоҳлардим. Кейин у қандай фикрдалигини сўрайсиз.

– Эртага бораман.

Қўлидан ушлаб креслодан кўтариб, қучокладим. Элен бошини елкамга қўйди, сочиға илашган қарағай игналари бўйнимни китиклади.

Эртаси куни арқонда машқ қилиш ўрнига барвақт Канн шахрига жўнадим. Шифокорни чақириқ бўйича кетиб қолмасидан аввал топиб гаплашишим керак эди.

У портдан узоқ бўлмаган жойда кичкина, анча тинч кўчада яшар эди. У мени уй халатида қабул қилди. Шифокор шундай хушмуомала миқти чол эдики, тиббиёт конгрессларидан кўра кўпроқ шарўйнагани борса керак. Соқоли эчкиникига ўхшарди, кўзлари кулиб турар, коринчаси қуччаникидай, қўллари калта.

– Доктор Буссикмисиз?

– Хизматингизга ҳозирман...

– Менинг исмим Виктор Менда. Эленнинг турмуш ўртоғиман.

– Ах, шунақами?

– Турмушга чиқмоқчи эканини билмасдим, билмасдим.

Мен жилмайдим.

– Мен ҳам, доктор, бу ҳақда тахмин қилмагандим.

Гапим унга ёқиб тушди. Доктор қаттиқ хахолади.

– Тўйдан олдинги текширувга келмаган бўлсангиз керак, деб ўйлайман.

– Афсуски, йўқ.

– «Афсуски» деганингиз нимаси? Ёки соғлиғи яхши эмасми?

– Гап бутунлай бошқа нарсада.

Унда қизиқиш уйғотганимни пайкаганимдан сўнг ҳаммасини бир бошдан айтиб бердим. Тўпиғига ёпишган лойдан бошлаб, бугунга саргузаштда тугатдим, ҳеч нимани яширмадим.

У жиддийлашди ва норози қиёфада соқолини тортқилай бошлади.

Ниҳоят, гапимни тугатгач, доктор фақат шундай деди:

– Наҳотки, наҳотки!

Шундан кейин Еванинг касаллик тарихини топгунча ўйга чўмди.

Дафтарчанинг биринчи варағига хуснихат билан «Ева Лекен» деб ёзиб қўйилганди. У ўқишга тушди.

Сукунат чўмди, жанублик докторнинг бунчалик жим қолиши эса бутун фикри-хаёли сирли воқеа билан банд эканидан дарак эди.

Мен у қандай ҳукм чиқаришини индамай кутардим.

– Бўлиб ўтган воқеанинг жиддийлиги ва касаллик табиатига эътибор берсак, – деди ниҳоят, доктор, – қизнинг юра олишига ишонч кам...

Агар бирор мослама ёки ҳассани назарда тутадиган бўлсак, фақат шу фикрга таяниш мумкин. Ахир, Гаршеда даволаниши натижа бермаган-ку.

– Барибир, доктор, далиллар рўйи-рост. У юради.

– Шундай фаройиботлар бўладики, дарҳол бир фикрга келиш қийин, – ғўлдиради Буссик.

Мен бу гапни докторнинг оғзидан эшитиб ҳайрон қолдим.

У тушунди ва кулимсиради.

– Биласизми, бу касаллик ҳозирча кам ўрганилган. Қизча касалликка чалинган чоғда эса полиомиелит ҳақида бундан ҳам камроқ билишарди. Балки у тузала бошлагандир...

Беморнинг ўзи аста-секин мускулларини ўстиришга урингандир...

– Нимага аста-секин?

– Полиомиелит тузукроқ тадқиқ қилинмаган, инсон қалби эса қоронғи ўрмон, азизим. Айниқса, гап ногиронлар аравачасидаги қиз ҳақида бораркан.

У ўрнидан турди.

– Шу кунларда кўрғонга кираман, бўлмаса шошилиб тўсатдан боришим уни кўрқитиб қўяди.

Чол менга ёкди. Кўринишидан беғам хушчақчақ бўлгани билан яхшигина психолог эди.

– Хўп, учрашгунча, доктор. Танишганимдан хурсандман.

Шарбат ва ширинликлар ҳиди анқиётган зинадан тушарканман, бу ерда дурустроқ ҳеч нарса билолмаганим тўғрисида ўйладим. Фақат бир нарса равшан эди:

Евани яширин даволаш мутлақо мумкин эмас, деб ҳисоблаб бўлмас эди.

* * *

Ўша куни Ева тушликка чиқмади, аммо кун охирида барибир келди. Мен унинг ранги сал оқарибди, деган фикрга бордим. Чаккасида аравача филдирагига урилиши натижасида пайдо бўлган кўкарган жой турарди.

Биз Элен билан вернисажнинг очилиш куни «Ажойиботлар сандиғи» галереясидаги барни қандай безашни муҳокама қилаётгандик, лифт пастга тушиши билан икковимиз ҳам ўша тарафга қарадик. Еванинг эғнида олди очиладиган қора бахмал юбка ва осмонсимон мовий блузка бор эди. Кўриниши ғоятда хайратланарли эди.

– Ҳаммага салом! – жарангдор қичқирди у пўлат қафасдан чиқаркан.

– Таништиришга рухсат этинг: узоқ масофага югурувчи, стадионлар қироличаси, машҳур рекордсменка!

– Ўзингни тут, Худо ҳаққи! – чинқирди Элен.

– Худо ҳаққи... – гап бошлади Ева ва жим бўлди.

– Майли, бошқа ҳеч нарса демайман.

Мен унинг ёнига бордим.

– Ева, бугун кечаси шундай қўполлик қилганим учун мени кечиринг. Жуда уяляпман...

– Ҳа, майли, ўлиб қолганим йўқ-ку, ўзингиз кўриб турибсиз... Бунинг устига, тунда яна ўтлоқда эльфлар билан тўполон қилиб ўйнагани бормоқчиман.

– Ева, мен шундай ўйляпман: балки ойпараст-дирсиз, тушингизда юарсиз?

– Қандай романтика!

– Мен фақат аниқлашга ҳаракат қиляпман, холос.

– Кейин эса ойпарастлардек ўликка ўхшаб ухлаб қоламан, ҳатто сиз уйғотолмайсиз, а?

Мен сапчиб кетдим.

– Агар сиз ростдан ҳам уйқуда бўлсангиз, уй-
фота олишим мумкин эмаслигини қаёқдан биласиз?

– Аммо, ахир...

– Нима «Аммо, ахир»?

– Тушимда кимдир мени чақириб, силкитаётганини сездим...

– Ҳа, шундайми?

– Нега ҳаммангиз «Шундайми», «Шундайми?» деяверасизлар?

Мен елка қисдим.

– Бу ҳақда гаплашмаймиз, бўлмаса бир-биримизга ҳар хил аччиқ сўзлар айтиб юборамиз.

Кейин бутунлай бошқа оҳангда шивирладим:

– Ева, опангизни жуда хафа қилдингиз.

– Ҳеч бўлмаса, шуни эслайсизми?

– Эслайман...

Опа-сингиллар бир-бирларига қарадилар.

– О, Элен! – шивирлади Ева. Жонгинам, Элен...

Мени кечир, илтимос... Кечир...

Элен Евани бағрига босди ва улар бир-бирларининг қучоғида аламли хўнграй бошладилар.

Дастурхон тузаётган Амелия менга ажабланиб бокди.

Мен ўзимни қўярга жой тополмай қолдим.

Яхшиси, кетиш керак. Кеча тўплана бошлаган момақалдиروкли булутлар четлаб ўтди... Осмон тозаланди ва энди қуёш порлаб турар, қушлар сайрар эди.

Уй ортидаги спорт майдончасига ўтдим. Арқонни маҳкам сиқиб... Ҳеч қачон ҳозиргидай ишончли тепага кўтарила олмагандим...

Асло оғирлигим йўққа ўхшар эди ва мен тишларимни қисиб, куч қуйилишидан маст кўтарилавердим, кўтарилавердим.

Ун биринчи дoб

Келгуси тун осойишта ўтди. Ева одатдагидай ухлашга кетаркан, ҳеч нарсани ўйламасдан хайрли тун тиладим. Аммо у кетиши билан опасига маслаҳат солдим.

– Элен, виждонимиз тоза бўлиш учун ишни охиригача етказиш керак. Мен ўйлайманки, агар у билиб туриб қилаётган бўлса, энди бир неча кун кутади, қочиб кетмайди. Агар аксинча бўлса, ҳар лаҳзада яна кўчага чиқиши мумкин. Евани секингина хонага қамаб қўйсак яхши эмасми?

Элен бош чайқади.

– У дарров сезади ва шунақанги жанжал кўтарадики!

– Хўш, унда мен коридорда ётаман.

– Буни ҳам пайқайди, ишонаверинг. Евада қандайдир олтинчи туйғу бор. Ўша агар атрофида одатдан ташқари воқеа бўлса, ҳар доим огоҳлантиради.

– Унда холлдаги диванда ётаман.

– Хоҳлаганингизни қилинг. Виктор, фақат сизга ноқулай бўлади.

– Бундан ташвишланманг, азизим. Армиядагидай қаттиқ жойда ётишни яхши кўраман.

Мен Евани алдаш ва бирйўла пижамам билан адёлни олиш учун аввал ўз хонамга кўтарилдим. Бир соат кутиб, дераза ёнида чертиб турдим, кейин эса сичқондай писиб пастга тушдим.

Элен менга ноқулай бўлишидан бекорга кўрккан экан, мириқиб ухладим, эрталаб бадантарбия билан шуғулланиш учун чопиб кетдим. Спорт ажойиб нарса! Студияда ўтириб йикқан вазним анча камайди, қорним япалоқ ва мушакларим пўлатдай бўлиб қолди! Умуман, ҳеч қачон ўзимни жисмонан бундай яхши ҳис қилмагандим.

Яна бир неча кун ўтди. Мен ҳамон холлда ётар ва агар тўғри келса, ойлаб ўша ерда тунашга тайёр эдим. Евани қўлга туширсам бас, ахир мен қиз бу билан тўхтаб қолмаслигини билар эдим. Бугун-эрта яна ўзининг тунги юришларини бошлайди.

Доктор ваъда берганидай, уни кўргани келди. Еванинг ёнидан чиқиб, менга маъноли кўз қисди ва биз Элен билан уни панжарагача кузатиб бордик.

– Юриши мумкин, деб ўйлай олмайман, – деди доктор.

– Сизлар ҳар ҳолда янглишибсизлар, шекилли.

– Бу мумкин эмас, доктор. Мумкин эмас!

Шунда у менга жуда жўн савол берди ва мантиғи вужудимни титратиб юборди.

– Қандай юрганини ўзингиз кўрдингизми?

Албатта, йўқ, мен кўрмаганман. Менинг фақат биргина нарсасага ишончим комил: Ева маълум вақт давомида хонасида бўлмаган. Булар орасида эса ғоят катта фарқ бор! Доктор ҳам рус дипломатидай соқолини силаганча ушбу фарқ тўғрисида ўйлади.

Биз Элен билан уйгача жим қайтдик. Мен ўша эсда қоларли тунда Ева опасини қандай айблаганини эсладим. Мен нима ҳақда ўйлаётганимни Элен сезиб турарди. Айвонга кўтарилганимизда Элен бош чайқади.

– Йўқ, Виктор... Сиз янглишяпсиз.

Мен эътироз билдирмоқчи бўлдим, аммо улгурмадим.

* * *

Доктор келиб кетгач, икки кун ўтиб бир воқеа содир бўлди.

Тунда иккинчи каватдан келаётган даҳшатли шовкин мени уйғотиб юборди.

Мен ўша ёққа югурдим ва Элен синглисининг хонаси эшигини тақиллатаётган лаҳзада чиқиб бордим.

– Виктор, нима бўлди?

– Ҳеч нарсани тушунмадим... Сиз ҳам эшитдингизми?

У эшик тутқичини зўр бериб бурар, лекин Ева ичкаридан қулфлаб олган эди.

– Зулфинини солиб қўйибди...

– Ҳозир эшикни синдираман, эшитяпсизми? – қичқирдим мен.

– Керак эмас, яхшиси менинг ётоқхонам орқали ўтинг, ваннамиз бир-ку.

Мен коридор бўйлаб югуриб кетдим, Эленнинг ётоқхонаси орқали ваннага отилиб кирдим. Еванинг хонасига ўтиладиган иккинчи эшик ҳам берк эди.

– Бу ҳам ёпиқ! – қаттиқ қичқирдим мен.

– Унда бу ёққа келинг, Виктор! – Эленнинг хаяжонли овози эшитилди.

– Мен югуриб кетдим. Унинг арзимас зулфинга кучи етмас эди.

– Нарг туринг!

Мен ортга тисландим ва чошиб келиб ўнг елкам билан эшикни урдим. Эшик ғирчиллаб очилиб кетди. Биз гўё хонага учиб кирдик. Чироқ ёниқ эди. Дастлаб кўзимга бўш аравача ва каравот ташланди... Яқинроқ бордим. Ева стол орқасида ётар эди. У батареяга урилганди: чаккасида қонли яра кўриниб турарди. Қон сира тўхтамай унинг ажойиб олтинранг сочлари бўйлаб оқар эди.

Қизнинг қўлларидан тутиб каравотга олиб бордим.

– Кийиниб олган-ку! – хитоб қилди Элен.

Мен бунга эътибор бермаган эканман. Чиндан ҳам Ева полотно шим ва свитерда эди.

– Тезроқ доктор чақиринг, унгача мен ёрдамлашишга ҳаракат қиламан...

– Мен ваннага югуриб кирдим ва хира ойна ортидаги дори қутидан кучли таъсир қилувчи ан-

тисептик топдим. Евани бу доридан катта хўплам
отишга мажбур қилдим. У жирканганидан, ҳатто
ҳикичок тутди ва кўзларини очди.

– Оғрияпти, – шивирлади қиз.

– Ҳечқиси йўқ, жоним, фақат шишиб чиқади,
холос.

Нихоят, у мени каравоти ёнида турганимни кўрди.

– Нима бўлди? Каравотдан йиқилиб тушдимми?

– Йиқилса йиқилгандир, лекин фақат хонанинг
бошқа бурчагига эмас-да. Тағин у ёққа аравачасиз
борибди. Аммо ҳозир буни аниқлаштирадиган вақт
эмасди.

– Ҳа...

– Тушимдами?

– Албатта...

– Орадан ярим соат ўтиб доктор Буссик келди.
У ярани ювди ва хавфли эмаслигини айтди. Кейин
биздан ҳаммаси қандай содир бўлганини сўради.
Элен бор гапни батафсил гапириб берди.

– Тушунасизми, доктор, – аралашдим мен Элен
ҳикоясини тугатгач, – Ева эшикни ичкаридан бер-
китиб олибди... Бу гал ҳеч қандай шубҳага ўрин
йўқ: у юриши мумкин.

– Юрганда ҳам зўр-базўр юради, кўриб туриб-
сиз-ку, йиқилган.

– Энг эпчиллар ҳам йиқилади, тўғрими?

– Баҳслашмайман... Дарвоқе, кизнинг оёқларини
кўрганда ажабландим, мушакдор, ахир Ева етти
йилдан бери шол-ку...

– Ана, кўрдингизми?

– Ҳа, ҳа... Билимдон мутахассисга олиб борсак
яхши бўларди... Хўш, мадемуазель Элен. Парижга
олиб бориш харажатларини кўтарасизми?

– Албатта!

– Унда мен Фарно-Рейнга хат ёзаман, у мазкур соҳанинг энг илғор мутахассиси.

Доктор жуда паришон ҳолда бизни тарк этди.

Еванинг хонасига кирдик. Қон сизиб қизара бошлаган бошидаги боғлам саллага ўхшар эди.

– Нималарни пичирлашаяпсизлар? – сўради у.

– Яна бирор нарсани ўйладиларингми?

– Ева, яхшиси бор гапни бирийўла айтамиз...

– Сиз каравотдан йиқилганингиз йўқ...

– Унда қаёқдан?

– Ўз бўйингиз баландлигидан!

– Ах, шундайми?

– Ҳа. Кейин батареяга урилгансиз... Қаранг, у каерда: хонанинг узок бурчагида.

У ердаги гиламда ҳали ҳам қон доғи бор!

Иккала эшик ҳам ичкаридан берк экан...

– Нима?

Ниҳоят, қиз бу гал ҳаммаси анча жиддий эканлигини тушунди.

– Тўғри гапираётганимга ишонч ҳосил қилмоқчимисизлар?

– Эшикка қаранглар!

Буёққа кириш учун эшикни синдиришимга тўғри келди.

Қиз ошиқ-мошиғида осилиб турган эшикка қаради.

– Элен! – қичқирди Ева. – Элен, қутқар, қўрқинчли! Ўзимдан қўрқяпман!

– Бугундан бошлаб сенинг хонангда ётсам майлими?

– Албатта, азизим...

– Ростан ҳам шуниси яхши, – тасдиқладим мен. Бунчалик ташвишланманг, азизим, энди сиз билан жиддий шуғулланамиз, тезда ҳамма... нуқсонларингизни даволаймиз!

Ун иккинчи боб

Қароримиз бўйича ҳаммасини амалга оширдик: Еванинг каравоти Эленнинг хонасига ўтди, мен эса иккинчи қаватдаги ўз жойимга қайтдим.

Яна осуда давр бошланди. Мен ўзимни бутунлай дўкон ишларига бағишладим. У нихоясига етай деб қолди.

Энди Ева бу ишларга унчалик қизиқмас эди. Ўзининг ғалати ойпарастлиги исбот топгач, худди тушидагидай яшар эди. Баъзан фақат ўзигагина аён алланимани топмоқчидай бўшлиққа паришон тикилиб ўтирганини кўрардим.

Албатта, унинг руҳан тушкунлигига ҳеч ким эмас, ўзим айбдорлигимни билардим. Охир-окибат мен пайдо бўлгунимча бунақанги тунги жававлар юз бермаган-ку. Менинг уйда пайдо бўлишим Ле-кенларнинг тинчлигини бузди. Айниқса, Ева учун панжара девор олдида қўнғироқ чалишим ҳақиқий зарба бўлди.

Хокисор, кўзга ташланмас сичқондай, душман кўзи билан қаровчи Амелия ҳам барчасига мени айбдор, деб ҳисоблар эди. Буни яшириб ҳам ўтирмасди. Мен томонга камроқ қарашга ҳаракат қилар ва жимгина биқиқ юрарди. Амелия қулоғи оғирлигидан бизнинг тунги тўполонларимизда қатнашмади, аммо чамаси, эски хизматкорларга хос алоҳида туйғу билан хўжайинлари ўртасида ўтган ҳамма воқеалардан хабардор ва ундан қаттиқ сир тутишаётганини фаҳмлар эди.

«Эленга уйланишим билан бу жодугарни дам олишга жўнатиш учун ҳаракат қиламан», ўйладим мен.

Хозирча эса ўзимни унинг хуш кўрмаслигини пайқамаган каби тутардим.

Тез орада «Ажойиботлар сандиғи» муассасамиз очилиши керак. Жойимда ўтиролмас эдим. Хеч қачон бундай масъулиятли иш билан шуғулланишга тўғри келмаганди. Менда қандайдир дурустроқ иш қилишга эҳтиёж туғилди ва катта дабдабага ёлланган одамдай бу савдо авантюрасига бошим билан шўнғидим. Тақдир шундай имконият берган экан, асло қўлдан чиқармаслик керак. Ҳал этувчи воқеа олдидаги типирчилашлар бекаларимга ажратгани мутлақо вақт қолдирмади. Ҳатто Эленга муҳаббатим ҳам иккинчи ўринга ўтди ва худди ўзимизни бутунлай ҳиссиётларга бағишлаш вақти келмаганини билгандай, чўғ каби йилтирарди, холос. Менга оқилона ишлар ёқар эди, чунки ожиз эркакларгина доим ўзини иродали кўрсатиш имкониятидан фойдаланади.

Сўнгра учинчи тун бошланди.

* * *

Иккинчи қаватдан Элен чақирди. Қаттиқ ухлаб ётардим ва тўсатдан унинг ташвишли овози миямга камчидай ўрилди.

Зинадан юқорига чошиб чиқарканман, бу яна Ева туфайли эканлигини билар ва яна нима балони бошлаганини тахмин қилардим.

Элен мен томон отилди.

– Виктор, у тагин йўқолиб қолди!

– Қанақасига? Ахир, ҳозир сизнинг хонангизда ётганди-ку!

– Ухлаб қолибман...

– Ўзингиз ўйланг, бутун тун бўйи қоровуллик қилолмайман!

– Албатта, азизим... Сизни айблаётганим йўқ...

– Қандай юз берди?

– Ўзим ҳам билмайман... Аллақандай нохуш туйғудан уйғондим. Тушимда улкан кимсасиз ибодатхонада адашиб қолибман...

Бу дахшатли эди.

Чирокни ёқиб, эшик очиклигини кўрдим. Каравот бўш...

– Қидиришга югурдингизми?

– Йўқ, буни ҳозиргина кўрдим.

– Дарров сизни чақирдим.

– Кийимлари қани?

– Улар ҳам йўқ.

– Мен холлга қараб югурдим. Очик қолган эшик шамолда тарақлар эди.

Айвонга отилиб чиқдим ва овозим борича кичқирдим:

– Ева! Ева! Қайтинг!

Аммо жавобан денгиз эпкинидан силкинаётган лимон барглари шитирлайди, холос.

Мен ялангоёқ эдим ва шунинг учун ўтган галгидагидай орқага қайтишим керак деб ҳисобладим...

– Мен ҳам шундай деб ўйлайман...

Опа-сингилларнинг ётоғига кирдим ва икки бўш каравотга қарадим. Уларнинг кўриниши қандайдир ваҳимали эди...

Мен тўсатдан бўғилиб кетаётганимни ҳис этдим.

– Жуда хаяжонланяпсизми, Виктор?

– Бўлмаса-чи, Худойим, ўзинг асра!

– Мен ҳам кўркяпман... Назаримда...

– Сизга қандай туюляпти, Элен?

У гуё кўрқинчли фикрни қуваётгандай бош чайқади.

– Йўқ, бу ўта дахшат бўлади...

– Эшикни қулфлармидингиз?

– Йўқ, нима деяпсиз...

– Мен эшик билан унинг ўртасида ухлайман-ку ахир. Ўйловдим-ки...

– Албатта. Фақат қанақасига Ева кийинаётганини сезмадингиз?

– У ваннада кийинган бўлса керак?

Мен ваннага кирдим. Сарик ва қора кафел билан безатилган ваннахонада ҳамма нарса жойида эди. У ерни қимматбаҳо одекалон ҳиди тутганди.

Аммо бирорта ҳам кийим кўринмас эди. Энди чиқиб кетмоқчи эдим, тўсатдан қўлювгич ёнидаги столчадаги тиш чайиладиган стакан диққатимни тортди. Стакан четларида жигарранг суюқлик доғлари кўриниб турарди. Хидлаб кўрдим, бурнимга бироз ширин хид урилди. Мен ҳайратланиб ўгирилдим.

Ортимда Элен турар ва менга қандайдир ғалати боқар эди. Гўёки унинг асл фикрини пайқамаслигим учун бошқа бирор нарса ўйлашга ҳаракат қилар эди.

– Бу сиз Евага берадиган уйқу дорими?

У бош чайқади.

– Билмайман...

– Қанақасига билмайсиз, стаканда яна озгина қолибди-ку!

– Уни ўзингиз бергансиз.

– Ҳаётда бирор марта ҳам бермаганман!

– Эҳтимол, ўзи сезиб ичгандир, ўзини ёмон ҳис қилгани кўриниб турибди.

Кейин эса чиқиб кетган.

Унинг тушунтириши чин ҳақиқатга ўхшарди, аммо мени қониқтирмади.

– Шишаси қани?

– Аптечкада бўлса керак...

Мен қути эшигини сурдим. Қизил ёрлиқли ва резина тикинли конуссимон шишача яхши таниш эди. Лекин у ҳозир жойида йўқ эди.

– Элен! Бирор жиддий ходиса юз берган!

– Виктор! – хитоб қилди у. – Мени кўрқитманг!

Эленнинг юзи тупроксимон тус олди, кўзлари остидаги кўкиш доиралар чакноқ нигоҳини бўрттирди.

Бир неча лаҳза оғир жимлик чўкди, у асабларга болғадай урарди.

– Элен, сиз мендан ниманидир яширяпсиз!

– Нима деяпсиз, Виктор!

Бутун вужудим титрарди. Зўрға сўлакайимни ютдим. Оёқларим латтадай бўшашди, бу аниқ кўрқув белгиси эди.

– Шишача қани?

– Сизга айтяпман-ку...

– Эшитинг, агар Ева уйқу дори ичган бўлганда, зинадан ўзи тушолмас эди. Ҳатто стаканда қолган дори ҳам бутун бир полкни ухлата олади!

– Қаранг, мана бу ерда лаб бўёқ изи бор. Бундай рангли бўёқ билан синглингиз бўянарди, тўғрими?

Элен жавоб бермади. Мен уни ётоғига итариб киргиздим.

Жазирама иссиқ ёз кунида хашаротнинг мўйлови титраб, чириллашини сира эшитганмисиз? Ҳозирги таассурот шундай эдики, гўё ҳаво титраб, қандайдир овозлар чиқаряпти. Умуман, танам бўйлаб худди шундай қалтираш ўтди.

Хонани кўздан кечиргач, коридорга чикдим.

Нафас олишим тобора тезлашди, катта уйни сукунат қоплаганди...

Худди ибодатхонадагидай жимлик...

Гўё Эленнинг тушига кирган ибодатхонадагига ўхшаш.

Мен Ева ташлаб чиққан хонага кирдим. У ер бўм-бўш эди.

Дурадгорга бир неча марта хабар қилган бўл-
сак-да, эшик хануз тузатилмаган.

Мен бир нарсага эътибор бердим. Кўринишидан
арзимас нарса: лекин у улкан ҳажмгача ўсди. Ар-
зимаган!

Ўшанда ўз ҳаяжонларимиз билан бўлиб, бу
ҳақда ўйламагандим!

Бузук эшикнинг зулфи мустаҳкам эди, ошиқ-мо-
шиқлар ҳам зарар кўрмаган. Бу шундан дарак
берардики, эшикни бузаётганимда кулф билан бер-
китилган, мен аввал ўйлаганимдек зулфин солинган
бўлмаган! Аммо Элен айтгани учун менга шундай
туюлган!

Зулфинни кўздан кечирар эканман, у худди кўр-
маётгандай қараб турди.

– Элен...

– Ҳа?

– Ўша тун мен бу ёққа югуриб келганимда сиз
эшикни очишга уриняпсиз, деб ўйлабман, сиз ак-
синча, калит билан беркитаётган экансиз-ку. Ўзин-
гиз эндигина бу ёқдан чиққан бўлгансиз...

– Ақлдан озибсиз!

– Мен эмас, сиз ақлдан озганга ўхшайсиз!

– Ҳақоратлашингизга йўл қўймайман!

Унинг қўлидан ушлаб, яхшигина силтадим.

– Эшикни бузишни бошлашимдан аввал ваннага
кириб чиқишимга мажбурладингиз-ку. Бу билан,
балки Ева ичкаридан беркитиб олганини кўрсатмоқ-
чи бўлгансиз!

Ундаги клаустрофобия, беркликдан қўрқиш ка-
салини зўрайтирмоқни истадингизми?

– Виктор, бу ақлга сифмайди...

– Бирданига сизга нима бўлди?

Мен жавоб ўрнига унинг оёғидаги шиппакни
ечиб олдим.

Шиппакни силкитгандим, қум тўкилди.

– Элен, бугун кечаси уйдан чикмадим, дедингиз, шиппагингизда эса қум!

Галим уни довдиратиб қўйди. У оғзини очди-ю, лекин ҳеч нарса деёлмади.

– Сиз синглингизни ёқтирмайсиз, тўғрими?

Шунда у секингина йиғлаб юборди. Кейин ўзини ўринга ташлади.

– Мен бошқа чидаёлмадим, – шивирлади у эшитилар-эшитилмас, сўзларини қулоқ илғашидан кўра лабларининг қимирлашидан пайқаш осонроқ эди.

– Виктор, тўғриси, бошқа тоқат қилолмадим...

Нима ҳам дейиш мумкин? Унинг барча жаҳаннам азобларидан ўтганини ўзим кўрдим-ку. Ростдан ҳам бошқа чидашга кучи қолмаганга ўхшайди.

– Неча йил бу ғилдиракли креслонинг кули бўлиш мумкин, ахир! Тушунасизми?

Мен «Ҳа» деб жавоб бердим. Албатта, опалик бурчи фожиасини тушунаман. Элен ўз ёшлиги, эркини қурбон қилди.

Кейин эса бир кун келиб қарасаки, қандайдир абадий чорасизликда қолибди.

– Менинг ўзим касалман, Виктор...

– Унда бу ўйиннинг нима кераги бор эди? Нега Евани қийнайсиз? Шартта кетиб қолишингиз мумкин-ку?

– Ҳеч қачон ташлаб кетишга журъатим етмаган.

– Бемаъни комедия қўйишга етибди-ку? Ўзининг жиннилигига ишонишга мажбур қилдингиз, тунлари яширин юришини тасаввур этишига уриндингиз! Қанчалик бешафқат иш тутганингизни тушунасизми?

– Унинг ишонишига уринди, деб ўйлайсизми...

– Бўлмаса, меними?

– Виктор, сизни.

– Нима учун, вой Худойим?

У индамай бошини эгди. Пешанасида чукур ажин пайдо бўлди. Жағи олдинга туртиб чикди ва энди у сира чиройли кўринмас эди.

– Чунки режамда сизни ишонтириш фикри бор эди. Мен ушбу спектаклни бошладим... Сиз унинг юра олмаслигига шубхангиз борлигини айтганингиздан кейин шу фикрга келдим. Бир умр ундан кутулишни орзу килганман!

– Кутулиш?

Мен кўркувли хаяжонда сапчиб туриб кетдим.

– У қаерда, Элен?

Қанақасига бошида шу саволни беришни унутдим экан?

– Билмайман...

– Бўпти, етар! Ева қаерда?

– Мен... уни уйдан олиб чиқдим...

– Қаёққа олиб бордингиз?

– Қарағайзорга.

– Хўп, бориб кидирамиз.

Мен телбаларча жирканишни хис этдим. Ҳаётдай қандай бемаъниликлар бўлади, а?!

Эленнинг кабиҳларча қилмиши шу қадар жунбишга келтирдик, унга нисбатан севгим ирганишга алмашди.

– Туринг, кетдик!

У бош чайқади.

– Йўқ, йўқ, Виктор... Ўзингиз боринг... Менда қувват йўқ.

Унинг кўлидан ушлаб, ортимдан судрадим.

– Бас қилинг, кетдик!

Эленни кўлидан ушлаб судраганча зинадан пастга отилдим. Биз холлдан ўтиб, айвонга чиқдик...

Элен шиппақда, мен эса бутунлай ялангоёқ эдим, лекин бу ҳозир ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас-

ди. Мен гўёки аллақандай ички овозни эшитар, у тезроқ ҳаракат қилишга ундар эди.

Йўлни ўтлоқ орқали кесиб ўтиб, жон-жаҳдим билан қарағайзорга ўзимни урдим. Тун ойдин, дарахтзорда дарахтларнинг узун соялари ташвишли тебранарди. Элен ёнимда борар ва инграрди:

– Виктор, қўйиб юборинг... Ёлвораман...

– Уни қаерга қўйгандингиз?

– Мана шу ерга.

Мен синчиклаб қидирдим, аммо ҳеч нарса кўринмас эди. Афсуски, электр фонарь олмабман.

– Агар шу ерда қолдирган бўлсангиз, – тўнғилладим мен бироздан сўнг, – албатта, топган бўлардим. – Демак, сиз алдаяпсиз...

У жавоб бермади. Фақат қулоқ солди ва афти буришди.

Эленнинг кўзлари гўё тубсиз чуқурликка айланганди. Мен ҳам қулоқ сола бошладим. Ва бирдан чинкириб юбордим... Тушунарли. Олисдан яқинлашиб келаётган поезднинг тарақлаши эшитилди. Дарахтзор орқасидан темирйўл ўтарди-да, ахир!

– Аҳ, газанда! Уни рельсга қўйдингми, а?

У негадир дарров бош ирғади. Мен оёқларимга санчилаётган қарағай игналарига эътибор бермай олға интилдим...

Локомотивнинг гуруллаши тобора аниқроқ эшитилар, денгиз шовқинини бўға бошлаганди. Мен шундай тез чопдимки, оёғим остидаги ер худди ортга интилаётган улкан шарга айланди.

Фақатгина қаердадир қоронғида ўкираётган состав босиб ўтгунча Евани топиш фикрида буталар ва мастика дарахтлари орасидан шўнғиб ўтиб, тепаликка чикдим. Поезд қайси томондан келишини билмас эдим, чунки айнан шу ерда йўл бурилган,

тепалик ортидан эшитилаётган локомотив шовқини эса ҳамма ёқни тутиб кетганди. Фақат бир нарсаник: поезд жуда яқинда.

Ниҳоят, керакли тепалик тагига етиб бордим. Энди олдимда арзимас металл тўсиқ қолган эди. Ундан шартта сакраб ўтиб, темирйўл шағали устига тушдим. Узоқдан, ўнг томондан поезд чироқлари яқинлашар, устида осмонни қоплаб тутун бурқсир эди. Мен ой нурида ялтираётган рельсга қарадим.

Титраб кетдим. Поезд ва менинг орамдаги бенуқсон рельс бир жойда узилган, у ерда алланима тебранарди...

Мен чуқур нафас олиб, ўпкамни хавога тўлатдим. Энди тўйиб нафас олиш роҳатини яқин орада ўзимга раво кўролмайман. Ва тезликдан телбалашган оёқларимга эрк бериб Ева томон отилдим.

Рельсларда ухлаб қолган шол қизни асрашдай ягона фикр туфайли бостириб келаётган даҳшатли хавфни ўйламасликка ҳаракат қилганча шпалдан шпалга сакраб борардим.

Аллақаерда орқадан Эленнинг овози эшитилди:

– Виктор! У ёққа борма! Ўзингни асра! Қўй уни! Қўй!

Бу мени баттар жунбишга келтирди. Ҳанузгача синглисига ўлим тилаш учун инсон қалбдан ҳақиқий қотил бўлиши керак. Поезд тобора яқинлашди. Унинг чироқлари энди рельсларда ялтираб ой нури билан баҳслашар эди. Сўнгги бор сакрадим ва Еванинг устига ёпирилиб тушдим.

Уни қандай кўтариб олганимни, ҳатто эслай олмайман. Ўша дақиқадан хотирам сусайган. Фақат аччиқ кўмир тутунини ютганим, орқамни буғ оқими куйдиргани, бошим узра эса, гўё бутун бир сайёра портлагандай бўлганини эслайман.

Охирги сакраш мени холдан тойдирган бўлса керак: сулайиб, кучим тугаб, ҳушдан кетибман.

Ўзимга келганимда Евани маҳкам бағримга босиб ётганимни хис этдим. Унинг нафаси юзимни киздирарди. Уни буталар томон итариб, ўрнимдан турдим. Худди ҳеч қачон одатдагидай нафас ололмайдиганга ўхшар эдим. Кўксимда, гўё олов ёнарди, ҳозирги ҳолатимдагидай қалтираётган одамни ҳеч қачон кўрмаган бўлсангиз керак. Бутун вужудим титрарди...

Аммо туннинг салқин ҳавоси аста-секин ўзимга келтирди.

Нафас олишим текислашди. Мен пешанамдаги терни артдим...

Кейин уйғотмоқчи бўлиб Евани силтай бошладим. Аммо Элен унга жуда кўп миқдорда уйқу дори берган, шекилли, уйғотишнинг иложи бўлмади.

Мен Евани шартта кўлимда кўтардим.

Яхшиси, бу ерда содир бўлган даҳшатни билмай кўяқолсин.

Гандираклаганимча йўл бўйлаб ўша Лекенлар мулкигача кўтариб кетиб борардим. Яраланган оёқларим энди ўзини билдира бошлади. Беҳоллигимга ҳам чидаб бўлмас эди...

Евани кўлларимда болаларга ўхшатиб кўтариб борар ва шунинг учун йўлни кўролмас эдим. Кейин худди тугундай елкамга ортишга қарор қилдим (карағайзордан шундай ўтиш қулайроқ эди) ва ёнгинамдаги дўнгликда қандайдир қора нарсани кўриб қолдим.

Яхшироқ назар ташлаш учун энгашдим: бу мажақланган Эленнинг танаси эди.

Үн учинги бод

Элен мени поезд остида колди деб ўйлаб орқамдан қичқириб югураверган бўлса керак. Кейин тўсатдан тўхтаган ва мана шу иккиланиш лахзаси фалокат олиб келган. У ён томонга ташланмоқчи бўлгандир, эҳтимол, лекин локомотив уриб кетган. Эленнинг кўкрагидаги жароҳатига иккита муштни тикиш мумкин эди. Битта оёғини бутунлай узиб ташлаган, у гавдасига нисбатан тўғрибурчак ҳолатида ётар эди. Тирик одам ҳеч қачон оёғини бундай бука олмайди. Фақат юзи бутун эди. Юзи ой ёруғида хотиржам, хатто кулимсираётгандай кўринарди.

Ха, фақат мурданинг сирли юзидан қандай ифодани қидириш мумкин.

Поезднинг қизил чироқлари олисдаги йўл бурилган жойда ғойиб бўлди. Улар негадир менга сирли аёл ўтирган ўша автомобил орқа чироқларини эслатди.

Евани ерга қўйдим ва жирканишимни босиб, Эленнинг мурдасининг ёнига бориб тиз чўкдим.

– Демак, бу сенмидинг? – шивирладим мен. – Ҳиссиёти жўш урган аёл сенми? Чиройли ниқоб ортига яшириниб юракларни эзадиган сенми?

Калламга келган кора лириканинг бемаъни сатрларини қаранг. Қотилнинг ўлими мени ўзидан итармади, аксинча, хатто гўё ёвуз кучдай ўзига тортди.

Бироқ охир-оқибат борлиқ хиссиёти устунлик қилди. Оёқ оғригим мени севгилим мурдаси олдидаги ғамгин жазава ҳолатидан чиқарди. Ҳаёт ҳақида ўйлаш керак эди. Чунки ҳаёт давом этарди.

Ёнимдаги мавжуд икки одам билан боғлиқ янги мураккаблиklar ҳам.

Мен Евани елкамда кўтариб уй томон юрдим.

* * *

Уни каравотга ётқизиб ечинтирдим ва устига адёл ёпдим.

Кийимларини яхшилаб тозалаб, стул суянчигига осиб қўйдим.

«Яна нима эди? Э, ҳа!»

Уйку дори юқи қолмаслиги учун оғиз чайиладиган стаканни ювдим-да, факат шундан кейин ҳамма ёқнинг чироқларини ёқиб, ўз хонамга кирдим.

Эрталаб Амелия барчасини шу ҳолатда кўришини хоҳлардим.

Устига-устак, бу ўз жонига суиқасд тахминини тасдиқлайди... Ҳамма (Мен шундай умид қилардим) Элен тунги талваса таъсирида ўзини ўлдирган, деб ўйлайди.

Тун бўйи мижджа қокмаганим ҳақида гапириш шарт бўлмаса керак? Ҳар гал соат занг урганда ва айниқса, узоқдаги тепалик ёнидан поезд ўтганда бир сапчиб тушар эдим.

Кўз ўнгимда мунтазам бебахт қайлиғимнинг мурдаси турарди.

– Шўрлик Элен!

Токи шу даражага етган экан, қанчалик азобланди!

Ундаги ўта қаттиқ нафратнинг қандай ўсиб борганини тасаввур этарканман, бутун вужудим титраб кетарди. Элен уни бир доналаб йиққан, кун сайин ўргимчак тўри тўқиган, бахт учун қурилган бу баҳайбат уйда юз марталаб қайта-қайта ўйлаган. Унинг ўрни турма панжараси орти бўлмаса, жиннихонада эди. Ҳар ҳолда, фалак суди ўз вақтида бўлди. Мен қандай чорасиз аҳволга тушмай, тақдир бу қадар доноларча иш тутмаганди. Эленни полицияга топшира олмас эдим...

Уни Еванинг тирноқлари орасида қолдиришга ҳам журъатим етмасди...

Эленнинг фожиаси мени хафа қилмади.

Дарвоқе, умуман, уни севармидим ўзи?

Энди бунга катта шубҳада эдим. Янги нуқтаи назардан алоқамиз қалбаки, мустаҳкам эмасди.

У мени ҳаяжонга солди, ҳа! Мафтун этди...

Мен у билан бир лаҳзалик телбанамо ҳиссиёт нималигини билдим.

Аммо бу севгимиди?

* * *

Тонгда деразалар ёришди. Қушлар яна чуғурлашга тушди... Мен тонгни енгиллашиб қарши олдим.

Амелия тураётганини эшитдим. У ҳар тонг кийинаркан, йўталар ва ўзича тўнғилларди.

Мана, ниҳоят, пастга тушди. Мен унинг хоналар бўйлаб юраётганини яхшироқ эшитиш учун, ҳатто кўзларимни юмдим.

Амелия иккинчи қаватга етгач, қичқириб юборди. Бир неча марта турли хил овозларда Эленни чақирди. Кейин пастга туша бошлади, шекилли, унинг шитир-шитири эшитилмай қолди. Уларни туғилаётган кун товушлари ютиб юборди.

Ана шунда мен, ниҳоят, каравотда ярим ўтирган ҳолда бемалол мудрадим.

* * *

Бор-йўғи бир неча дақиқагина ухладим, холос, аммо шунда ҳам тетиклашдим. Эндигина ювиниб бўлгандим, ниҳоят, қари қарға эшик тақиллатди. Дарров шишиб кетган оёқларимни кедига тикиб қичқирдим: «Киринг!»

У биринчи марта, агар шундай ифодалаш мумкин бўлса, ёнимга ташриф буюрди. Бугун унинг юзидаги душманлик нуқси ташвиш билан алмашганди.

– Ёқмайдиган бирор иш қилибманми? – бегуноҳлардай қизиқдим мен.

Жуда зўр, бу гап билан синаб кўрдим ва ўзимни тўлиқ идора қилаётганимга ишондим.

– Йўқ-йўқ...

– Нима гап, сизга нима бўлди?

– Мадемуазель Элен йўқолиб қолибди.

Мен ўзимни кулишга мажбур этдим.

– Йўқолибди? Бу яна қанақанги янгилик? Балки одатдагидай бадантарбия қилаётгандир!

– Йўқ!

– Унда югуриб юрган бўлиши мумкин.

– Йўқ!

У худди ўзининг тиканли «Йўқ»ларини устимга ёғдираётгандай эди.

– Сиз қаёқдан биласиз, Амелия?

– Спорт шортиги, майкалари хонасида турибди. Кийимлари ҳам. У тунги кўйлагига чиқиб кетган... Мен, ҳатто коридордан шиппагини ҳам топиб олдим. Пастдаги ҳамма чироқлар ёниқ.

– Вой-вой-вой! Мадемуазель Ева қани?

– Ухлаб ётибди. Уйғотиб бўлмапти. Яна уйқу дори ичган бўлса керак.

– Майли, пастга тушайлик, кўрамиз.

Биринчи қаватда кампирни чалғитиш учун чапарастасига дуч келган хона эшигини очиб қарай кетдим.

– Шу ерда тулинг, мен ташқарини кидираман.

Қарағайзорга бордим. Кечаси у ерда изларим қолган бўлиши мумкин. Уларни йўқотишнинг бундан бошқа имкони йўқ...

Ҳақиқатан ҳам, бир новдага пижамамнинг йиртилган шойи чўнтаги илиниб турарди. Енгил тортиб уни чўнтагимга тикдим.

Фош бўлишдан кўркиб, нарирокка, темирийўл разведкасига боришга журъат этолмадим. Шундоқ ҳам омадим келган: машинист тунда эътиборсизлик қилган эди.

Бир соатдан сўнг ортимга қайтганимда меҳмонхонада полиция инспектори вокзал хизматчиси билан Амелияни эзиб сўроққа тутаётганди.

– Тушундимки, уларга ҳаммаси маълум!

* * *

– Сиз қариндошимисиз? – сўради мендан инспектор.

– Деярили... Умуман, мен Элен Лекеннинг қайлиғиман.

– У ўлибди! – қичқирди Амелия.

Мина менга керагидай таъсир кўрсатди, шекилли, чунки икковлари эҳтиёткорлик билан ҳисларимни аяб «дахшатли фалокат» тўғрисида гапириб бера бошладилар.

– Энг ғалатиси, – хулоса ясади полициячи, – мадемуазель Лекен шпалда тунги кўйлақда юрган. Балки у ойпараст бўлгандир?

Худди жавоб кутгандай Амелияга ўгирилдим. У саволни қайтаришни сўради, кейин эса кўрка-писа елка қисди.

– Кичкиналигида бўлган... Аммо ўшандан бери ҳеч қачон...

– Майли, криминаль полицияда аниқлашади, – файласуфона сўз қотди инспектор.

У темирийўл хизматчиси кузатувида уйдан чиқиб кетди.

Амелия билан ёлғиз қолиш ноқулай эди. Кампир чин юракдан ғамга ботган, уни юпатиш учун айтадиган ҳеч қандай гапим йўқ эди. Энг яхши-си, ахволим тўла ишонарли чиқиши учун, албатта, йиғлаш эди. Кўз ёши енгил торттирарди. Аммо сира йиғлай олмасдим. Асло ачинмаётган эдим.

У ёнимга келди.

– Сиз ўша куни останада утибоқ бизга ғам келтирдингиз, – деди чертиб-чертиб.

Унинг қаттиқ нигоҳини, ҳатто кўз ёшлари ҳам яшира олмас эди.

– Мен ҳам шундай деб ўйлайман, Амелия...

– Қизлар сизни деб ақлдан озаёзди.

– Улар...

Мен ташвиш билан жавобимни кутдим. Наҳотки, қари алвасти ҳақиқатни пайқаган бўлса?

– Улар бир-бирини аввалгидай севмас эди. Сизга очиғини айтай: менинг шўрлик Эленим ўзини ўзи ўлдирган! Сиз уни синглисидан тортиб олаётганингизни билган, бунга дош бера олмаган.

Амелия отилиб чиққан ҳўнграшдан бўғилди.

– Сизни иблиснинг ўзи юборган! – пиқиллади у ва диванга ўзини ташлади.

Мен тепага кўтарилдим. Евани уйғотишга ури-ниб кўрдим. У аввалгидай қаттиқ уйқуда эди. Нашатир спирт хидлатдим... Ева кўзини очди.

– Ева! Мени эшитяпсизми?

У қўлини сал қимирлатди. Бу «Ҳа» дегани эди.

– Шошманг, ухламанг...

Мен аптечкадан қувват берадиган дори топиб, унга тутдим. Ҳеч бўлмаса сал кучга киришини истардим. Кейин пешанасини совуқ сув билан ҳўллаб бошладим. Натижаси узоқ куттирмади: беш дақиқа ўтиб Ева ўзига келди.

– Яна бир бало қилдимми? – шивирлади у.

– Йўқ, кичкинтой Евам...

Унинг қаршисига ўтириб, олтин сочларини сидим.

– Сизга бир дахшатли нарсани айтишим керак...

У қизиқувчанглигини енгиб, жимгина гапимнинг давомини кутди.

– Жуда, жуда дахшатли, – шаъма қилишга ботиндим мен.

Қиз аланглади. У Эленнинг бузилган ўрнига қаради.

– Эленга бирор нима бўлдими?

Мен бош ирғадим.

– У... У кетди... Қайсидир маънода ҳа, Ева, кетди.

– Ўлдими?

– Ҳа.

У жазавага тушмади. Фақат тўсатдан кўзларини юмди.

Юпка бўёқ сурилган лаблари ниҳоятда ингичкалашди. У яқиндан бери бўяна бошлаган эди.

– Ева!

– Нима?

– Аҳволингиз ёмонми?

– Йўқ...

– Қандай содир бўлди?

– Ева...

– У ойпараст эди... Кечалари туриб кетарди...

– Уни бугун эрталаб темирйўлдан топишибди.

– Темирйўлдан! – кичқирди у бир зум кўзини очиб.

– Ҳа...

– Виктор, тун бўйи тушимга темирйўл кириб чикди. Накадар дахшат...

Кейин унга бундай пайтда нимадир қилиш кераклигини айтдим. Юпатиш учун керак бўладиган

маъносиз сўзлар... уларни ҳеч ким эшитмайди, хатто гапираётган одамнинг ўзи ҳам.

Бу ҳолат анча узоқ давом этди...

– Сўнгра йиғлаганча Амелия пайдо бўлди. Бу охирги томчи эди.

– Ева кекса хизматчи бағрида хўнграб йиғлади. Мен нарироқ кетдим.

Иккови қандай йиғлаётганига қараб турдим ва бу ерда қиладиган ишим йўқ, деб ўйладим ғамгин қиёфада.

Ҳн тўртинчи боб

Тергов узоқ давом этмади. Катак-катакли пиджак кийган иккита беғам инспектор келди ва сўроққа тутди, аммо одил суд нуқтаи назаридан бирор нимага осилиш жуда қийин эди. Биринчидан, локомотив уриб ўтганда темирйўлда Эленнинг факат ўзи турган, демак, қотиллик тўғрисидаги тахмин тўлиқ инкор этилади, иккинчидан унинг ўлими моддий томондан Евадан бошқа ҳеч кимга наф келтирмайди. Шол қизнинг фожиага аралашуви ҳақида эса гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

«Ойпарастлик натижасида содир бўлган бахтсиз ҳодиса» – мана шундай хулосага келди ниҳоят, полиция. Улар ҳам жуда-жуда салмоқли мулкга эга хонимга нисбатан «ўз жонига суиқасд» иборасини қўллашни истамас эдилар.

Уч кун ўтиб Эленнинг дафн маросими бўлди. Қўп одам қатнашгани йўқ: Амелия, доктор Буссик ва бир неча кекса қўшнилар.

Қабристондан чиқарканмиз доктор мени қўлтиқлади. Бу шунчаки такаллуфсиз, ёқимли ўтиришдан чиқаётганга ўхшаб кўринди. Вайсаки, серсоқол бақалок доктор ўша куни худди қуйиб қўйгандай

Марсел Паньол фильмидаги персонажнинг айнан ўзи эди.

– Бироз кузатиб қўйсам, майлими?

– Жоним билан, доктор.

У нақ ўн қадамча жим юра олди. Аммо кейин ўзини босишга кучи етмай тўхтади.

– Айтинг-чи, жаноб Менда, сизга ҳаёт ёвуз нарсаси бўлиб туюлмаётими?

– Шундайми?

– Сиз ўтган гал кичиги учун таклиф қилгандингиз, бахтсизлик эса каттасига ёпишди...

– Тезроқ гапиринг!

– Азизим, мен ҳар қандай нарсадан ўлишга розиман, лекин қизиқувчанликдан эмас!

– Хўш, Еванинг жававалари...

– Нима?

– Менга унда Эленнинг қўли бордай туюляпти...

У мени қўйиб юборди, лекин фақат елкамга шاپатилаш учун.

– Сиз, нима, мени бу ҳақда ўйламаган, деб тасаввур қилганмидингиз?

– Менинг далилларим бор. Шунинг учун сиз билан гаплашишга қарор қилдим...

Назаримда, шўрлик Эленнинг асаби бутунлай ишдан чиққан. Элен синглисидан ўч олишни, уни муғомбир қилиб кўрсатишни истаган. Кўзлагани амалга ошмагандан кейин...

– Ғоятда қайғули, – хўрсинди доктор.

– Барибир асосийси – ҳаётни жиддий қабул қилмаслик керак, шунда ҳаммаси оддий ва равшан бўлиб қолади. Нимага одамлар бунга тушунмайдилар?

Биз яна қуёш томон олға юрдик. Тўппа-тўғри қаршимизда Амелия – ёрқин манзара орасидаги ягона қора доғ пайдо бўлди.

– Энди нима қилмоқчисиз, азиз дўстим?

– Лаш-лушимни йиғиштираман, доктор... Бошқа нима ҳам қилардим?

У жанубликларга хос қўл силташ билан шубҳасини баён этди. Аммо кейин қўли пастга тушиб, осилиб қолди.

– Сизга омад, йигитча...

Биз чорраҳада ажрашдик. Мен бироз турдим-да, Амелияга етиб олиш учун чопдим. Биз ён деворлари оппоқ япалок тошлардан тикланган йўлдан юриб кетдик. Жимгина, гаплашмай борардик. Ҳа, нима тўғрисида ҳам гаплашардик? Орамизда ҳар доим – келган биринчи кунимдан бошлаб жимлик ҳукм сурган.

Бошларимизни эгиб борардик, пешанамни тер босган.

Тўсиққача етиб бордик. Айвонда қора кўйлак кийган Ева қимирламай ўтирарди. Оёқларига яна айиқ терисини ёпиб олибди.

Уни кўриб, юрагим сиқилаётганини хис қилдим.

Бу ердан, тўсиқ ёнидан шундай нозик ва ҳимоясиз кўринардики!

Ҳар доим ёлғиз. Мунтазам танҳолик. Ҳовли хитойча том, боғ ва тепаликли уй бирданига ўрта аср қалъаларига ўхшаб кетди. Қиз бутун умрини шу ерда тутқунликда ўтказишга ҳукм этилган.

Ҳа-ҳа, мана шу нохуш аравача, мотам кўйлакда ўтирган Ева шунча бойлигига қарамай, бахтдан маҳрум, ёлғизликка маҳкум.

– У нима учун дунёга келди? – хўрсинди Амелия.

Мен ўзимни бошқа тутолмадим. Панжарага ёпишиб, пешанамни занглаган симларга тираганча бор алаимни тўкиб ҳўнграб юбордим.

* * *

Бундай тушкунлик саросимасини кутмаган Амелия менга ажабланиб тикилиб қолди.

– Бўпти, кетдик, – шивирлади у.

– Бўлмаса одамлар кўриб...

Мен уялиб кетдим.

– Унинг учун йиғлаганим йўқ.

– Ева... сиз учун... Пиджагимни ушлаб турган кўлларим аравача филдиракларини тутди.

– Рост айтяпсизми, Вик?

– Ха...

Унинг бошини секин, авайлаб силадим. Кейин жимгина буюмларимни йиғиштира бошладим. Уларни аралаш-қуралаш қилиб жомадонга жойладим. Хона шинам эди, лекин ҳозир қуёш яшнатиб турган бўлса-да, нохуш кўринарди. Бу ерда ҳаётимнинг энг фаройиб ва бахтли онларини ўтказдим... Деворларидаги читсимон гулқоғоз, нозик мебель, эрталаблари деразам тагидаги эшикнинг ғичирлаб очилишини ҳеч қачон унутмайман...

... Пастга тушганимда Ева ҳовлида ўтирарди. У мени кўрди ва дарров жомадонимга кўз ташлади.

– Вик! – кичкирди у.

Ёнига бордим.

– Бу нимаси? Сиз... сиз кетяпсизми?

– Албатта, бу ерда, бу том остида ортиқ қолишим мумкин эмаслиги аниқ-ку, ахир.

– Сиз нима деяпсиз! «Мумкин эмас», деганингиз нимаси? Бориб турган кўрқокдай қочиб кетмассиз? Мени ёлғиз ташлаб кетмассиз...

– Ҳар ким айтиши мумкинки...

– «Ҳар ким»нинг фикри мени қизиқтирмайди, Вик! Бу ерда якка қолишни истамайман!

– Амелия сиз билан бўлади.

– У ҳам одамми?

– Эшитинг, Ева, бу ерда қолишим одобсизлик. Одамлар мени айнан ўзим хоҳламайдиган киши деб ўйлашади.

– «Ажойиботлар сандиғи» нима бўлади?

– Худди ўша ҳеч қачон рўёбга чиқмайдиган ажойибот, орзу бўлса керак, деб қўрқаман.

– Нима деяпсиз, менга ташлаб кетмоқчимисиз?

Жомадонимни қўйиб, тебранма креслога ўтирдим.

– Сиз ҳақсиз, Ева...

– Охир-оқибат, сизга хизматчи бўлишим мумкин... Фақат меҳмонхонада яшайман. Лекин тез-тез сизни кўргани келиб тураман...

Ева қўлини оғзига кўзача қилиб кичқирди:

– Амелия!

Кампир яқин орада ғимирлаб юрган, шекилли, ўша захоти пайдо бўлди.

Ева бирдан опасининг қиёфасига кирди.

У жомадонларни кўрсатди.

– Жаноб Менданинг нарсаларини қайтариб хонасига киритиб қўйинг.

Аммо бўйсунмоқчи эмасдим.

– Қўйинг, Амелия, мен кетяпман...

– Виктор, агар кетсангиз мен, албатта, бирор бир бахтсизликка учрайман!

– Худди шунча бахтсизлик камлик қиляпти, – тўнғиллади кампир.

– У жомадонимни кўтарди.

– Қизик, қаёққа бормоқчисиз? – гап ташлади у. Гўё қамчи билан ургандай бўлди.

Юкларимни олиб кетишига йўл қўйдим ва қалбим тўрида енгиллик туйдим. Чунки билар эдим: мен бу уйнинг тутқуниман. Бунга ҳеч қачон шубҳа қилмаганман. Уй-қамок, аммо бу мени чўчитмади, ҳатто нимагадир тинчлантирди. Мен ҳар доим тақдирнинг ҳамма зарбаларига бардош бериб келган

копток кабиман. Бу ерда эса, умуман олганда, ўзимни бежавотир сезишим мумкин.

Еванинг юзи тантанавор табассумдан ёришди.

– Мен бошқа сизсиз яшай олмайман, Вик...

Бу ҳукм эди. Энди опаси ўлгач, ўз навбатида, ногиронлар аравачаси қуллиги эстафетасини қабул қилдим.

– Ева, сизга бир нима таклиф қилмоқчиман.

– Йўқ-йўқ, Вик, ҳеч қанақа келишувчилик...

– Ева, менга турмушга чиқишни хоҳлайсизми?

У қизарди, кейин оқариб кетди... Оғзи аламли қийшайди.

– Устимдан куляпсизми?

– Йўқ-йўқ, Ева, бу сиз учун ҳам, мен учун ҳам ягона йўл...

Келинг, турмуш курайлик, ана ўшанда қочиб кетгим келмайди... Кетгим келса ҳам, барибир, қоламан...

Биз, табиийки, барча мулкингизни тақсимламай ўзингиз фойдаланишингизни таъминловчи никоҳ шартномаси тузамиз. Одамлар мени сизга пули учун уйланди, деб ўйласа чидаёлмайман ахир.

– Аммо Вик, шолга ҳам уйланадими? Ҳали бунақаси бўлмаган!

– Демак, энди бўлади!

Унда гурур туйғуси ва эртакона таклифни қабул қилиш истаги курашар эди. Лекин охир-оқибат, ундаги аёллик ғалаба қилди.

– Бундай жон фидо қилишнинг сабаби нима, Вик?

– Нимага фидо қилиш деб ўйлаяпсиз?

– Нима, сиз... мени севасизми?

– Сизга чексиз меҳрибонлик ҳиссини туяман...

– Аммо фақат севги эмас!

– Нима учун ҳар бир ҳиссиётга қандайдир ёрлик олиш керак?

Сиздан ажралишни истамайман, бу муҳимми ахир, шундай эмасми?

У кошларини чимирганча бир дакика ўйга чўнди.

– Мен сизни кўрган заҳоти севиб қолганман...

– Унда баҳслашадиган ҳеч нарса йўқ.

– Мен баҳслашмаяпман!

– Унда нима қияпсиз?

– Шунчаки тушунишга уриняпман... Сиз ёш, бакуват...

– Раҳмат.

– Ўзингиз ҳам жуда яхши билсангиз керак, кўз-гуда кўргандирсиз?

Унинг овозида бўғиқ алам оҳанги пайдо бўлди.

– Сиз жуда келишгансиз, Виктор...

– Сиз ҳам ниҳоятда гўзалсиз, Ева...

– Синган қўғирчоқдай...

– Илтимос қилдим-ку ахир: касалингизни унутинг.

– Кечирасиз...

Қиз аравачасининг суянчиғига шапатилади.

– Фақат, биласизми, мана бунга қараганингизда унутиш осон эмас.

Мен жилмайдим.

– Демак, розисиз, турмуш қурамиз?

– Қачон?

– Ҳм, бироз вақт ўтиб, мотам тугагунча кутиб турсак яхши бўлади.

– Сиз чиндан ҳам қачондир мотам тугайди, деб ўйлайсизми?

Бирдан унинг ёноқларида ёш пайдо бўлди. Мен дастрўмолимни олиб, эҳтиётлик билан Еванинг юзини артдим. Унга ҳамма нарсани айтиб беролмайман-ку! Ўлган опасига нисбатан нафрати қўзигандан кўра, яхшиси йиғлаб олсин.

Ҷи бешинги боб

Икки ойдан кейин тор доирада никоҳ маросими бўлиб ўтди.

Черков ва мэрияга ўзимиз бордик, гувоҳларни эса ўша ердан топдик.

Бу давр орасида қочишга уринмадим, деб таъкидлаб сизларни алдамайман. Неча марта ўзимга ўзим такрорладим:

«Сен, Виктор, ёшсан, келишгансан... Тақдирингни шол қиз билан боғламайсан!» «Бориб турган аҳмоқлик! Бундай қилишга ҳаққинг йўқ! Турмуш қуриш хайрия амали эмас. Одамлар севгисини абадийлаштириш, уни давом эттириш учун уйланадилар!»

Кўп марта жомадонимни беркитиб, хона эшигини очдим... Аммо сўнгги дақиқада мени нимадир ушлаб қолар эди. Бир дўнгликдаги тошчўп буталари орасида чигирткалар қаттиқ чириллаб қолади, бир кўча эшик ошиқ-мошиғи шамолда гичирлайди. Баъзан эса уйқудаги хонадоннинг чўзиқ хўрсинишини эшитиб журъат этолмайман...

Охир-окибат, тушундим: қаршилиқ кўрсатиш бекфойда.

Қайтишда рулда ўтирарканман, «хотинимга» назар ташладим. У ёнимда эди, бурилишларда мувоzanатини йўқотмаслик учун жуда тик ўтиришга ҳаракат қиларди. Бахтли табассум ниҳоятда чиройини очиб юборган эди.

Уни чўлоқ қилган тақдирдан шундай ғазаблалардимки!

У денгиз қирғоғидаги энг гўзал қиз бўлиши мумкин эди!

Мен Еванинг чўмилиш кийимида пляжда қандай чопиб юришини тасаввур қилдим...

Энди, никоҳланганимиздан кейин анча енгил тортдим.

Хаётда доим шундай: агар қандайдир ўта муҳим қарор қабул қилиш лозим бўлса, энг қийини олдинги, яъни иккиланаётган давр...

Иш битгандан сўнг эса ҳаммаси ажабланарли даражада жўн бўлиб кўринади. Умуман, шунақа: гўзал ногироннинг эриман. Розиман...

Хаётимни хавфга қўйиб бу қизни аниқ ўлимдан сақлаб қолдим.

Энди уни ўзим учун асрашдан бошқа йўл йўқ.

Биз сақлаб қолган одамлар кўринмас иплар билан боғланган.

Агар бирор инсонга ҳаёт берсангиз ёки ҳеч бўлмаганда сақлаб қолсангиз, тақдирингизни ҳеч нарса ажрата олмайди.

Дарвоза очик эди. Эҳтиёткорлик билан ичкарига кирдим ва бош аллея бўйлаб тепага, айвоннинг тагигача юрдим. Пастга тушиб, Евага ёрдамлашиш учун машинани айланиб ўтдим. Ева эшикни очди ва мен у томон энгашдим. У кўксимга ёпишди ва зинадан тепага кўтариларканмиз, юзимдан майингина ўпди. Бу никоҳланганимиздан буён биринчи бўса эди.

Мен кириб келаётган тундан кўрқар эдим.

* * *

Мана, ташвишли, бешафқат тун ҳам кирди. Барча инжиқликларимизга бепарво дош бераётган Америка, уларнинг ғайриоддийлиги туфайли ҳориб, тепага кўтарилди ва сукунат чўккан уйда икковимиз ёлғиз қолдик.

Ева менга қараб жилмайди. У жуда ҳаяжонланарди, лекин сизни ишонтириб айтаман, менчалик

эмас. Хеч бир эркак бундай ахволга тушишини истамайман.

– Хўш, бизнинг ҳам дам олишга ҳаққимиз бор, тўғри эмасми, азизам?

У жавоб бермади. Жимгина лифтга кирдик. Икки киши сиғмас эди, мен пиёда кўтарилдим ва иккинчи қаватга Евадан аввал чиқдим.

Эшик олдида тўхтадим (уни тузатиб қўйишганди). Эҳ, шу тобда шундай қочиб қолгим келардики!

Аммо ўзимга дедим:

– «Виктор, озгина чида, ҳаммаси тугайди».

Ева араваачанинг оёқ қўйгичи билан эшикни очиб, ичкарига кирди, чирокни ёқди.

– Виктор!

Аммо менинг ўзим шол бўлиб қолгандим. Қўрғошиндай оғир оёқларим ўзимга бўйсунмасди.

Яна Еванинг жарангдор овози эшитилди:

– Виктор!

Мен бир кадам ташладим. Ҳар куни кечкурун ётишга ҳозирланаётгандай аравачасини ўрни ёнида тўхтатди. Еванинг ёноқлари лоларанг тусга кирганди.

– Келин-куёв ётоқхонасига киришга ботина олмаяпсизми? – деди у ачитиб.

– Марҳамат, Ева!

– «Сен» дейишингиз мумкин, ҳар ҳолда хотинингизман ахир...

– Ева!

– Мендан кўрқяпсизми, а? Расмий тил билан айтганда «де факто» иттифоқини ўрнатишга кўрқяпсизми?

– Ева, мэрияда икки киши «ҳа» деб гувоҳлик бергани учунгина бир-биримизга ёпишиб кетишимиз бемаънилик.

– Қадим-қадимдан шундай бўлган. Виктор... Аммо гап бунда эмас. Тўғридан-тўғри жирканаман дейишга журъат топиш. Бу кўзингиздан кўриниб турибдику... Мендай ногирон билан бирга ётолмай-сиз, тўғрими?

Мен дахшатга тушганча эшик кесақисига суяниб турардим. У ҳақ эди. Лекин барибир унга уйландим. Балки бу қарорим билан хайрия учун ўзимни қурбон қилдим?

Уни ўз орзу-аламлари билан бирга танҳо қолдирганим маъқулмиди?

У тугмаларини ечди. Шойи блузкаси полга тушди. Кўзимни олиб қочдим.

– Йўқ, Ева... Бундай қилманг... Ялинаман...

Мен гандираклаб хонадан чиқдим ва зина томон юрдим. Ортимдан Еванинг аччиқ кулгиси эшитилди.

– Сал ўтиб унинг хўнграб йиғлаганини эшитдим.

* * *

Доим қаттиқ ҳаяжонланган кунларим фақат тонга яқин ухлай оламан. Нонуштага тушганимда Ева аллақачон меҳмонхонада ўтирарди.

У осойишта ва беташвиш кўринарди.

– Яхши ухладингизми, азизим?

Мен елкамни қисдим.

– Менга қаранг, Ева, гаплашиб олишимиз керак...

– Бемалол.

Амелия нонушта қўйилган патнис кўтариб келди ва гапимиз бир муддат бўлинди. Кампир бошқа-бошқа хоналарда ётганимизни билар ва чамамда ғазабда эди.

– Тунни яхши ўтказдингизми, жаноб Менда? – сўради у ғижиниб.

– Ажойиб, Амелия... Ҳатто сизнинг хуррагингизни ҳам эшитмадим.

У хафа бўлганча чангюткичи томон кетди.

– Менда, – такрорлади Ева, – менинг исмим Менда хоним... Виктор Менда хоним... Чиройли исм... Нима, келиб чиқишингиз итальянми?

– Хабарим йўқ, умуман, бунисига тупурдим. Ева, сиз ҳар доим шундай бўлишини билишингизни истайман... Тушунинг, менга вақт керак...

Нима учун батафсил баён қилишга тушиб кетдим экан?

Ахир тушунтириладиган нарсанинг ўзи йўқ эди-ку!

– Вақт, кўникиш учунми?

Қаршимда яна уйдаги бутун хукмронликни кўлга олишни истаган инжиқ қизнинг жирканч башараси пайдо бўлди.

– Балки!

– Уялманг, азизим, шошилманг, ахир олдимизда бутун ҳаёт турибди.

«Бутун ҳаёт»! Кўзларимни юмдим.

– Кейин, – давом этди у, – менга ўз исмингизни бермадингиз-ку, бу эса ниҳоятда қимматли совға, устига-устак, сизга айтганимдай, менга жуда ёқимли!

– Бунақа деманг, Ева. Сизни севаман, қасам ичаман, қачондир бутунлай менинг хотиним бўласиз. Ҳозирча эса фақат бир нарса, адолатсиз бўлмаслигингизни сўрайман!

Унинг ёнига ўтиб, ўпдим. Аммо Еванинг лаблари маҳкам юмилгандай ва ҳатто бир лаҳза у ҳозир ўпичимни туфлаб ташлайдиганга ўхшаб кўринди.

* * *

Эленнинг ўлими боис «Ажойиботлар сандиғи»да ишлар тўхтаб қолган эди. У бўйича ҳуқуқ, мерос масалаларига оид барча муаммоларни ҳал қилиш керак эди. Ева билан бир неча кун қолгандагина иш қайта бошланди ва энди омборга мол қабул қилиш учун бўёғининг қуришини кутиш керак эди, холос.

Яна ташвишларим кўпайди. Ишга чалғиганим, уйдаги биқикликдан қутулишимга ёрдам берарди. Савдога бошим билан шўнғиб, бир муддат қакшаган асабларимни тинчлантиришим мумкин эди.

Биттагина қувончим – галерея!

У бизнинг умумий маҳсулимиз эди: ҳар ҳолда Ева икковимиз барпо қилишга эришган эдик!

Мен бурнимга урилаётган бўёқ ва янги тилинган тахта ҳидини ҳидлаганча бўш бинода кезиб юардим.

У келажакка ишонч бағишлар эди.

Ушбу келажакимга бутун куч ва садоқатимни бағишлайман. Гуллаб-яшнайдиган зарур фаолият бошлайман. Бор вужудим билан ишга шўнғийман-да, атрофдаги одамлардан яширинишнинг ягона йўлига эришаман.

Кечкурун уйга қайтгач, қувонч билан хотинимни кўришга шошилардим. Унинг жаҳли, ақлининг тийраклигини севардим...

Эленнинг хотираси ҳамон шууримизнинг бир қисмида, қаердадир, баҳорда қарғалар учиб ўтар даражада баландликда эди. У менинг қора шайтоним эди.

Ҳар кимнинг ўз шайтони бор-ку, ахир...

Ҷун олтинчи бод

Мана, охирги тун ҳақида гапириб бериш вақти ҳам етди.

Ўша куни дўконда роса бензин исини хидладим ва ўзимни жуда ёмон хис қилдим, бунинг устига ярим кечагача «Ажойиботлар сандиғи»да куймаландим. Ҳатто тушликка ҳам чикмадим, кўнглим беҳузур бўлар эди. Евага хайрли тун тилаб, ухлашга жўнадим. Қулайгина ётиб, дарров ухлаб қолибман. Аммо ярим тунда яна ўзимни ёмон хис қилдим, ошқозоним санчиғидан уйғониб кетдим. Агар бирор нарса еб олмасам, ухлай олмаслигимни билардим. Очлик мен учун уйқуга қарши ишончли восита. Ўрнимдан туриб, иложи борица шовқин чиқармасликка ҳаракат қилиб, совиткичдан бирор нарса топиш учун пастга тушдим.

Биринчи марта бундай қилаётганим йўқ эди. Ёлғиз ўзим столга ўтирмай овқатланиш ёқимли эди.

Совиткичдан бир бўлак қовурилган нон, гўшт ва бир стакан вино олдим... Бемалол ейиш учун кичик ҳовлига чиқдим.

Тун илик эди. Жазирама пасайган, нафас олиш енгиллашганди.

Қўлимдагиларни еб бўлиб, қоронғида чала мудраганча яна узок ўтирдим. Шундай яхши эдики...

Енгил креслода худди булутларда ўтиргандай тебранардим. Қанча вақт ўтирдим, билмайман? Холлда соат занг уриб турарди, аммо мен уларни санамадим.

Тўсатдан титраб кетдим: қандайдир ғичирлаган овоз эшитилди. Аввал катта хонадонларда тез-тез қулоққа чалинадиган тунги товушлардан биридир-да, деб ўйладим. Олдинга энгашиб қулоқ сол-

дим. Сезгир қулоғимга қандайдир шитирлаш эшитилди.

Бирдан ғичирлаш яна такрорланди. Энди ишончим комил эди – у зинадан келар эди.

Зина шундай ғичирлайди...

Сапчиб туриб, сандалимни ечдим-да, ялангоёқ коп-қоронғи холл томон писиб бордим.

Ҳа, адашмаган эканман, ростдан ҳам зинадан кимдир тушар эди. Жавондан мис шамдонни олиб ўнг қўлимда ушладим, чапи билан пайпаслаб ёққични қидира бошладим.

Холл ярақлаб ёруғлашди. Кўзимни қисдим, шамдон қўлимдан тушиб кетди.

Зина ўртасида Ева турарди...

Ўткир нигоҳли қандайдир бегона Ева...

Ишонч билан оёқларида турган Ева. Асосийси, олд тугмалари қадалган кўйлак ва учбурчак дуррада!

Мен зина туткичини ушлаб, иягимни қўлимга қўйдим. Кўксимда жароҳат, Элен ўлгандагидан ҳам каттароқ жароҳат бор эди, гўё.

Бошимни қайта кўтаролганимда Ева зинада йўқ эди. Тепада хона эшигининг ёпилгани эшитилди. Зинадан иккинчи қаватга қараб чопдим... У эшик зулфинини солиб қўйганди, шу эшик ўзи бошқача экан. Елкам билан уриб бир лаҳзада буздим.

Ева аравачасига ўтириб олганди, гўё аравача уни асраб қоладигандай, гўёки у ерда хавфсиз.

Мен гупуллаб ураётган юрагимни босиш учун кўксимни чангалладим.

– Демак, ўша сен экансан-да, фоҳиша!

Совуқ хонада ўтиргандай тишларим тақиллар эди.

– Демак, бу сен... Бу, демак сен... – бошқа гапира олмадим.

Шунга қарамай, бошимда минг хил фикр айланарди. Бу кичкина аблах кўп йиллар мобайнида уйдаги хаммани лақиллатиб келгани ҳақида ўйлар эдим. Опасини ақлдан озишгача олиб келди-я! Бутун ҳаётимни синдирди...

Ҳа, мен суюқоёк, жиззакига уйлангандим!

Унга ўзимни йўқотганча қараб турарканман, денгиз бўйида машинада қандай ўтиришини тасаввур килдим. Қанақасига бу фоҳишани танимадим?

Ахир никоҳланганимиздан бери, ҳатто унга яқинлашмадим ҳам! Ўшанда эса машинада...

У аравачасида ғужанак бўлиб ўтирарди.

– Демак, бу сен... Бу, демак, сен!

Олдинга бир қадам ташладим. У деворга қисиб қўймаслигим учун, одатдагидай, эпчиллик билан аравачасини нари сурди. Ва орқаси билан очиқ эшикка тўғриланиб туриб қолди. Яна бир ҳаракат килди-ю, коридорга чиқди.

Мен тишларимни қисганча узук-юлуқ нафас олиб ортидан борардим. Муштларим шунчалик оғирлашган эдики, худди бронзадан қуйилгандай.

– Қачондан бери бу комедияни ўйнаяпсан, ярамас?

Мен аравачани тепиб юбордим ва коридор бўйлаб нақ икки метрга ғилдираб кетди. Аммо у эпчиллик билан тўхтатиб қолди.

– Қани, жавоб бер!

Унинг ҳаяжонли юзи сал ўзига келди.

– Ҳар доим шундай бўлган, Вик...

– Ёлғон!

– Рост!..

– Тушунтириб бер!

– Ўн уч ёшимда касалга чалиндим. Оғир ангина ва чамамда, бўғимлар ревматизми. Доктор отамга

полиомиелит бошланмаса эди, деб кўрқаётганини айтибди. Ҳатто, нишоналарини ҳам топибди... Мен эшитиб қолдим...

- Кейин муғомбирлик қила бошладинг?
- Кўриб турибсан...
- Етти йил мудом! Қандай эплай олдинг?
- Эпладим, чунки шуни хоҳладим.

Мен, ҳатто титраб кетдим.

– Вик, мен хоҳлаган ҳамма нарсамни қила оламан. Ўзинг ҳам биласан-ку ахир...

– Ҳа-ха, биламан... Аммо бу муғомбирликнинг нима кераги бор эди?

– Отам опамни кўпроқ севар эди. Онам қочиб кетгани учун мени кечира олмас эди, тушуняпсанми?

– Кейин қандай қилиб бўлмасин ўзингга эътибор уйғотишга қарор қилдинг?

– Ҳа. Умид қиламанки, ниятимга етдим, дейишим мумкин.

– Ётганда қандай соҳибжамол! Ётганда қандай... Сен бутун ҳаётдаги энг буюк комедия артистисан!

– Ошириб юбормайлик, Вик...

– Демак, бу ерда ҳамма ухлаб ётганда севги овига югурасан?

– Хўш, нима бўлибди?

Унинг нигоҳи вужудимни ёндирди.

– Ўшанда икковимизга ёмон бўлдимиз, қани, айтчи, Виктор?

Шунинг учун сенинг қолишингни хоҳладим. Сен гоятда ажойиб маъшуксан. Сени деб ақлимни йўқотдим... Бир кўришдаёқ севиб қолдим.

– Худди ҳайвонлардай, – хўрсиндим мен.

– Ҳа, Вик. Менга муҳаббат керак. Менинг ёшимда бу – табиий.

– Биринчи дуч келган одам билан! О, йўқ!

У менга бармоғини ўқталди.

– Мана, исботи! Мен танлашни биламан!

Бу мени лол қолдирди.

– Сен ҳақингда билиб олганимдан кейин ҳам устимдан кулишга журъат қияпсанми!

– Кулганим йўқ. Шунчаки тушунтиришга урин-
япман. Мен шол эдим. Уддабуронлик қилишимга
тўғри келди.

– Мени севаман деяпсан, унда нега қинғир
юришларингни ташламадинг.

– Бу мени ўзига тортади, маст қилади!

– Ева, сен ростдан ҳам жиннимисан?

– «Жинни» бўлиш қанақа ўзи?

Мен индамадим, шунда у қичқирди:

– Жавоб берсанг-чи!

– Сен сира тузалишни хоҳламадингми?

Унинг кулгисидан сесканиб кетдим.

– Баъзан хоҳладим – сенга қараганимда... Сен
аравачада яшаш қанчалик қулайроқ эканини, ҳатто
тасаввур қилолмайсан! Ундан ташқарида яшашга
қўйишмайди... Сени эзяпман! Тунлари баъзан чи-
дай олмайман, юраман... Бу оғир нарса. Қандай
қилиб ҳар доим хўроздай оёқда турасизлар?

Тўсатдан миямга бир фикр келди.

– Машина ҳайдашни биласанми?

– Ўн яшарлигимдан биламан, опам эрмак учун
ўргатган...

– Ҳеч ким ҳеч қачон кўриб қолмаганми?

– Шунчаки ҳар доим омадим келган, Виктор.
Сен биринчи бўлиб кўрдинг... Фақат ҳеч кимга
айтма! Айтган тақдирингда ҳам биров ишонмайди.

У тиржайди.

– Аҳмоқ Элен мени муғомбирга чиқариш учун
ҳар хил нарсалар кашф қилиб қанчалик қийналган-
ини тасаввур эт!

Ўлган одамнинг ортидан ҳақоратлаши қалбимда яна қутуришни жўш урдирди.

– У ҳақида гапиришни ман қиламан. Сен бориб турган илонсан, Ева!

Унинг юзи жиддий тус олди ва дона-дона қилиб деди:

– Балки мен илондирман, аммо сен, ҳар ҳолда илон захрисан!

Сен – ҳақиқий заҳар!

– Мен?!

– Сен эркак чиройига эга заҳар! Ахир Эленни сен ўлдирдинг!

– Қани, қайтар-чи!

У қўллари оёзига қўзача қилди ва овози бо-рича бақирди:

– Сен Эленни ўлдирдинг!

Мен бор кучим билан аравагани тепдим. Еванинг қўллари банд эди ва вақтида тўхтатиб қололмади. Аравача зинадан пастга юриб кетди. Мен ушлаб қолиш учун отилдим, аммо кеч эди. Аравача устидаги юк билан зинада ўмбалок ошди ва гоҳ девор, гоҳ тўсиққа урилганча сакраб-сакраб пастга учди. Еванинг чинқириғи эса гўё уни тезлаштирди.

Аравача биринчи супага етиб боргач, ўнг филдираги тўсиқ устуни орасига тикилди ва тўнкарилди. Даҳшатли пойга уч метр баландликдан сакраш билан яқунланди ва Еванинг экипажи холл плитасига бориб тушди. У бошқа қичқирмади. Мен иккинчи қаватдан пастга қарадим, кейин секин туша бошладим...

У ўз аравачаси бўлаклари остида ётарди. Оқ кўйлаги йиртилган, оёқлари кўриниб турарди.

– Ева! Яраландингми?

У менга қаради ва шунда тинчландим. Худога шукр, Ева тирик эди!

Мен аравача бўлакларини олиб ташлаб, уни бўшатдим ва қўлимни чўздим.

У қўлимга ёпишиб турмоқчи бўлди, бироқ шу заҳоти чинқирганча қайта йиқилди.

– Буйрагим лат еди, Вик!

– Бемаъни гапни валдирама, тур, Худо ҳаққи! Бўл, бўл, тур! Э, турсанг-чи!

У бош чайқади.

– Қасам ичаман, Вик. Оёқларимни мутлақо ҳис қилмаяпман!

ТАМОМ

Адабий-бадгий нашр

ФРЕДЕРИК ДАР

ИККИ АЁЛГА БИР МАҲБУБ

Мухаррир
Феруза ЭГАМОВА

Бадий мухаррир
Маъмур РАҲМОНОВ

Компьютерда саҳифаловчи
Дилдора ЖЎРАБЕКОВА

Техник мухаррир
Сурайё АҲМЕДОВА



Лицензия рақами: АІ № 252. 02.10.2014 да берилган.

Босишга 16.02.2022 йилда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32.

Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қоғози.

Босма табағи 4,0. Шартли босма табағи 6,72.

Адади 2000 нусха. Буюртма № 18.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» МЧЖда чоп этилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – (78) 147-00-14; (78) 129-09-72.

Маркетинг бўлими – (98) 128-78-43.

Факс – (71) 273-00-14;

email: yangiasravlodi@mail.ru

ՀԱՅԱՍՏԱՆԻ ԴԱՐՈՒՄԻ ԱՆՈՒ ՄԻ ԽԱՆԵ
 ՄԱՍԻՆԱԿԱՆ ԴԱՆԵՐ ԷՆԱԾԻՆ ԶԱՐԱԴԻՆԻ ՄԱՍԻՆ
 ԿՐԱԿԱՆ ԴԱՆԵՐԸ ԵՐԱՅԻՆ ԱՆՈՒ ՄԱՍԻՆԻ ԵՐԱՆ
 ԵՆԱԾԻՆ ԵՄԵՐ ԽՐԵՐԻՆԻՆ ԽԱՆԵՐԸ ԵՐԱՆ. ԵՆ ԿԵՆ
 ՕՐԱԿԸ, ԵՐԱՅԻՆ ԽԱՆԵՐԻ ՄԱՍԻՆԻՆԻՆ



www.nla.am

